

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ  
Қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридағи  
“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**



**Б.М.БОТИРОВ, С.Р.БОТИРОВА**

# **СУИЦИДАЛ ФАОЛЛИК ВА УНИ ПРОГНОЗЛАШ МУАММОЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

---

**КБК: 67**

**Б.М.Ботиров, С.Р.Ботирова. Суицидал фаоллик ва уни прогнозлаш муаммолари / Монография. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 118 бет.**

**Тақризчилар:**

**Акрамов М.Р.** –психология фанлари бўйича фалсафа доктори Ўзбекистон халқаро ислом академияси;

**Холикова М.К.** – фалсафа доктори, доцент, “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти.

Мазкур монография 2020-2021 йиллар давомида “**Маҳалла ва оила**” илмий-тадқиқот институти томонидан бажарилган “**Суицидал фаолликни пасайтиришга оид чора-тадбирлар самарадорлигига таъсир этувчи психологик омиллар**” мавзуидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган тадқиқотлар негизида ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги ҳузуридаги “**Маҳалла ва оила**” илмий-тадқиқот институти илмий Кенгашининг 2021 йил 3-мартдаги 3-сон қарорига асосан нашрга тавсия этилди.

**ISBN 978-9943-6976-0-7**

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

## КИРИШ

XXI аср шахс ва жамият, шахслараро муносабатлар ўртасидаги ўзаро таъсиirlар муаммосини кескинлашганини кўрсатди. Ўз навбатида, мазкур муаммо инсон ва жамият ривожидаги деструктив тенденциялар кучайиши ва йиғилишига туртки бўлди. Ушбу деструкцияларга жавоб тариқасида салбий тусдаги девиацияларнинг турли шакллари вужудга келди. Хавфли томони шундаки, ривожланган мамлакатларда ўзиниўзи вайрон қилишнинг энг даҳшатли шакли бўлган суицилар тўлқинининг кучайишидадир.

Энг мураккаб ижтимоий ҳодиса ва девиант хулқнинг асосий кўринишларидан бўлган суицидал хулқ аввало, социолог ва психологлар, шунингдек, тарихчилар, маданиятшунослар, файласуфлар томонидан жиддий ўрганилишни тақозо этади.

Ҳар йили ўз хоҳишига кўра минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда. Ўз жонига қасд қилиш даражаси ва микдори (аҳолининг ҳар 100 минги ҳисобидан) жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий ҳолатининг индикатори бўлиб хизмат қиласи.

Демакки, суицидал хулқ хавфини тадқиқ этиш зарурияти, биринчидан, замонавий жамиятнинг турли соҳаларида тутган ўрни ва ҳиссасини ортиши билан; иккинчидан, жамият ўзгаруви шарт-шароитларида мазкур муаммонинг етарлича ўрганилмаганлиги билан; учинчидан, инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий саломатлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга доир жамият ва давлат эҳтиёжлари билан белгиланади.

## І ҚИСМ. СУИЦИДАЛ ХУЛҚ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Үз жонига қасд қилиш – қанчалар индивидуал табиатга эга бўлмасин, у алоҳида ижтимоий групкалар ўртасидаги тафовутларни ифода этувчи статистик барқарор ҳодиса сифатида таҳлил этилиши мумкин. Суицидал хулқ-автор популациян даражада муттасил ўзгариб боради, мазкур тебранишларни ҳар бир одамга хос ички (проксимал) ва мамлакат (вилоят) даражасида ҳаралатга келувчи ташқи (дистал) омиллар ўзгаришлари натижаси сифатида кўздан кечириш мумкин. Ички омилларга психик бузилишларни (депрессия, психоактив моддалар истеъмоли), шахсий иқтисодий муаммолар, стресс билан курашиш малакаларининг етишмаслиги каби психик-ижтимоий омилларни киритиш мумкин. Ташқи омилларга макроиқтисодий статистика, меҳнат бозоридаги вазият ва жамиятдаги ислоҳотлар ёки барқарорликка дахлдор фуқароларни ижтимоий муҳофазаси сингари омилларни киритса бўлади.

### 1.1. Суицид тўғрисида

Суицидни ўрганиш муаммоси ҳар қандай давр учун долзарб бўлиб келган. Ҳозирги кунда мазкур муаммога қизиқиш бир неча сабабларга кўра кучайиб кетганининг гувоҳимиз. Биринчидан, жамиятда суицидлар кескин кўпайиб кетгани. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги 45 йил ичидаги үз жонига қасд қилиш 60% ошган, ва бугунги кунда үз жонига қасд қилиш 15 дан 45 ёш оралиғидаги одамлар ўлимiga сабаб бўлувчи уч етакчи омилларнинг бирига айланган [7].

Суицид муаммосининг ўрганилиш долзарблиги:

1. Суицидларнинг кескин кўпайгани
2. Суицидга олиб келадиган сабаблар турфалиги
3. Суицидал хулқни психодиагностика қилиш имкониятларини етарли эмаслиги

Суицидал хулқ планетар кўламдаги муаммодир зотан қайси мамлакатни олманг барчасида суициднинг кўпайганини кузатамиз, айниқса, ёшлар ўртасида. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мазкур кўрсаткичлар Шарқий Европа, Хинdistон ва Хитойда энг юқори эканини қайд этади [4].

Иккинчидан, суицид мазкур хатти-ҳаракатни амалга оширишга туртки бўладиган, ҳал қилувчи аҳамиятга эга сабаблар туфайли долзарбdir. А.Г.Амбрумова фикрига кўра суицид ҳодисасини шахснинг ижтимоий-психологик дезадаптацияси сифатида кўздан кечириш лозим. Дж.Зубин “бизга суиқасдда асосан турли йўллар билан келинган пировард натижা намоён бўлишини таъкидлайди. Шунинг учун рўй берган ҳодисанинг асл сабабини аниқлашнинг имконияти йўқ” эканини эътироф этади [1]. Ўтмиш давр психиатрияси, барча ўз жонига қасд қилганлар – психик жиҳатдан носоғлом одамлар деб ҳисоблаган. Ҳозирги кунда суиқасдни амалга оширган шахслар психик носоғлом экани тўғрисидаги фикр шубҳа остига қўйилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти суиқасднинг 800 дан ортиқ сабабларининг кўрсатиб ўтади, шу билан бирга суицидларнинг 41% сабаби номаълумлигича қолиб, 18% суициднинг сабаби қилиб руҳий хасталик эътироф этилган [3].

Замонавий фанни мазкур муаммога бўлган қизиқишининг учинчи сабаби суицидал ният ва хулқ психодиагностикасининг етарли эмаслиги, шунингдек, ушбу муаммога доир назарий асос етарлича тўпланганига қарамасдан аҳоли ўртасида профилактик дастурларни амалий қўллаш имконияти ниҳоятда пастлигидир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, суицид тўғрисидаги масала юзасидан энг йирик назариётчилар ўртасида ҳам яқдиллик, якуний бир тўхтам мавжуд эмас. Турли илмий йўналишлар намояндалари, турли психологик мактаблар вакиллари суицид муаммосини турли нуқтаи назардан кўздан кечиришади.

“Суицид” атамаси итальян психологи Г.Дэзэ томонидан 1947 йили киритилган бўлиб, у суицидни “киши томонидан ўзини-ўзи ҳаётдан (яшашдан) маҳрум қилиш ниятидаги хулқ” сифатида тушунтирган [5]. Суицид муаммоси Афлотун

(“Федон”), Лукреций (“Ашёлар табиати хусусида”, Сенека (“Лукрецийга ахлоқий номалар”), Давид Юм (“Суиқасд тўғрисида”), Иммануил Кант (“Ахлоқ метафизикаси”), Артур Шопенгауэр (“Оlam ирода ва тасаввур сифатида”) ишларида кўтарилигдан бўлсада [6]. Суицид ҳодисаси Эмпедокл, Арасту, Цицерон, Хегель, Гёте, Ницше каби буюк файласуфлар томонидан ҳам тавсиф этилган.

## 1.2. Суицид ва психоанализ

Суицид муаммоси З.Фрейд томонидан Вена психоаналитик жамияти йиғилишида “Болалар суициди” мавзусида илк бор уюштирилган баҳс-мунозарада қўтарилиди. З.Фрейд суицид ўлимга бўлган ҳаддан ортиқ иштиёқ туфайли ҳётни инкор этиш ифодаси бўлиши мумкин деган фаразни илгари сурди. Кейинчалар Фрейд мазкур қарашини одамда ўлимга интилиш инстинкти мавжудлиги тўғрисидаги фаразга алмаштиради. “Андуҳ ва меланхолия (хафақон)” асарида у суицидга оид назарияга катта ҳисса қўшган фикрларини билдириб ўтган. З.Фрейд майлларнинг икки кўринишини: Эрос – ҳаётга интилиш ва Танатос – ўлимга интилиш, вайронакорлик ва агрессияни намоён қилиш майларини фарқлаган. З.Фрейд фикрига кўра, суицид Танатоснинг импульсив ва вайронакор таъсирининг ўзига хос ифодасидир. Фрейд суицидни ҳеч қачон оқлаб бўлмаслиги, бироқ уни инсоннинг ўз ва жамият имкониятлари ёрдамида олдини олиш мумкин деб ҳисоблаган [4].

“Суицидни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди, бироқ уни инсоннинг ўз ва жамият имкониятлари ёрдамида олдини олиш мумкин”  
(З.Фрейд)

**Менингер** психоаналитик ёндашув намоёндаси сифатида суиқасднинг туб мотивларини тадқиқ этган ва суицидал хулқнинг уч таркибий қисмини кўрсатиб ўтган. **Биринчиси**, ўз жонига қасд қилиш учун одамда даставвал ўлдириш хоҳиши бўлиши керак. **Иккинчиси**, суицидлар асосида аксариятда

психик етилмаганлик (инфантиллик) ётиши. Бундай - *шахс сиғатида улгаймаган одамлар* - ўзларининг бирон-бир мақсадига эришиш йўлида дуч келиши мумкин бўлган айрим *тўсиқларни енгиб ўтишига ожиз бўлишади*.

Кимнидир ўлдириш хоҳиши бундай пайтда ўз жонига қасд қилган одам томонидан ўзига қаратилади. Суицидни амалга оширишга туртки бўладиган сабаб, кимнингдир томонидан ўзининг ўлдирилишига бўлган хоҳиш саналади. Яъни, Менингер мушкул вазиятга тушиб қолган одам томонидан ахлоқий меъёрлар бузилишининг, шунингдек, мазкур ҳолатнинг инсоннинг ўзига (виждон азоби) таъсирини алоҳида таъкидлайди.



Пировардида, Менингер айтганидай, одам ўлиб ўз айбини (гуноҳини) ювади. Менингер бўйича суицидал хулқнинг учинчи таркибий қисми ўлим хоҳиши ҳисобланади. Бундай одамлар тоифасига у ўз ҳаётини асоссиз хавф остига қўядиган, ҳаёт учун хавфли касбларни танлаган одамларни киритади. Менингер ўлим хоҳиши ҳам вужудий, ҳам нафсий изтироблардан қутулишнинг ягона йўли ўлим деб билган bemorlarни ҳам тааллуқли ҳисоблайди [6].



Суицидал мойиллик ва суицидал ҳаракатларга олиб келган омиллар таҳлили психоаналитиклар томонидан бир неча суицидал қонуниятларни фарқлаш имконини беради. Немис психоаналитиги Х.Штирлин суициднинг икки кўринишини кўрсатиб ўтади: кучли жаҳл ва бағоят вайронакорлик, кастрация, яъни “эркаклигини йўқотиш” хавфи билан боғлиқ “ота томонидан қабул қилиниш истагида амалга ошириладиган ўз жонига қасд қилиш” ҳамда она қорнига қайтиш истагининг рамзий ифодаси бўлган “она томонидан қабул қилиниш истагида амалга ошириладиган ўз жонига қасд қилиш” (она-замин бағрига қайтиш, хотиржамликка эришиш) (Stierlin H., 1980).



Бошқа бир тадқиқотчи – **Юрген Кинд** – суицидал мойиллик билан боғлиқ қонуниятларнинг олти кўринишини ажратади:



1) **Ўз жонига қасд қилиш** аксилофузионар функцияга (вазифаси) эга бўлиши мумкин, яъни **ўз алоҳидалигини сақлаб қолиши** мақсадида инсон ўз жонига қилиш орқали ўзгалар билан қовишиб (тасарруф этилиш) кетишдан ҳимояланади. Бундай одамлар кундалик ҳаётда **тўхтовсиз баҳтсиз ҳодисаларга гирифтор бўлаверади**: ё пичоқда қўлинни кесиб олаверади,

ё тан жароҳатларини олаверади. Мазкур ҳолатларда уларнинг бирорвлар томонидан “ютиб юборилиш” хавфи намоён бўлади. *Аксилфузионар суицидал мойилликлар Borderline (на сог, на касал чегарасидаги) дарајасида психик бузилишларга эга одамларда юзага чиқади.*



2) *Ўз жонига қасд қилиши* фузионар функцияга (вазифаси) эга бўлиши мумкин, яъни инсон томонидан ўз жонига қасд қилиш орқали рамзий маънода **ўз онаси билан қайта қовишув хоҳишини ифодалайди**. Суицидал майлларнинг бундай кўриниши, одатда, нарциссик (ўзига бино қўйган) шахс тузилмасига эга одамларда учрайди.



3) *Ўз жонига қасд қилиши* кимнидир *бошқариш мақсадига* ҳам эга бўлиши мумкин. Одам ўз жонига қасд қилар экан, хоҳи онгли, хоҳи онгсиз равишда **ўз яқинларини назорат қилиши** ниятида бўлади. Демакки, одам “объект” кетиб қолмаслик учун курашади (уни қўлдан бой

бермаслик), уни “маҳв” этиш истагида бўлади. Бундай одамга одатда ўз ниятидан қайтиши кераклигини уқтиришади, у қанчалар “яхшилигини” айтишади. Унга айнан шу лозим: ўз қадрини ўтказиш.

4) *Суицидал мойилликлар депрессия доирасида ҳам намоён бўлиши мумкин.* Депрессияда агрессия одамнинг ўзига қарши қаратилгани боис ўзини ўлдириш хоҳиши пайдо бўлади.



5) *Ўз жонига қасд қилиши мойиллиги оғир шахсга доир бузилишларга хос*, Супер-Эгонинг (*ота-оналарнинг “тарбия”, “ахлок” түгрисидаги қараилари*)



архаик-садистик (уларга қарши вуждудга келган болаликда босилиб кетган жаҳл) истаклари *оқибати* ҳам *бўлиши мумкин*. Бундай вазиятлардаги суицидал хоҳишлир, ташқаридан қараганда ҳаммаси яхши бўлиб турган, муваффа-

қиятлар оғушидаги одамда кутилмагандаги вужудга келади.

6) *Ва суициднинг сўнги кўриниши*, шахс тараққиёти-нинг энг етук даражасига хос – бу “*ўз ҳаётига якун ясаш*” ёки “*ҳаёт билан ҳисоб-китоб қилиши*”. Бундай суициднинг асосий сабабларига қарздорлик, оиласидаги шармандалик, тортинчоқлик, бедаво дард.



*Альфред Адлер* ҳаётий муаммоларни ҳал этишга интилиш одамларни ўз номукаммаликларини енгиб ўтишга ундейди деб ҳисоблаган. *Суицид*, Адлер фикрига кўра, *суицидентни қуршаб турган одамларга нисбатан яширин исъёндир*. Демакки, суицидент шу усул билан одамларда ўзига нисбатан эътибор ва ҳамдардликни

уйғотишини истайди. Бундай одамнинг қарashi мутлақ эгоистикдир (худбинона). Зотан у шу йўл билан *атрофдагиларда* (гўёки унинг ҳаёти учун масъул бўлганлар) *пушаймонлик ҳамда айборлик ҳиссини пайдо қилмоқчи* бўлади.

Суицид муаммосини таҳлил қиласар экан, *Юнг* одамнинг онгиз равиша маънан қайта туғилишга интилиш мавжудлигига ишора қиласади (“*нариги оламда учрашгунча*”), айнан



шунинг учун одам суиқасдга қўл уриши мумкин. Юнг сицидентлар нафақат шунчаки оғир турмуш шарт-шароитларидан кутулишга, балки *она қорнига* (энг хотиржам давр саналадиган) қайтишига шошишади деб ҳисоблайди [6].

**Салливан** фикрига биноан эса, сицид – бу *индивидуинг одамларга ва ташқи оламга бўлган гайир* (тажовузкорона)



*муносабатини ўзига қаратишидир (оламни йўқ қилолмайди, лекин ўзини йўқ қилиши мумкин).* Бундай одам ўзини бошқа одамларнинг унга бўлган муносабатига мувофиқ баҳолайди. Агар одам хавфсизлигига таҳдид туғилса у мазкур мураккаб вазиятларни ҳам ҳал этишга ожиз

бўлиб қолади. Мазкур ҳолатларда, *Салливан назариясига биноан*, одамда ўзининг “ёвуз Мен”ини “Мен эмас” ҳолатига айлантиришига уриниш хоҳиши пайдо бўлади, пировардида сицид рўй бериши мумкин. *Депрессия, ўзини-ўзи ейши ҳолатлари ҳам индивид учун ечимнинг муқобил қўриниши саналиши эҳтимол* [2].

**Карен Хорни** болалар хавфли шароитларга тушган пайтда оламни ёвуз муҳит сифатида идрок эта бошлайди деб ҳисоблаган. Унга кўра, *сицид туб илдиз отган номукам-маллик туйгулари ёки одамнинг ўзи тўгрисидаги “Идеаллашган тасаввур” билан ўзини-ўзи идрок этишдаги номутаносиблик оқибатидир.*

**Хорни** одамнинг инсониятни ҳар қайси даврида *мавжуд жамият орзиқишилари ва меъёрларига номувофиқлик ҳиссини* пайдо бўлиши сицидга олиб келиши мумкин дейди. Бироқ у барibir *сицид шахсга оид ички, яъни сицидга мойиллик асоси* деб айтиш мумкин бўлган характернинг муайян хусусиятлари билан ҳар бир одам учун индивидуал бўлган теварак



мухит омилларининг ўзаро уйғунлиги натижасидир деган фикрни қўллаб-қувватлаган [6].



Яъни, дастлаб реаллик билан “Эго” (инсоннинг ўзи тўғрисидаги тасаввурлари) ўртасида ташки тўсик пайдо бўлади. Бунинг натижасида одамда фрустрация (эҳтиёжини қондириш имконсизлиги) вужудга келади. Одамда майлларини тўхтатишига ҳаракат бошланади: мазкур ҳаракатнинг икки эҳтимолли йўли бор: ё алло пластик ҳаракат (оламни ўз эҳтиёжларига мувофиқлаштириш), ё аутопластик ҳаракат (ўз майлларини, ўзини ўзгартириш). Агар иккисининг ҳам уддасидан чиқолмаса ягона ечим сифатида суицидал ният туғилади.



### 1.3. Суицид ва социология

*Дюргейм* ҳам суициднинг уч кўринишини фарқлайди. У ҳам *аксарият суицидларни эгоистик* деб билган. Индивидни *аутодеструкцияга* мойиллигини (*ўзини-ўзи вайрон қилишига мойиллик*) жамият, биринчи навбатда, яқинлари томонидан

қабул қилинмаганлик ҳисси туфайли, *ёлгизликка гирифтор бўлганлиги натижаси* деб ҳисоблаган. Дюргейм *аномик* (фр. Anomia “қонунсизлик”, “тартибсизлик” маъносини беради) *суиқасд* кўринишини ҳам фарқлаган. Аномик суиқасд, Дюргейм фикрига кўра, нафақат *индивидуудда*, балки у *ҳаёт кечираётган жамиятнинг ўзида ҳам рўй бераётган ижтимоий ўзгаришиларга мослашолмаслик* (*дезадаптация*) пайтида вужудга келади.

Дюргейм таклиф этган суициднинг учинчи кўриниши – *альтруистик суиқид*, яъни инсон ўзининг эмас, балки *бирон-бир гуруҳ ёки ҳамжамият гояси асирига* айланади. *Суиқид* эса ўз ҳаётини *бошқа одамлар манфаати йўлида қурбонлик* сифатида идрок этилади [1].



*Норманн Фейбериу* – шу пайтгача ҳеч ким томонидан суицидал сифатида талқин этилмаган ўзини-ўзи вайрон этишнинг алоҳида шаклларини тавсиф этган ва тизимлаштирган олимлардандир. У мазкур тоифа *суицидентларга* турли моддаларни (*гиёхванд моддалар, алкоголь ва тамаки*) *суиштесъмол қилувчиларни; беморлар даволанишдан воз кечаётган соматик касалларни; жиноят, фоҳишиалик, делинквент (аксил ижтимоий) хулқиларни киритган*. Хулқнинг бундай кўринишлари, унинг фикрига кўра, шахснинг емирилиши, пировардида ўзини-ўзи вайрон қилишига олиб келади [5].




Когнитив-хулқий йўналиш намояндаси *А.Бек*, *суиқид аввало депрессия билан боғлиқ бўлиб у одамда тушкунлик, ожизлик, ўзига бўлган ишончнинг емирилишига* сабаб бўлади деб ҳисоблайди. А.Бек фикрига кўра, *инқирозли вазиятга тушиб*

**қолган одам сиқасдни мұраккаб вазиятдаги ягона ечим** сифатида идрок этади. Инсон үзини салбий ва нореалистик идрок этгани боис у вазиятни ҳам, үзи түғрисидаги тасаввурларни ҳам янглиш идрок этади. Бундай одам фикрлари кескин салбий тус олади, үзига берган баҳоси пасаяди, у тушкунлик ва айбдорлик ҳиссини туяди. **Ёлғизлик ва ҳеч кимга кераксизлик үйлари** уни бетүхтов таъқиб қылгани туфайли улар **автоматик күринишінің** үтиб қолади, мазкур үй-фикрларга нисбатан танқидийлик йүқолади. А.Бек тафаккурдаги янглишувлар ҳақида сўз юритган бўлсада, у психик бузилишларни назарда тутмаган, аксинча, бундай хусусиятлар **мұраккаб вазиятларга тушиб қолиб мустақил равишда ушибу шартшароитларга мослаша олмаётган одамларга** хослигида алоҳида ургу қўяди [4].

*Antoon A. Leenaars* суицидент **күтариши жуда ҳам оғир бўлган психик изтиробни, тушкунлик, ночорлик ва ожизликни ҳис қиласи** деб ҳисоблаган. Одам **боиқа одамлар билан ўзаро муносабатларда қийинчиликларга дуч келади**, бу нарса эса одамда **атрофидагилардан томонидан эътибор танқислигини, эътироф этилишига ташналиктини** ҳосил қиласи. Суицидентда тафаккур ригидли (*тургунлик*) намоён бўлгани боис турфа хулқий реакциялар орасида факат битта - **муаммонинг суицидал ечими**нигида қўради [4].



*David Lester* суицидга мойил барча одамларга **ижтимоийлашувдаги қийинчиликлар** ҳос эканини таъкидлайди. У мазкур қийинчиликлар одатда болалик даврида бошланиб алалоқибат балоғатга етганда кескин тус олишини эътироф этади. Суицидал хулқнинг үзини эса тарбия ва таълим жараёнида пайдо бўлиб суицидент атрофидагилар таъсирида кучаядиган ҳодиса сифатида қўздан кечиради [4].



*Ronald W.Maris* ўзининг концепциясида **копинг-фактор** деб номланган ҳодисага ургу қўяди. Мазкур назария ҳаётий андозалар ва якунланмаган суицидал уринишларга асосланади. Диққат марказида *одамнинг стресссли вазиятлар билан қурашишдаги муваффақиятсизликка учраган тажрибаси* туради. Буларнинг барчasi хулқ-авторнинг ноадаптив шакларини ўзлаштирилишига олиб келади ва уларнинг муттасил йиғилиши суицидни амалга оширишга туртки бўлиши мумкин [4].

#### **1.4. Суицидни тушунтиришга доир гуманистик ёндашув**

Суицидал хулқ-автор ҳодисаси гуманистик психология вакиллари томонидан ҳам тадқиқ этилган. Суицидлар ҳақида сўз юритар экан, гуманистик психология эмоционал кечинмаларга алоҳида эътибор қаратади.

**Ролло Мэй** хавотирни мазкур ҳолатни ҳис қилаётган ҳар бир одам борлигининг экзистенциал (мазмуний) ифодаси сифатида таърифлайди. Мэй фикрига кўра, мазкур кечинма “**инсон борлигини номавжудлик (йўқлик) билан учрашуви**”дир [5].

**Карл Роджерс** ҳар бир инсон учун “Мен”нинг муҳит ва атрофдаги одамлар билан ўзаро таъсирда шаклланадиган **актуализациясини** (ўз “Мен”и имкониятларини рўёбга чиқариши) ўта муҳим деб билади. “Мен” тузилмаси *ригиð* (қотиб қолган, ўзгариши қийин) бўлса *реал ҳаётнинг турли вазиятлари билан тўқнаш келган инсон уларни ўз ҳаёти учун хавф сингари идрок* эта бошлайди. Бундай тажриба одам томонидан ё инкор этилади, ё бузиб идрок этилади. Роджерс шунга ўхшаш ҳолатларда одамнинг “Мен”и реаллик ўртасидаги алоқалар билан бирга ўзига бўлган ишончни ҳам йўқотади, натижада у *ёлғизлик ва тушкунликка* гирифтор бўлади деб

ҳисоблайди. Инсон ўзига ва ўз имкониятларига ишончни йўқотар экан ўз кечинмалари билан яккама-якка қолгани боис унинг учун ҳаётдан қочиш ўйлари бирламчи ва ягона “тўғри” бўлиб қолади [5].

Гуманистик психология мактабининг бошқа бир йирик вакили **Виктор Франкл** суиқасдни ҳаёт маъноси ва ўлим психологияси билан узвий равища кўздан кечирган. Унинг фикрига кўра, *инсон ҳамиша ўз воқелигини яратишида эркиндир, бироқ шахсий танловимиз қандай бўлишидан қатъи назар, муваффақиятсизлик, изтироб ва ўлим билан юзма-юз бўлишга мажбурдир*. Инсон ўз жонига қасд қилиш қарорига келган ондан ҳаёт унга мағлубият ва азобга айланади. Одамда ўша ондан бошлаб *ҳаётдан қўрқув пайдо бўлиши, ўлим эса муаммонинг энг мақбул ечими* сифатида ёқимли кўрина бошлишини таъкидлайди Франкл [5].

Ҳозирги кунга қадар суицидал хулқ-авторга доир турли қарашларга эга кўплаб ёндашувлар мавжуд. Бироқ аксарият тадқиқотчилар суиқасдни шахснинг ташқи омилларга нисбатан ижтимоий-психологик дезадаптацияси оқибати эканини эътироф этишади. Бундай омил бўлиб инсонда нафақат ички, балки шахслараро муносабатларга доир зиддиятни пайдо қиласиган ҳар қандай сабаб илгари сурилиши мумкин. Илм-фан олдида турган бошқа бир муаммо инсоннинг, хусусан, болаларнинг, суицидал ниятларини имкон қадар эрта аниқланиши билан боғлиқ. Зотан, таълим тизими мутахассислари учун таълим олувчилардаги суицидал хулқни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим бўлиб бормоқда. Суицидал хулқ-автор муаммосига доир адабиётлар таҳлили ушбу ҳодисага нисбатан муқаррар кўрсаткичларни олиш имконини берадиган суицидал ниятларни диагностика қиласиган методлар ҳисобда мавжуд эмаслигини кўрсатди.



Фундаментал назарий билимлар, шунингдек, энг сўнгги тадқиқий маълумотларга таяниб, инсоннинг суицидал хулқатвори, кўпинча одамнинг психик носоғломлигига эмас, “носоғлом” жамиятда юзага келган муҳитда эканини эътироф этиш кераклигини холоса қилишни ўринли деб хисоблаймиз.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Амбрумова А.Г. Социальнопсихологическая дезадаптация личности и профилактика суицида. / А.Г. Амбрумова, В.А. Тихоненко, Л.Л. Бергельсон. – М.: Вопросы психологии, 1981. – 221 с.
2. Бек А. (1999) Техники когнитивной психотерапии / Фенько А.Б., Игнатьева Н.С., Локтаева М.Ю. (ред.) Психологическое консультирование и психотерапия. Хрестоматия. Т. 1. Теория и методология. – М.: МПЖ, 1999. – С. 142-167.
3. Епанчинцева Г.А., Козловская Т.Н. Методологические, теоретические, методические основания скрининговых исследований суицидальных намерений подростков// Фундаментальные исследования. – М., Пенза: ИД «Академия Естествознания», 2013. – С. 2085-2089.
4. Ефремов В.С. Основы суицидологии / В.С. Ефремов. – СПб.: «Издательство «Диалект», 2004. – 480 с.
5. Моховиков А.Н Суицидология: Прошлое и настоящее: Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психотерапевтов и в художественных текстах/ А.Н. Моховиков. – М.: Когито–Центр 2001. – 569 с.
6. Сотникова Ю.А. Специфика лиц, совершающих суицидальные попытки/ Ю.А Сотникова // Социальная и клиническая психиатрия. – 2005. - № 6. – С.11-18.
7. Сравнительно-возрастные исследования в суицидологии. Сборник научных трудов московского научно-исследовательского института психиатрии/ под ред В.В. Ковалева.

- М.: Московский научно-иссл. ин-т психиатрии, 1989. – С. 146.
8. Таркина Г.И. Факторы суицидального поведения/ Г.И.Таркина. – М.: Агрус, 2005. – 211 с.
9. Тукаев Р.А. Антисуицидальные факторы личности/ Р.А.Тукаев. – М.: ТЦ «Сфера», 2004. – 324 с.
10. Холмогорова А.Б. Когнитивная психотерапия суицидального поведения: история разработки, современное состояние, перспективы развития / А.Б. Холмогорова // Медицинская психология в России: электрон. науч. журн. – 2013. - № 2 (19). [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://medpsy.ru>.

## II ҚИСМ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА СУИЦИД ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК

### 2.1. Оммавий ахборот воситаларининг суицидал мухит вужудга келишидаги ўрни

Ўз жонига қасд қилиш – аҳоли муҳофазасига доир соҳалараро ва фанлараро долзарб муаммо ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари эътиқод ва қарашларни шакллантиришнинг муҳим манбаларидир [2], шу билан бирга, жамият огоҳлигини оширишнинг асосий стратегияси ҳам [24]. Суицидал хулқ шаклланиши нуқтаи назаридан ОАВ роли – кўп йиллик баҳс-мунозаралар мавзусидир.

Аҳолида суицидентларга нисбатан эмпатиянинг тобора кучайиши ва натижада суицид эҳтимолини ошиши фонида ОАВ суицидга оид баҳс-мунозаралар ва кундалик шов-шувларнинг умумий майдонига айланган (“нонуштага қўйилган мурда”). ОАВ бераётган суицидал тематикага оид маълумотлар билан кўпомилли биopsихосоциал ҳодиса сифатидаги суицидал хулқ ўртасидаги алоқа ойдинлаштиришни тақозо этади.

Ислом дини ҳукмрон шарқ мамлакатларидан фарқли равишда Фарбий Европада суицид масалалари 1830 йиллардан бошлиб ижтимоий ҳодиса сифатида статистик таҳлиллар ва газеталардаги ахборотлар дикқат марказига кўчган.

XX асрнинг 70-чи йилларида америкалик социолог D.Phillips суицидал ҳолатларнинг ретроспектив статистик таҳлилларини чоп этган. Айнан мазкур ишларда ОАВ томонидан





ёритилган реал ёки ўйлаб топилган воқеалар негизда тақлидий суицидлар вужудга келгани тилга олинган, Вертер (Хётенинг қаҳрамони XVIII аср ёш “романтиклари” учун жозибадор тузоқقا айланган)

номи берилган, ижтимоий-психологик “юқумлилик” эффекти саналган суицидал хулқ таҳлил қилинган.

1947-1968 йилларда АҚШда рўй берган суицидларнинг ретроспектив таҳлили [34] суицидларнинг миллий даражаси йирик газеталарда чоп этилган шов-шувли мақоладан кейинги икки ой давомида ўрта қийматда 58 кишига ортганини кўрсатган; воқеа қанчалар кўп “чайналса” у чоп этилган ҳудудларда суицид даражаси шунчалар юқори бўлаверган.

*Суицидларнинг миллий даражаси йирик газеталарда чоп этилган шов-шувли мақоладан кейинги икки ой давомида шунчалар юқори бўлган*

(Phillips D.P., Lesina K., Paigh D.J. Suicide and the media / R.V. Maris, A.L. Berman, J.T. Malts-berger et al., eds. Assessment and prediction of su-iide. NY: The Guilford Press, 1992. – P. 499-519.)

Мабодо “машҳурлашган” суицидент ёш бўлса – унинг тенгдошлари орасида суицидлар кўпайган; мабодо бирон-бир ижтимоий қатламга (касбга) мансуб бўлса – шу қатламга (касбга) мансублар орасида суицидлар кўпайган; суицидлар усуллари ва кўринишлари ҳам монанд бўлган. Мазкур новаторлик илмий ишлар ҳозирги кунга қадар кўплаб олимлар томонидан эътироф этилмай келган. Суицидларнинг қисқа муддатли ўсишига олиб келадиган, бошқа ҳеч қандай омиллар ва тўсатдан рўй берадиган флюктуациялар томонидан изохланмайдиган [35, 45], медиасценарийларни такрорлайдиган [13, 29], хатар гурухларига тааллуқли тақлидий суицидлар ҳозирда

реал ва ўйлаб топилган ҳикоялар мисолларида тизимли таҳлил этилган [14, 18, 23, 30, 31]. Юзлаб тадқиқотлар газеталар, телевидение орқали ёритилган ахборот билан кейинги тақлидий суицидал хулқ ўртасидаги сабабий алоқаларни тасдиқлаган [5, 17, 18, 25, 31, 35, 36, 40, 43]. Минглаб тадқиқотлар ОАВда намойиш этиладиган зўравонлик саҳналари билан айрим

болаларнинг агрессив хулқи ўртасидаги сабабий-оқибатли алоқаларга ишора қилишган [6].



Суицид тўғрисидаги ҳикояларнинг ортиши мутолаа қилувчилар ва томошибинлар орасида суицидлар кўпайишига сабаб бўлган; алоҳида олинган ўлим газета ва журналларнинг энг кўринарли юзасида жой олган бўлса, узоқ ёритилса ёки фожеага айлантирган холда муҳокама этилса ҳам (“10

яшар бола “икки” баҳо учун ўзини ўлдирибди”) шу ҳолат кузатилган [22, 34, 43]. Умуман олганда *нашиётлар суицидларнинг миллий даражасини ойига “бор-йўзи” 2.5 фоизга оширап экан* [43].

## 2.2. Локаллашган суицидал кластерлар пайдо бўлишида ОАВ ўрни

Мета-таҳлиллар [45], *машиҳурлар суицидлари (шоу-бизнес юлдузлари назарда тутмилган), “оддий одам” ўлимiga нисбатан, тақлидий суицидларни беш баробарга оширишини* кўрсатди [43]. Хитойда ҳам ОАВ томонидан шиддатли тус олдирилган йирик электрокомпания ходимлари ўртасидаги



туркум суицидлар тавсиф этилган. Навбатдаги суициддан кейинги уч кун давомида компаниянинг бошқа ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган суицид хавфи юқори даражада сакланниб қолган [45]. Японияда ОАВдаги ўз жонига қасд қилувчилар тўғрисидаги ҳисоботлари суицид сони ошишига сабаб бўлиши қайд этилган [25]. Модел бир ойлик суицид даражаларининг 88% тушунтирган.



Тадқиқотлар, машҳурлар томонидан амалга оширилган суицидлар (шоу-бизнес юлдузлари назарда тутилган), “оддий одам” ўлимiga нисбатан, тақлидий суицидларни беш баробарга оширишини кўрсатди

(Stack S. Media impacts on suicide: A quantitative review of 293 findings // Soc. Sci. Q. – 2000. – Vol. 81. – P. 957-971)

Тайванъда расмий матбаа нашрларида кузатиладиган **суицид ҳақидаги ахборотлар ўрнини ортиги билан тўлдирувчи “сариқ” прессадаги суицид ҳақидаги маълумотлар 1998-2006 йиллардаги суицид даражасини ошишига кўмаклашган** [8, 9]. Шахсий компьютерлар миқдори эркаклар ўртасидаги суицид даражаси билан ижобий корреляцияни берган [48]. Австралияда эса пойтахт газеталарида берилган маълумотлар ва ундан кейин содир этилган эркаклар суициди даражаси ўртасида алоқадорлик кузатилган [22]. Оғир касалларга мўлжалланган ўзини-ўзи бўғиши маслаҳат берувчи “Сўнгги ечим” қўлланмаси чоп этилгандан сўнг Нью-Йоркда ўзини-ўзи бўғганлар миқдори тўрт карра ортган (8 тадан 33 тагача); суицид содир бўлган жойларнинг  $\frac{1}{4}$  да ўша китоб топилган [43].

Тақлидий суицидлар суицид түғрисидаги маълумот ОАВ эълон қилинган кейинги 3-7 кун давомида ортиб бориши ва секин-аста икки ҳафта давомида пасайиши қайд этилган [5, 22, 34]. “Юлдузлар” суициди узоқ истиқболда [23] суицидал ниятларга қандай таъсир қилиши кам ўрганилган, бироқ мазкур ҳолат 8-15 ой давомида таъсир қилиши эҳтимол қилинади [16].

*ОАВ суицид түғрисида хабар берилгандан сўнг йўл-транспорт ҳодисалари суицид айнан қаерда амалга оширилган бўлса, шу ерда 31%га ортиши кузатилган* [34].



Агрессия ва суицидал хулқ хавфининг ошиши билан радио, телевидение орқали узатилаётган маълумот мазмуни ўртасидаги алоқалар ўз исботини аллақачон топган. ОАВ орқали намойиш этилаётган зўравонлик сахналари

агрессив майллар, кутишлар, хотиралар, эмоционал қўзғолишишларни кучайтиради, асоциал хулқقا қўйиладиган таъкиларни, қурбонларга нисбатан эмпатияни пасайтиради [38].



Болалар уйқудан қолган вақтининг 1/3 қисмини ТВ олдида ўтказишар экан; бу ҳаёти давомида амалга ошадиган таълимга кетадиган вақтдан ортиқ экан [6, 37]. 5-7 ёш оралиғидаги болаларнинг teng ярми ТВ орқали берилган суицидга гувоҳ бўлишади. Томошабинларнинг энг заиф қисми

ҳам болалар ҳисобланади. 14-16 ёшдаги ўсмир-ўспириналардан фарқли равища [28] ёш болаларнинг “хатарли” хулқи билан ТВ томошаси ўртасидаги алоқалар ҳам қайд этилган [49].

## 2.3. Суицид ва Интернет


Хозирги кунда “эски” ОАВ ўрнини, унинг ҳам яхши, ҳам хунук жиҳатларини ўзида жамлаган Интернет эгалламоқда, айниқса ёшлар орасида. Интернетдаги аксарият блоглар нафақат “дардларни олади”, балки муаммоларнинг ноадекват ечимларини ҳам таклиф қилишади.

Кибермоббинг – виртуал “ғажиш”, одам шахсиятига тега-диган ахборотни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатишни ҳам қамраб олади (реал ёки қўлюола фотосуратлар, видеороликлар).



Социологик тадқиқотларнинг Forsa (2011) институти ахборотига кўра, *ГФР ўқувчиларининг 1/3 қисми потенциал суицидоген омил бўлган кибермоббинг қурбонлари*дир. Исроилик ўқувчи қизлар тармоқлар орқали амалга оширилган таҳқирларни кўтара олмай ўзларини

денгизга ташлашмоқчи бўлган. Москвадаги катта синф ўқувчиларининг ҳар ўн нафардан биттаси “интернет-таҳдидларга” дуч келган. Япония, Нидерландия, Англия ва Россиядаги гурухий суицилар ижтимоий рад этилиш ва бегоналашув натижасидаги оғриқ ва хавотир фонида суицидал хулқ кўринишларини қидириш билан боғлиқ экан [27, 32]. Хатар гурухини Тармоқларнинг фаол шинавандалари эркаклар ташкил қиласар экан [21]. Киберсуицид интернетдаги маҳсус сайtlар билан алоқадор суицидал хулқни белгилайди [1, 3, 4, 7].



Ўз жонига қасд қилиш иштиёқидагиларнинг интернет-клублари XX аср охирларидан жаҳон бўйлаб оммалашган бўлиб, улар орасида етакчилик Японияга тегишли (аксарият японлар

нафақат онлайн, балки веб-камера олдида ҳам гурухий суицидларни қўллашади).

## 2.4. Суицилар кўпайишига кино асарларининг қўшган ҳиссаси

*ОАВ раҳбарияти суицид мавзуси “илоҳийлаштирилган” (фожеалаштирилган) фильмлар сюжетлари суицилар билан “захарланишига” кўмаклашишини эътироф этишади [5, 42, 47]. Суицид “тўзаллаштирилган” фильмга мисол қилиб АҚШда ишлаб чиқилган “Тельма ва Луиза” фильмини келтириш мумкин.*



Фильм режиссёри “бесабаб исъёнкор”, жарлик узра “парвоз” қилган қизлар нима учун шундай қилгани устида бош қотиришга мажбурлайди. Клинт Иствуднинг “Бир миллионга арзийдиган қизалоқ” драмасида шол бўлиб қолиб, тузалишга умидини йўқотган Мегги ўзининг ягона дўстидан унга ўлишга ёрдам беришни сўрайди. Дўсти норози



бўлгандан сўнг Мегги тилини тишлиб ўлишга қарор қиласди. Врачлар гўёки уни яна изтироблар гирдобига ташлаш учун ўлим чангалидан куткариб қолишади. Тунда Меггининг дўсти унга адреналиннинг даҳшатли дозасини укол ёрдамида киритишдан олдин «Мо Chuisle» лақабининг

*Германия телевидениеси томонидан қўйилган “Студент ўлими” сериалининг биринчи ва охирги сериялари оралиғида ҳамда орадан саккиз йил ўтгач ҳам мамлакатнинг темир йўлларида ўз жонига қасд қилганлар сони муттасил ортиб борган. Сернал намойиш этилиши бошлангандан кейинги 70 кун ичida 15-19 ёшли йигитлар орасида ўзларини поезд тагига ташлаганлар сони 175% ортган.*

маъносини тушунтиради (ирланд тилида “Азизим”, сўзма-сўз “менинг пульсим”). 2012 йилги Канн кинофестивали номинанти бўлган “Суицидлар магазини” номли анимация шиори: “сенинг ҳаёting – буткул омадсизлик – ҳеч йўқ муваффақиятли ўл”. Бундай “қора юмор” аксил суицидал омил бўлиб хизмат қилишига шубҳа мавжуд.



Германияда икки йилда икки маротаба 5 ҳафта давомида намойиш этилган ўзини поезд тагига ташлаган студент ҳақидаги “Студент ўлими” сериалининг биринчи ва охирги сериялари оралиғида ҳамда орадан саккиз йил ўтгач ҳам мамлакатнинг темир йўлларида ўз жонига қасд қилганлар сони муттасил ортиб борган [40]. Сериал намойиш этилиши бошлангандан кейинги 70 кун ичida 15-19 ёшли йигитлар орасида ўзларини поезд тагига ташлаганлар сони 175% ортган.

Буюк Британияда параци-  
тамолни суиистеъмол қилиб  
заҳарланган ўсмир тўғрисидаги  
драма намойишидан кейин  
унинг тенгдошлари ўртасида  
худди шундай заҳарланиганлар  
микдори уч ҳафта мобайнида  
муттасил ортиб борган [41].

42та тадқиқот маълумот-  
ларининг логистик регрессион  
таҳлили (293 ҳолат) шуни  
кўрсатди, ўйлаб топилмаган  
суицид тўғрисидаги ҳикоялар  
(“ҳаётий”) тақлидий суицид хавфини 4 карра, “юлдузлар”  
суицидининг ёритилиши 14 карра оширад экан. Албатта бу  
аҳолининг барчасига тааллуқли эмас. “Муаммоли” шахслар  
тақлидий суицидга мойил бўлишади. Бироқ ким уларни ажратиб  
олади деган савол бор [15].

### Эътибор беринг!

*Суицид тўғрисидаги фильм соглом талабаларнинг 70%да дистрессни ҳосил қилган,  
уларнинг 1/3 – бу ҳолат бир неча ҳафта давом этган; 70%  
да кўрган саҳналар хаёлидан кетмасдан қийналган.*

Хар қандай психик бузилиш суицид хавфини оширувчи омил ҳисобланади. ТВ кўрсатувлари психик муаммоси мавжуд ёш бола ва ўсмирлар хулқини аҳамиятли тарзда белгилайди. Масалан, дикқат танқислиги ва



гиперактивлиги мавжуд 7 ёшли бола осишга ҳукм қилинган солдатлар тўғрисидаги фильм намойишидан сўнг “ўйнаб ўтириб” ўзини осиб қўйган (фильм сюжетига кўра улар эсономон қатлдан қутулишади) [46]. Бироқ, ТВ таъсири фақатгина касаллар билан чекланмайди. Суицид тўғрисидаги фильм соғлом талабаларнинг 70% дистрессни ҳосил қилган, уларнинг 1/3 – бу ҳолат бир неча ҳафта давом этган; 70% кўрган сахналар хаёлидан ҳеч кетмасдан қийналган. Ўсмирлар суицид мавзусига ҳали психик етилмаганлик натижасида жуда сезгир бўлишади.



Улар учун ўлим маълум даражада “илоҳийлашади” [12]: 22.5 % ўсмир ва 42.5% катталар ўз жонига қасд қилган жаннатга тушади деб ҳисоблади [12]. Бор йўғи 20% ўсмирлар ўлим ҳаёт якуни эканини англашади; қолганлар учун ўлим устидан қозонилган куч муваффақиятидир [33].

Ўсмирлар ўлимни “кинодаги” каби жозибадор идрок этишади, гўёки фильмни қайта кўриш мумкиндай, ҳаётини ҳам қайта бошлаш мумкин деб ҳисоблашади, ўлимни оламга таъсир кўрсатиш воситаси, даволовчи уйқу, айблов, муҳаббат меҳригиёси, марҳум севгилисига этишиш деб билишади (Ўзбекфильм, “Телба” к/ф, ошиғи ўлдирилган қиз гўёки ошигининг ҳузурига томдан учиб кетгандай). Психик бузилишлари мавжуд шахслар аутоидентификация механизmlари бузилгани боис тақлидий суицидал хулқقا мойил бўлишади [44].

Ёшлар ва/ёки депрессияси мавжуд шахслар тақлидий суицидал хулқقا мойил бўлишади [11, 34, 39]. Машҳурлар суициди 39% bemorлар депрессиясини кучайтирган бўлса,

уларнинг 5.5% кейинги бир ой давомида суицидга қўл уришган [10]. Фаол истеъмолчилар сифатида ўсмирлар ОАВ таъсирига тез тушишади [46].

Уларнинг суицидлари – ОАВ “резонанс” мавзулари дирип [46], бу, ўз навбатида, шу ёшдагилар орасида суицид хавфини ошириб, 13-18 ёш оралиғидагиларнинг ўлим сонлари ичида иккинчи-учинчи ўринда турди [26]. Ўсмирларга имитацион хулқ хосдир. ОАВ орқали тарқатилаётган ўсмирлик суицидлари, тенгдошларининг туркум суицидларига турткига айланади [19, 20]. 7 йил давомида амалга оширилган 12000 ўсмир суицидларининг танланмасида ОАВнинг ўз жонига қасд қилиш тўғрисидаги такрорий репортажлари бир ҳафта мобайнида, айниқса қизлар ўртасида суицидларнинг “аномал даражада ўсишини” кўрсатди [34].

### **Хулоса қиладиган бўлсак:**

- 1. ОАВ томонидан яратиладиган квазиэкспериментал шароитлардаги юзлаб тадқиқотлар суицидал хулқнинг ижтимоий-психологик “юқумли” таъсирини тасдиқлайди.**
- 2. ОАВ (ҳаётий бўладими ёки тўқима ҳикоялар) оммавий, вақт ичра локаллашган суицидал кластерлар пайдо бўлишига замин яратади.**
- 3. Таклидий хулқ авторга мойил шахслар учун ОАВ шахслараро муносабатларнинг ўзига хос услуги ва одатий муаммоларнинг дезадаптив ечимларини шакллантиради. Ўз муаммосига ечим топишга қийналаётган шахслар учун суицид тўғрисидаги ахборот “ҳикмат” тарзида идрок этилади ва улар суицидга қўл урганлар хулқига тақлид қилишади.**
- 4. Журналистлар суицид ҳолатларини ёритишда жуда эҳтиёткор ва масъулиятли бўлишлари лозим. Шов-шуғ кетидан қувии хавфли бўлиши мумкинлигини унутмаслиги керак.**

## Адабиётлар рўйхати:

1. Alao A.O., Yolles J., Armenta W. Cybersuicide: the internet and suicide // Am. J. Psychiatry. – 1999. – Vol. 156. – P. 1836-1837.
2. Angermeyer M.C., Schulze B. Reinforcing stereo-types: How the focus on forensic cases in news re-reporting may influence public attitudes toward the mentally ill // J. Law Psychiatry. – 2001. – Vol. 24. – P. 469-486.
3. Baume P, Cantor CH, Rolfe A. Cybersuicide: the role of interactive suicide notes on the internet // Crisis. – 1997. – Vol. 18. – P. 73-79.
4. Birbal R., Maharajh H.D., Birbal R. et al. Cyber-suicide and the adolescent population: challenges of the future? // Int. J. Adolesc. Med. Health. – 2009. – Vol. 21, № 2. – P. 151-159.
5. Bollen K.A., Phillips D.P. Imitative suicides: A national study of the effects of television news stories // Am. Soc. Rev. – 1982. – Vol. 47. – P. 802-809.
6. Bushman B., Anderson C. Media violence and the American public: Scientific facts versus media misinformation // Am. Psychologist. – 2001. – Vol. 56, № 6/7. – P. 477-489.
7. Chang S.S., Page A., Gunnell D. Internet searches for a specific suicide method follow its high-profile media coverage // Am. J. Psychiatry. – 2011. – Vol. 168. – P. 855-857.
8. Chen Y.Y., Chen F., Yip P.S. The impact of media reporting of suicide on actual suicides in Taiwan, 2002-05 // J. Epidem. Commun. Health. – 2011. – Vol. 65. – P. 934-940.
9. Chen Y.Y., Yip P.S., Tsai C.W., Fan H.F. Media representation of gender patterns of suicide in Taiwan//Crisis. – 2012. – Vol. 16. – P. 1-7.
10. Cheng A.T.A., Hawton K., Chen T.H.H. et al. The influence of media reporting of a celebrity suicide on suicidal behaviour in patients with a history of depressive disorder // J. Aff. Dis. – 2007. – Vol. 103. – P. 69-75.

11. Cheng A.T.A., Hawton K., Lee C.T., Chen T.H.H. The influence of media reporting of the suicide of a celebrity on suicide rates: a population-based study // Int. J. Epid. – 2007. – Vol. 36. – P. 1229-1234.
12. Curran D. Adolescent suicidal behavior. Washing-ton: Hemisphere Publishing Corporation, 1987.
13. Dare A.J., Andriessen K.A., Nordentoft M. et al. Media awards for responsible reporting of suicide: Experiences from Australia, Belgium and Den-mark // Int. J. Ment. Health Syst. – 2011. – Vol. 5. – P. 15.
14. Etzersdorfer E., Voracek M., Sonneck G. A dose-response relationship between imitational suicides and newspaper distribution // Arch. Suicide Res. – 2004. – Vol. 8, № 2. – P. 137-145.
15. Fishman G, Weimann G. Motives to commit sui-cide: statistical versus mass-mediated reality // Arch. Suicide Res. – 1997. – Vol. 3. – P. 199-212.
16. Fu K.W., Yip P.S. Long-term impact of celebrity suicide on suicidal ideation: Results from a popu-lation-based study // J. Epid. Com. Health. – 2007. – Vol. 61. – P. 540-546.
17. Goldney R.D. The media and suicide: A caution-ary view // Crisis. – 2001. – Vol. 22, № 4. – P. 173-175.
18. Gould M.S. Suicide and the media // Ann. NY Acad. Sci. – 2001. – № 932. – P. 200-221.
19. Gould M., Wallenstein S., Keinman M. Time-space clustering of teenage suicide //Am. J. Epi-demiology. – 1990. – Vol. 131. – P. 71-78.
20. Gutierrez M., King C., Ghaziuddin N. Adolescent attitudes about death in relation to suicidality // Suicide Life-Threat. Behav. – 1996. – Vol. 26, № 1. – P. 8-18.
21. Hagihara A., Tarumi K., Abe T. Media suicide-reports, Internet use and the occurrence of suicides between 1987 and 2005 in Japan // BMC Public Health. – 2007. – Vol. 7. – P. 321.

22. Hassan R. Effects of newspaper stories on the incidence of suicide in Australia: A research note // Austral. NZ J. Psychiatry. – 1995. – Vol. 29. – P. 480-483.
23. Hawton K., Williams K. Influences of the media on suicide // BMJ. – 2002. – Vol. 325, № 7377. – P. 1374-1375.
24. Howe A, Owen-Smith V, Richardson J. Media influence on suicide. Television programme makers have an ethical responsibility // BMJ. – 2003. – Vol. 326, № 7387. – P. 498.
25. Ishii K. Measuring mutual causation: effects of suicide news on suicides in Japan // Soc. Sci. Res. – 1991. – Vol. 20. – P. 188-195.
26. Johnson G., Krug E., Potter L. Suicide among adolescents and young adults: A crossnational comparison of 34 countries // Suicide Life-Threat. Behav. – 2000. – Vol. 30, № 1. – P. 74-82.
27. Katsumata Y., Matsumoto T., Kitani M., Takeshima T. Electronic media use and suicidal ideation in Japanese adolescents // Psychiatry Clin. Neurosci. – 2008. – Vol. 62, № 6. – P. 744-746.
28. Klein J.D., Brown J.D., Childers K.W. et al. Adolescents' risky behaviour and mass media use // Pediatrics. – 1993. – Vol. 92. – P. 24-31.
29. Krysinska K.E. Loss by suicide. A risk factor for suicidal behavior // J. Psychosoc. Nurs. Ment .Health Serv. – 2003. – Vol. 41, № 7. – P. 34-41.
30. Liu K.Y., Beautrais A., Caine E. et al. Charcoal burning suicides in Hong Kong and urban Taiwan: An illustration of the impact of a novel suicide method on overall regional rates // J. Epidem. Com Health. – 2007. – Vol. 61, № 3. – P. 248-253.
31. Niederkrotenthaler T., Herberth A., Sonneck G. The "Werther-effect": legend or reality? // Neuro-psychiatr. – 2007. – Vol. 21, № 4. – P. 284-290.
32. Ozawa-De Silva C. Shared death: self, sociality and internet group suicide in Japan // Transcult. Psychiatry. – 2010. – Vol. 47, № 3. – P. 392-418.

33. Patros P. Depression and suicide in children and adolescents. Boston: Allyn and Bacon Inc., 1988.
34. Phillips D.P., Lesina K., Paight D.J. Suicide and the media / R.V. Maris, A.L. Berman, J.T. Malts-berger et al., eds. Assessment and prediction of su-i-cide. NY: The Guilford Press, 1992. – P. 499-519.
35. Pirkis J., Blood R.W. Suicide and the media: Part I: reportage in nonfictional media // Crisis. – 2001. – Vol. 22, № 4. – P. 146-154.
36. Pirkis J.E., Burgess P.M., Francis C. et al. The relationship between media reporting of suicide and actual suicide in Australia. // Soc. Sci Med. – 2006. – Vol. 62. – P. 2874-2886.
37. Postman N., Powers S. How to watch TV news. NY: Penguin Books, 1992.
38. Rustad R., Small J., Jobes, D. et al. The impact of rock videos and music with suicidal content on thoughts and attitudes about suicide // Suicide Life-Threat. Behav. – 2003. – Vol. 33, № 2. – P. 120-131.
39. Scherr S., Reinemann C. Belief in a Werther Ef-fect: third-person effects in the perceptions of sui-cide risk for others and the moderating role of depression//Suicide Life Threat Behav. – 2011. – Vol. 41, № 6. – P. 624-634.
40. Schmidtke A, Schaller S. The role of mass media in suicide prevention / Hawton K., Heeringen K., eds. The international handbook of suicide and at-tempted suicide. NY: Wiley, 2000. – P. 675-697.
41. Simkin S., Hawton K., Whitehead L. et al. Media influence on parasuicide. A study of the effects of a television drama portrayal of paracetamol self-poisoning // Br. J. Psychiatry. – 1995. – Vol. 167. – P. 754-759.
42. Stack S. The effect of publicized mass murders and murder-suicides on lethal violence, 1968-1980: A research note // Soc. Psychiatry Psychiatr. Epid. – 1989. – Vol. 24, № 4. – P. 202-208.
43. Stack S. Media impacts on suicide: A quantitative review of 293 findings // Soc. Sci. Q. – 2000. – Vol. 81. – P. 957-971.

44. Stack S. Media coverage as a risk factor in suicide // J. Epidem. Com. Health. – 2003. – Vol. 57. – P. 238-240.
45. Stack S. Suicide in the media: A quantitative re-view of studies based on nonfictional stories // Su-icide Life Threat. Behav. – 2005. – Vol. 35, № 2. – P. 121-133.
46. Strasburger V., Donnerstein E. Children, adoles-cents, and the media: Issues and solutions. // Pediatrics. – 1999. – Vol. 103, № 1. – P. 129-140.
47. Sudak H.S., Sudak D.M. The media and suicide // Acad. Psychiatry. – 2005. – Vol. 29, № 5. – P. 495-499.
48. Tsai J.F. The media and suicide: evidence based on population data over 9 years in Taiwan // Suicide Life Threat. Behav. – 2010. – Vol. 40, № 1. – P. 81-86.
49. Villani S. Impact of media on children and adoles-cents: a 10-year review of the research // J. Acad. Child. Adolesc. Psychiatry. – 2001. – Vol. 40. – P. 392-401.

## III ҚИСМ. СУИЦИДАЛ ХУЛҚНИНГ ЖИНСИЙ ФАРҚЛАРИ

### 3.1. Аёллар суициди тўғрисида

Аёллар суициди тўғрисидаги замонавий илмий адабиётларда ёритилган ахборотлар фрагментар кўринишга эга бўлиб, аёллар суицидал хулқининг айрим жиҳатларини қамраб олади холос. Мазкур соҳага оид кенг кўламли изланишлар олиб борилмаган. Айни обзорда аёллар суицидал хулқи ҳақидаги ҳозирги кунга қадар тўпланган тасаввурлар имкон қадар тўкис манзарани шакллантириш мақсадида умумлаштирилган.



Аёллар орасидаги якунланган суицидлар миқдори, шаксиз, географик ва миллий омиллар таъсири остидадир, бироқ сўнгги йиллар давомида ўтказилган тадқиқотлар мазкур ҳодисанинг умумжаҳон даражасини ўрта ҳисобда баҳолаш имконини берди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг жаҳондаги соғлиқни сақлаш ҳолати тўғрисидаги маъruzasida [8], суиқасд бўйича тўлақонли статистикага эга мамлакатларнинг 53 тасида, аёллар орасида якунланган суицид 2001 йилда хотин-қизларнинг ҳар 100000 нафарига 7.8 нафарни ташкил этган. Аёллар суиқасди жаҳоннинг аксарият мамлакатларида эркаклар суицидига нисбатан анча паст даражада. Истисно тариқасида Хитойни тилга олиш мумкин, Хитойда A.T.Cheng ва C.-S.Lee [28] маълумотларига кўра, қишлоқ жойларда истиқомат қиласидиган ёш аёллар ўртасидаги суицид даражаси жуда юқорилиги билан ажralиб туради. Шу билан бирга, эркаклар ва аёллар ўртасидаги суиқасслар частотаси тўғрисидаги маълумотларда тафовутлар кўзга ташланади. ЖСС ташкилоти маъruzasiga кўра [8], ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйган эркаклар ва аёллар ўртасидаги нисбат 3.5 : 1 ни ташкил қилган. Кўплаб ўтказилган танланма тадқиқотларда эса ҳар бир аёл

суицидига 3 нафардан 8 нафаргача эркак суициди тўғри келади [3, 4, 9, 17, 23, 27]. Бундай сезиларли тафовутлар тадқиқ этилаётган танланмаларнинг яшаш жойи (шаҳар, қишлоқ), этник ва маданий хусусиятлар, шунингдек, тадқиқот ўтказилган даври каби сабаблар билан белгиланиши мумкин.



ЖСС ташкилоти маъruzасига кўра, ўз ҳётига ўзи нуқта қўйган эркаклар ва аёллар ўртасидаги нисбат 3.5 : 1 ни ташкил қилган. Кўплаб ўтказилган танланма тадқиқотларда эса ҳар бир аёл суицидига 3 нафардан 8 нафаргача эркак суициди тўғри келади

Тадқиқот ўтказилган давр каби омилган Д.Богоявленский [2] эътибор қаратган. У Россиядаги суицид ҳодисасининг тарқалиш динамикасини узоқ муддат таҳлили орқали суицидларнинг умумдаражаси пасайган йиллари эркак ва аёл

суицидентлар орасидаги тафовутлар 3 баробаргача қисқариб, умумдаражак ўпайган даврда мазкур нисбат 5 баробаргача ортишини исботлаган. Бундан ташқари, айrim нашрларда ўсмир қизлар орасидаги суицидлар ўсмир йигитлар суицидларига нисбатан кўплиги тўғрисида маълумот берган [13, 43, 16].

A.Schmidtke берган маълумотга кўра [44], Европанинг, Финляндиядан ташқари, аксарият мамлакатларида аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилишга уриниш эркакларнинг уринишларидан юқоридир. Ўсмир ёшидаги қизларнинг ҳам ўз жонига қасд қилишга уринишлари ўғил бола ўсмирларнинг уринишларидан юқори экани қайд этилган (L. Kotila и J. Lonnqvist) [37]. Америкада Р. Шайдер [15] таҳрири остида нашрдан чиққан психиатрия бўйича йўриқномада ҳам аёллар ўртасидаги суицидал уринишлар эркакларнинг уринишларидан 2-3 карра кўплигига ишора мавжуд.

Г.И.Каплан ва Б.Дж.Сэдоклар [12] эркакларнинг ҳар бир суицидал уринишларига тўрт нафар аёл уриниши тўғри келади деган ахборотни беришади.

### **3.2. Аёлларда суицидал хавфни кучайтирувчи омиллар**

Қатор илмий нашрларда аёлларга хос суицидал хавф факторлари кўздан кечирилган (демографик, клиник, шахсга доир психологик ва х.). Ёшга доир омил ўрнини тадқиқ этар экан В.Ф. Войцех [5] ёш ўсиши билан бирга аёлларда суицидал хавф ҳам муттасил ошиб бориб максимал даражага 75 ёшда етишини қайд этади.

Бироқ, M. Rezaeian [43] тадқиқотлари натижалари юқоридаги фактларга зид маълумотларни келтиради. Унга кўра, Шарқий Ўрта Ер денгиз худудида аёллар ўртасидаги суицилар 15-29 ёшда максимал даражага этар экан.

Г.В.Старшенбаум [21] эса аёллар орасидаги яқунланган суицид дастлабки шаҳвоний жозибадорлик йўқолиши билан боғлиқ ҳолда 40-45 ёшлар оралиғида максимал кўрсаткичларга эга бўлиши мумкин дейди.

Бошқа олимлар суицидал хавфнинг ошишига аёлларнинг оиласиий статуси қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини таҳлил этишган. В.Ф. Войцех [6] турмуш қурмаган аёллар такорий суицидга бўйдоқ-эркаклардан кўра кўпроқ қўл уришларини қайд этади.

Аёллар учун суицидал хавф туғтирувчи сифатида даромад пастлиги ҳамда ишсизлик каби иқтисодий омиллар ҳам тадқиқ этилган. D.E.Kalist [35], хусусан, шундай хулосага келади: суицидал хатти-ҳаракатга қўл урган аёлларнинг ўртacha даромади бутун аёл-аҳолининг ўртacha даромадидан 13% пастdir.

Даромади паст бўлган аёлларда суицидал ўй-фикрлар кўплигига L.Stallones [45] ҳам кўрсатиб ўтган. M. Rezaeian [43] турмуш даражаси паст мамлакатларда аёлларнинг барча ёш гурӯҳларида ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари юқори

турмуш даражасига эга мамлакатлар кўрсаткичларидан нисбатан баланд эканини кўрсатди.

K.Hawton [33] ишсиз аёллар ўртасида рўй бераётган суицидлар частотаси иш билан банд аёллар ўртасида рўй бераётган суицидларга нисбатан 7.5-10.9 баробар ортиқ эканини таъкидлайди.

Индивиднинг касбий статусини суицидал хавф омили сифатида тадқиқ этган I.H. Makinen ва D. Wasserman [39] хулосаларига кўра, аёллар суицидининг юқори даражалари касбий статуси (квалификация ва хизмат мартабаси даражаси билан аниқланадиган) паст ва баланд бўлган аёлларда, суициднинг қуи даражаси эса касбий мавқеи ўрта бўлган аёлларда экани кўзга ташланади.

Мазкур жиҳатга кўра аёллар эркаклардан фарқланиб туради, зотан эркаклар орасидаги суицид даражаси, аксинча, қуи касбий мавқега эга эркакларда суицидал ҳаракатлар паст бўлган бир пайтда, касбий мавқеи баландларда – жуда юқоридир.

<i>Аёллар</i>	<i>Эркаклар</i>
<i>суициднинг юқори даражалари касбий статуси паст ва касбий статуси баланд бўлган аёлларда, суициднинг қуи даражаси эса касбий мавқеи ўрта бўлган аёлларда учрайди</i>	<i>қуи касбий мавқега эга эркакларда суицидал ҳаракатлар паст даражада бўлган бир пайтда, касбий мавқеи баландларда - жуда юқорилиги эътиборга молик</i>

E.Frank ва A.D.Dingle [32] суицидал ҳаракатлар аёл-врачлар орасида кўплигига эътибор қаратишган.

Кўплаб тадқиқотларда суицидал хавф юқори бўлган аёллар учун аҳамиятли клиник факторлар таҳлил этилган. Энг асосий ўрин психик патологияларга ажратилган. P.Qin [42] психик бузилишлар аёллар учун эркакларга нисбатан суицидал хавфнинг муҳимроқ омили эканини таъкидлайди.

М.П. Соколова [20] маълумотларига кўра, суицидал уринишларга қўл ураётган аёлларда суицидал хулқнинг психопатологик мотивлари 53.4% учрайди, бу эркакларнинг кўрсатичларидан 10% га кўп деганидир.

Бундан ташқари, қатор нашрларда психик бузилишлари мавжуд шахслар ўртасида, умумий популяциядан фарқли равища, ўз жонига қасд қилиш эркаклардан кўра аёлларда кўпроқ экани маълум қилинган [1, 22].

К.Ю.Сливко [19] маълумотларига биноан паст даражадаги суицидал хавф психик бузилишлари бўлмаган ва психоактив моддаларни истеъмол қилмайдиган аёлларга хос; ўрта даража – аффектив бузилишларга эга аёлларда; юқориси – эндоген ва органик психик бузилишлари мавжуд аёлларда кўп учрайди.

### 3.3. Аёллар суициди ва психик бузилишлар

Психик бузилишларнинг турли клиник шакллари орасида аёллар учун суицидал хавф омили сифатида тадқиқотчилар аффектив бузилишларга алоҳида урғу қўйишади. Қатор публикацияларда суицидент аёллар орасида депрессиялар кенг тарқалганлиги тўғрисида хабарлар берилган. Масалан, T. Kanchan ва R.G. Menezes [36] Жанубий Хиндистонда заҳарланиш орқали яқунланган суицидларни ўрганар эканлар, суицидни амалга оширган паллада тадқиқ этилаётган аёлларнинг 27.8% яққол депрессия ҳолатида бўлганликлари қайд этишган. Шуни ҳам

Кучли депрессияга дуч келган аёлларнинг 23.9% суицидал уринишларни, 55.6% суицидал ниятларни кайл этган.

**ДИҚҚАТ!**

Ишсиз аёллар ўртасида рўй бераётган суицидлар частотаси иш билан банд аёллар ўртасида рўй бераётган суицидларга нисбатан 7.5-10.9 баробар ортиқ...

таъкидлаш жоизки, аёл суицидентлар орасида депрессиянинг мавжудлиги аналогик категориядаги эркакларга нисбатан икки ярим баробарга ортиқ эди.

Алоҳида тадқиқотларда аффектив бузилишга гирифтор бўлган аёллар ўртасида суицидал хулқ частотаси таҳлил этилган. А.Е. McHolm [40] кучли депрессияга дуч келган аёлларнинг 23.9% суицидал уринишларни, 55.6% суицидал ниятларни қайд этган. В.Ф. Войцех [6] маълумотларида эса, аёлларда яққол депрессив симптоматиканинг шаклланиши улар томонидан суицидни такрорий амалга оширишнинг ўзига хос хавф омили эканини кўрамиз.

Илмий адабиётларда психик касалларнинг умумий популяциясида аёллар ўртасида суицидлар кўплиги ҳақидаги ишораларга қарамасдан, суицидал жиҳатдан хавфли ҳисобланган шизофренияга дучор бўлган аёллар орасида шизофреник эркакларга нисбатан якунланган суицидлар сони анча камдир. Бу ҳақида D. Lester [38] маълумотлари далолат бермоқда: унга кўра шизофреник аёлларнинг 0.2% суициддан оламдан ўтса, худди шу кўрсаткичлар шизофреник эркаклар орасида 0.5% ташкил қиласди. Шу билан бирга, психик касал аёллар ўртасида бошқа қатор суицидал жиҳатдан хавфли касалликлар кенг тарқалган (нерв анорексия, нерв булимия, дисморрофобик бузилишлар, инволюцион психозлар ва ҳ.). Нерв булимиясининг суицидал жиҳатдан хавфли қирраларига M. Corcos [30] эътибор қаратади. Унинг томонидан текширувдан ўтказилган 295 нафар мазкур касалликдан азият чекаётган аёлларнинг 27.8% суицидал ниятлар частотаси ва суицидга ҳаракатлар кўп бўлиб чиқсан. Нерв булимияси мавжуд суицидент аёлларнинг худди шу дардга мубтало бўлган, бироқ суицидга уринмаган аёллардан фарқли жиҳати уларда депрессив бузилишлар ва импульсивлик яққол ифодаланганилиги билан ажралиб турган.

J.M. Holm-Denoma [34] тадқиқот натижалари алоҳида эътиборга молик, унга кўра нерв анорексиясига дучор бўлган касаллар орасида суицид ўлимга олиб келувчи етакчи сабаблардан қилиб қўрсатилади. Ю.В. Попов ва В.Д. Вид [14]лар булимияга дучор бўлганларда анорексияга дучор бўлган

касалларга нисбатан суицидал хулқатворга мойиллик юқори эканига ургу қўйишади. K.A.Phillips [41] дисморфофобик бузилишлари мавжуд 200 нафар беморни текшириб кўриб уларнинг 78% суицидал ўй-фикрлар, 27.5%-суицидал хатти-ҳаракатларни қайд этган. Дисморфофобик бузилишнинг ўзи текширилувчиларнинг 70.5% суицидал ўй-фикрларнинг ва эллик фоизга яқинининг суицидал хатти-ҳаракатларини бирламчи сабабларидан бўлиб чиқкан.



Бошқа тадқиқотларда суицидга олиб келувчи муҳим психопатологик омил сифатида аёллардаги шахсга доир бузилишлар ўрганилган. Мазкур вазиятлар юзасидан U. Asgard [25] ўз жонига қасд қилиш билан ҳаётига якун ясаган аёлларнинг 14% шахсга доир бузилишлар мавжудлигини таъкидлайди. Н.М. Ситченко [18] психопатияларнинг турли шаклларидан азият чекадиган аёлларнинг аксариятида юқори даражадаги суицидал фаоллик истерик ва қўзғалувчан, камроқ ҳолларда психастеник ва шизоид психопатиялар мавжудлигини аниqlаган.

### 3.4. Аёллар суициди ва ирсийлик омили

**Шизофреник аёлларнинг 0.2% суициддан оламдан ўтса, худди шу кўрсаткичлар шизофреник эркаклар орасида 0.5% ташкил қиласди**

Аёллардаги суицидаллик хавфи кучлилигига ирсийлик таъсирини таҳлил қилишар экан, қатор олимлар оиласвий анамнезда суицид ва аффектив бузилишлар мавжудлиги суиқасдлар эҳтимолини ошириши мумкинлигини таъкидлашади

[32, 39]. Шу билан бирга, ҳозирги кунга қадар суицидал хулқнинг шаклланишига, шу жумладан, аёлларда ҳам, ирсийлик ўрни етарлича тадқиқ этилмаган ва у истиқболда янги изланишларни тақозо этади.

Аксарият тадқиқотларда аёллардаги суицидларнинг психологияк омиллари кўздан кечирилган. Хусусан, M.S.Daigle и G.Cote [31] изланишлари суицидга мойил аёллар бундай мойиллиги мавжуд бўлмаган аёллардан агрессивлик ва импульсивлик каби психологик хусусиятларнинг юқори даражаси билан ажралиб туришини кўрсатди. Шунга монанд натижаларни K.R. Conner [29] ҳам келтириб ўтади. Унга кўра агрессив хулқатворга мойиллик суициднинг белгиси сифатида эрқаклардан ҳам кўпроқ аёлларда қайд этилган. Хитойда J.Zhang ва H.Xu [47] томонидан ўтказилган аёлларнинг суицидал хулқининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилганда, тадқиқотлар аёлларда диндорлик ва турли хурофтлар қанчалар кучли бўлса суицидал ниятлар ҳам шунчалар юқори бўлиш эҳтимолини кўрсатган.

З.Р.Зулкарнеева [10] жинсий зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларнинг суицидал хулқини тадқиқ этар экан уларнинг тўрт кўринишдаги суицидал хавфли реакцияларини фарқлайди: жинсий тажовуздан кейинги соатларда ёки кейинги кунларда суицидал хулқни пайдо қиласиган ўткир аффектив реакциялар; жинсий тажовуздан бир неча ой сўнг намоён бўлиши мумкин бўлган ортга сурилган суицидал хатти-ҳаракатли аффектив реакциялар; суицидал хатти-ҳаракатлар кеч амалга ошадиган фожеалашган аффектив реакциялар; намойишкорона-шантажли суицидал хулқ-атвор.

E.Baca-García [26] менструал циклнинг биринчи хафтасида циклнинг бошқа хафталаридан фарқли равища суицидал хулқ пайдо бўлиш эҳтимоли юқорилигини аниқлаган.

R. Meares [40] суицид даражасининг фаслий тебранишларини ўрганар экан, аёлларда мазкур тебранишлар яrim йиллик циклни ташкил қиласиган пайтда, эрқакларда ушбу кўрсаткич йиллик циклга эгалигини тасдиқлаган.

Мазкур ҳодиса ҳозирги кунга қадар тўқис жавобга эга эмас, бироқ ишчи гипотезага кўра, аёлларда суицидал хулқ шаклланишида аффектив патологияларнинг эрқакларникуга нисбатан юқори эканлиги, аффектив бузилишлар эса, маълумки, йил давомида икки маротаба кўзғолиши мумкинлигидадир.

В.М. Гилод [7] инқирозли стационардаги аёл мижозлар контингентида суицидал хавф омиллари билан суицидал хулқ оғирлик даражаси ўртасидаги алоқадорликларни тадқиқ этган. Унга кўра, суицидал ўй-фикрлар мавжуд аёлларнинг аксарияти психастеник ёки астеник феъл-атворга эга, олий ёки тугалланмаган олий маълумотли, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритадиган эди; ўз тана аъзоларига пичоқ тортганларнинг аксарияти – фарзандлари бор, олий маълумотли хизматчи аёллар эди; суициднинг эркакларга хос кўринишга эга уринишларни қўллаган аёлларнинг аксарияти ёлғиз, истерик эпилептик фелатворли, олий ёки ўрта маҳсус маълумотли, бош мияда органик бузилишлар мавжуд аёллар ташкил қиласди.

Яна бир гурух тадқиқотлар суицидал хавф омилларида гендер тафовутларни аниқлашга қаратилган. S.Stefanello [46] суицидент аёллар суицидент эркакларга нисбатан моддий жиҳатдан ноҷорроқ, депрессияси юқорироқ ва ўзига-ўзи хизмат қилишга қодирлик шкаласи бўйича пастроқ кўрсаткичларга эгалигини аниқлади. Ўз навбатида, эркак суицидентлар алкогол ичимлиги билан боғлиқ психик бузилишлардан азият чекишида ва кўпроқ алкогол истеъмол қилган чоғида ўз жонига қасд қилишга уринишади.

В.Ф.Войцех [5] фикрига кўра, аёл учун ишсизлик, оиладаги зиддиятли муносабатлар, соматик ва психосоматик касалликлар, гипотимия ва уйқу бузилишлари такрорий суицидал уринишларнинг асосий сабабларидан бўлса, эркаклар учун улар бирламчи суицидал хатти-ҳаракатлар сабаби бўлиши мумкин.

Тахлил этилган илмий манбаларни умулаштирадиган бўлсак қуйидаги хуносалар келиб чиқади:

1. Аёллар ўртасида суицидлар эркаклар ўртасидаги суицидларга нисбатан бир неча баробар камроқ бўлади (ўсмир ёшидагилар бундан истисно);

2. Ўлим билан якунланмайдиган суицидлар аёллар томонидан кўпроқ амалга оширилади, бироқ уларнинг нисбати тўғрисида хали аниқ рақамлар мавжуд эмас;

3. Аёллар суицидига асосий сабаблардан кексалик, даромадларининг пастлиги, психик бузилиш мавжудлиги

(аффектив ёки шахсига доир), болаликда зўравонлик рўй берганлиги тааллуқли;

4. Аёллар суицидал хулқининг асосий белгилариға психик патология мавжудлиги ҳисобланади;

5. Аёллар ўз жонига қасд қилишда суиқасднинг “юмшоқ” кўринишларидан фойдаланишади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Анискин Д.Б. Самоубийство как социально-психологическая проблема: Дис. ... канд. мед.наук. – М., 1997.
2. Богоявленский Д. Российские самоубийства и российские реформы // Население и общество: Информационный бюллетень Центра демографии и экологии человека Института народно-хозяйственного прогнозирования РАН. – 2001.– № 52. – С. 1-4.
3. Бойко И.Б. Суицид как социально-медицинская проблема в современном обществе и его предупреждение: Дис. ... докт. мед.наук. – Рязань, 1998.
4. Ваулин С.В. Клинико-эпидемиологическое изучение суициdalного поведения: Дис. ...канд. мед. наук. – М., 1997.
5. Войцех В.Ф. Суицидология. – М.: Миклош, 2007. – С. 20-29.
6. Войцех В.Ф. Факторы риска повторных суициdalных попыток // Социальная и клиническая психиатрия. – 2002. – Том 12, № 3. – С. 14-21.
7. Гилод В.М. Клинико-социальная и психопатологическая характеристика пациентов кризисного стационара, совершивших суициdalные попытки: Дис. ... канд. мед. наук. – М., 2003.
8. Доклад о состоянии здравоохранения в мире, 2001 г. Психическое здоровье: новое понимание – новые надежды. – ВОЗ, 2001.

9. Жариков Н.М., Иванова Е.А., Анискин Д.Б. Самоубийства в Российской Федерации как социопсихиатрическая проблема // Журнал С.С. Корсакова. – 1997. – Том 97, № 6. – С. 9-15.
10. Зулкарнеева З.Р. Суицидальное поведение у жертв сексуального насилия // Социальная и клиническая психиатрия. – 1992. – Том 2, № 3.
11. Клиническая психиатрия: Пер. с англ., перераб. и доп. / Гл. ред. Т.Б. Дмитриева. – М.: ГЭОТАР Медицина, 1999. – 290 с.
12. Каплан Г.И., Сэдок Б.Дж. Клиническая психиатрия: Пер с англ. – М., 1994. – Том 2. – С. 18-30.
13. Положий Б.С., Лазебник А.И. Этнокультуральные особенности суицидального поведения у детей и подростков: Аналитический обзор. – М., 2002. – 20 с.
14. Попов Ю.В., Вид В.Д. Современная клиническая психиатрия. – М.: «Экспертное бюро-М», 1997. – С. 237-238.
15. Психиатрия / Под ред. Р.Шейдера. Пер. с англ. – М.: Практика, 1998. – С. 212 – 221.
16. Пурич-Пейакович Й., Дуньич Д.Й. Самоубийство подростков: Пер. с сербск. – М.: М, 2000. – С. 116-117.
17. Рыбникова И.Л. Возрастной анализ и медико-психологические особенности суицидов различных групп населения мегаполиса (на примере Санкт-Петербурга): Дис. ... канд. мед. наук. – СПб., 2002.
18. Ситченко Н.М. Особенности суицидального поведения у женщин, страдающих психопатией: Дис. ... канд. мед. наук. – М. 1991.
19. Сливко К.Ю. Клиническая классификация нефатальных суицидентов: Дис. ... канд. мед. наук. – Владивосток, 2003.
20. Соколов М.П. Социально-гигиенические особенности незавершенных суицидов в г. Красноярске и их профилактика: Дис. ... канд. мед. наук. – Красноярск, 2003.
21. Старшенбаум Г.В. Суицидология и кризисная психотерапия. – М.: «Когито-Центр», 2005. – С. 346-354.

22. Тихоненко В.А., Цупрун В.Е. Факторы суицидального риска в популяции больных психоневрологического диспансера // Научные и организационные проблемы суицидологии. – М., 1983. – С. 133-141.
23. Фисик М.В. Суицидальное поведение (эпидемиология, клиника, вопросы организации суицидологической помощи) на модели малого города: Дис. ... канд. мед. наук. – Томск, 2002.
24. Чуев Ю.Ф. Особенности суицидального поведения у больных депрессиями инволюционного возраста: Дис. ... канд. мед. наук. – Харьков, 1991.
25. Asgard U. A psychiatric study of suicide among urban Swedish women // Acta Psychiatr. Scand. – 1990. – Vol. 82, № 2. – P. 115-124.
26. Baca-García E., Sánchez-González A. et al. Menstrual cycle and profiles of suicidal behaviour // Acta Psychiatrica Scandinavica. – 1998. – Vol. 97, № 1. – P. 32-35.
27. Beautrais A.L. Gender issues in youth suicidal behaviour // Emergency Medicine Australasia. – 2002. – Vol. 14, № 1. – P. 35-42.
28. Cheng A. T., Lee C.-S. Suicide in Asia and the Far East // The International Handbook of Suicide and Attempted Suicide. – 2000. – P. 121-135.
29. Conner K.R., Cox C., Duberstein P.R. et al. Alcohol and Completed Suicide: A Case-Control Study // Am. J. Psychiatry. – 2001. – Vol. 158, Oct. – P. 1701-1705.
30. Corcos M, Taïeb O., Benoit-Lamy S., Paterniti S. et al. Suicide attempts in women with bulimia nervosa: frequency and characteristics // Acta Psychiatrica Scandinavica. – 2002. – Vol. 106, №5. – P. 381.
31. Daigle M.S., Cote G. Nonfatal Suicide-Related Behavior Among Inmates: Testing for Gender and Type Differences // Suicide and Life Threatening Behavior. – 2006. – Vol. 36, N 6. – P. 670 – 681.

32. Frank E., Dingle A.D. Self-Reported Depression and Suicide Attempts Among U.S. Women Physicians // Am. J. Psychiatry. – 1999. – Vol. 156, Dec. – P. 1887-1894.
33. Hawton K., Fagg J., Simkin S. Female unemployment and attempted suicide // Br. J. Psychiatry. – 1988. – Vol. 152, May. – P. 632- 637.
34. Holm-Denoma J.M., Witte T.K., Gordon K.H. et al. Deaths by suicide among individuals with anorexia as arbiters between competing explanations of the anorexia-suicide link // J.Affect. Disord. – 2007. – « Aug. – P. 28.
35. Kalist D.E., Molinari N.A., Siahaan F. Income, employment and suicidal behavior // J. Ment. Health Policy Econ. – 2007. – Vol. 10, № 4. – P. 177-187.
36. Kanchan T., Menezes R.G. Suicidal poisoning in Southern India: Gender differences // J. Forensic Leg. Med. – 2008. – Vol. 15, N 1. – P. 7 – 14.
37. Kotila L., Lonnqvist J. Adolescent suicide attempts: Sex differences predicting suicide // Acta Psychiatr. Scand. – 1988. – Vol. 77, № 3. – P. 264-270.
38. Lester D. Sex Differences in Completed Suicide by Schizophrenic Patients: A Meta-Analysis // Suicide and Life Threatening Behavior. – 2006. – Vol. 36, № 1. – P. 50-56.
39. Makinen I.H., Wasserman D. Some social dimensions of suicide // Suicide – An unnecessary death. – London, 2001. – P. 101-108.
40. Meares R., Mendelsohn F.A., Milgrom-Friedman J. A sex difference in the seasonal variation of suicide rate: a single cycle for men, two cycles for women // Br. J. Psychiatry. – 1981. – Vol. 138, Apr. – P. 321-325.
41. Phillips K.A., Coles M.E., Menard W. et al. Suicidal ideation and suicide attempts in body dysmorphic disorder // J. Clin. Psychiatry. – 2005. – Vol. 66, № 6. – P. 717-725.
42. Qin P., Agerbo E., Westergaard-Nielsen N. Gender differences in risk factors for suicide in Denmark // British Journal of Psychiatry. – 2000. – Vol. 177. – P. 546-550.

43. Rezaeian M. Age and sex suicide rates in the Eastern Mediterranean Region based on global burden of disease estimates for 2000 // East. Mediterr. Health J. – 2007. – Vol. 13, № 4. – P. 953-960.
44. Schmidtke A., Bille Brahe U., De Leo D. Attempted suicide in Europe: rates, trends and sociodemographic characteristics of suicide attempters during the period 1989-1992. Results of the WHO/EURO Multicentre Study on Parasuicide // Acta Psychiatrica Scandinavica. – 1996. – Vol. 93. – P. 327-338.
45. Stallones L., Leff M., Canetto S.S., Garrett C.J., Mendelson B. Suicidal ideation among lowincome women on family assistance programs // Women Health. – 2007. – Vol. 45, № 4. – P. 65- 83.
46. Stefanello S., Cais C.F., Mauro M.L. et al. Gender differences in suicide attempts: preliminary results of the multisite intervention study on suicidal behavior (SUPRE-MISS) from Campinas, Brazil // Rev. Bras. Psiquiatr. – 2007. – Dec. – P. 20.
47. Zhang J., Xu H. The effects of religion, superstition, and perceived gender inequality on the degree of suicide intent: a study of serious attempters in China // Omega. – 2007. – Vol. 55, № 3. – P.185-197.

## IV ҚИСМ. ИСЛОМ ДИНИДА СУИЦИД ХУСУСИДАГИ АҲКОМЛАР ТАҲЛИЛИ

“Инсонни гўзал суратда яратдик”<sup>1</sup> – дейилади Қуръони Каримнинг “Тийн” сураси 4-оятида. Мазкур оятда ислом динида инсоннинг бошқа маҳлукотларга нисбатан энг чиройли суратда яратилганлиги таъкидланган. Одамнинг ички олами чиройли, маънавиятли бўлса, ундаги гўзаллик тўлиқ шаклланади. Бундай сифатга эга одамнинг қўлидан ҳам тилидан ҳам ҳеч кимга, ўзига ҳам озор етмайди.

Ислом динида кишининг ўз жонига қасд қилиши ёқланмайди. Суицид қиласлик ва унинг оқибатлари ҳақида Қуръон ва ҳадисларда кўрсатмалар бор. Жумладан, “Бақара” сурасининг 195-оятида: “Ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанг”<sup>2</sup>. Оятдан одамнинг ўз ўлимига сабаб бўлувчи нарсага бормаслик кераклиги тушунилади. Демак, кишининг ўз жонига қасд қилиши гуноҳи кабира (катта гуноҳ) ҳисобланади.

Юқоридаги оятда мусулмон киши суицид қиласликка буюрилганлигини тушундик. Қуйида суициднинг ислом динида ёқланмаслиги ва бу амалнинг гуноҳи кабира эканлигининг бошқа сабабларини кўриб чиқамиз.

“Бақара” сурасининг 155-оятида: “Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиласли, бас, сабр қилувчиларга хушхабар бергин”<sup>3</sup>, деб ёзилган. Мазкур оятдан мусулмон кишига ҳам мусибат етиб туриши ва нафсига ёқмайдиган

<sup>1</sup> Қуръони Карим.маънолари таржимаси. Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 456.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 22.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 18.

ҳолларда мусулмон киши бошиданоқ сабр қилса, бу амали учун мукофотга эришиши тушунилади. Қандай хуш хабар, қандай мукофотлигини қўйидаги икки оятлардан билиб оламиз:

Зумар сурасининг 10-ояти: “Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари хисоб-китобсиз тўлатўкис қилиб берилур”<sup>4</sup> дейилган. Бақара сурасининг, 153-ояти: “Эй мўъминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир”<sup>5</sup>, деб ёзилган. Ислом динида мўъмин киши чиройли сабр эгаси бўлишга чақирилган. “Оли Имрон” сурасининг 200-оятида эса: “Эй мўъминлар, сабр қилингиз...”<sup>6</sup>, дея сабр қилишга буюрилган.

Юқоридаги оятлардан ислом динида инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр қилиш имконига эга эканлигини англаш мумкин. Сабр уч қисмдан иборат: тоат ва ибодатларга сабрли бўлиш, гуноҳлардан сақланишда сабрли бўлиш ва қийинчиликларга сабрли бўлиш. Жумладан, юқоридаги оядда айтилганидек, Аллоҳнинг мусулмон киши ўзини ҳалокатга ташла-маслик амрига итоат этишда ҳам сабр қилмоғи даркор. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сабр қилиш мусулмон киши учун вожиб амал ҳисобланади.

Мўъмин-мусулмон киши Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, тақдирнинг яхши ва ёмонлиги Аллоҳдан эканлигига имон келтирган бўлади. Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлмоқ имоннинг шартларидан бири ҳисобланади. Демак, сабр нафсни бошиданоқ тийишдаги қатъиятликдир, дейиш мумкин. Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда “Кимки бардошли бўлса, Аллоҳ уни ҳақиқий сабрли қилиб қўяди. Бирор кишига сабрдан кўра улуғ ва яхши нарса берилмайди”<sup>7</sup>, деб ёзилган. Сабр зиёдир. Зиё деб қиздирадиган, куйдирадиган нурга айтилади. Бу ўринда

---

<sup>4</sup> Куръони Карим.маънолари таржимаси. Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 312-313.

<sup>5</sup> Ўша асар. – Б. 18.

<sup>6</sup> Ўша асар. – Б. 50.

<sup>7</sup> Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. Риёзус-солихин. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – Б. 13.

кишининг йўлини машъала каби ёритадиган, ойдинлаштирадиган маъносида тушунилади.

Нафсга зид бўлган ҳолларда сабр қилиш Аллоҳнинг тақдирига рози бўлишни англатади. Шунинг учун ҳам турли балоларга, мусибатларга сабр қилган кишига савоб берилади, гуноҳлари тўкилади. Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда “... шу сингари бирор мусулмонга азият етса, тиканми ёки ундан каттарофими, у туфайли Аллоҳ ёмонликларини ўчириб, худди дарахт баргини тўкканидек ундан гуноҳлари тўкилади”<sup>8</sup> деб ёзилган. Сабр қилишнинг мукофоти яхши ҳолларга ета олмаганлик учун бўлади. Ёмон, заарли ишлар истагида бўлиб, лекин уларни амалга ошира олмаётганлик учун сабр қилишда мукофот бўлмайди.

Ўз жонига қасд қилиш, кишининг ақлидан чиқиб, жаҳл билан иш тутишининг натижасидир. Ислом динида инсон учун заарли бўлгани сабабли жаҳолат ёқланмайди, жаҳл билан иш тутишдан қайтарилади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда, “Одамларни куч билан енгадиган киши кучли эмас, балки жаҳли чиққанида ғазабини боса оладиган киши ҳақиқий кучлидир”<sup>9</sup>, деб ёзилган. Бошқа бир ҳадисда “ғазаб қилма” дейилган. Ким ғазаб қилса, унга ғазаб бўлади. Яъни, Аллоҳдан унга ғазаб бўлади. Мусибатга қилинган сабр ёки ғазаб, қазо ва қадарга нисбатан қилинган сабр ёки ғазаб бўлади.

Анас роҳияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда: “Сизлардин бирингизга зарар етганида, ўлимни орзу қилмасин”<sup>10</sup> деб ёзилган. Хаббоб ибн ал-Аратт розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам ўлимни сўраб дуо қилишдан қайтарганликлари ёзилган. Бундан келиб чиқадики, мусулмон киши учун ўзига ўлимни тилашлик тақиқланган амаллардан ҳисобланади. Ислом динида мўъмин-мусулмон кишинин ҳаёти хайр эканлиги таъкидланади.

Машаққат, қийинчилик, нафсга оғир келадиган ҳолларда осонгина қутилиш, муаммодан қочиш учун ўлиш йўлини танлаш

<sup>8</sup> Абу Закариё Яхё ибн Шараф Нававий. Риёзус-солихин. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – Б. 16.

<sup>9</sup> Ўша асар. – Б. 133.

<sup>10</sup> Ўша асар. – Б. 16.

ҳам Аллоҳнинг тақдирига норозилик, исён ҳисобланади. Бундай нохуш ҳолатга тушмаслик учун сабр қилиш керак. Сабр қила олиш учун кишига ихлос керак бўлади. Абу Абдуллоҳ ибн Ушайм розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: “... Ким ўз жонига бирор нарса билан қасд қилса, қиёмат куни ўша нарса билан азоб берилади”<sup>11</sup>, деб ёзилган.

Умр инсон учун берилган улуғ неъматлардан биридир. Мусулмон киши бунинг шукри сифатида вақтини яхши амалларга сарфласа, ҳам савоб ҳам мукофот олади. Ўз жонига қасд қилиш, умр неъматининг шукри зид ҳисобланади. Абу Яҳё ибн Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда “Мўминнинг иши ажойибdir. Унинг ҳамма иши ўзига яхшилиkdir. Бу мўминга хос бўлиб, бошқаларда ундан эмас. Агар унга ҳурсанд қилувч нарса етса, шукр қиласи. Бу у учун яхшидир. Агар зарап берувчи нарса етса, сабр қиласи. Бу ҳам унинг учун яхшидир”<sup>12</sup> деб ёзилган. Мўъмин кишининг шукр қилиши қалбида неъматларнинг Аллоҳдан эканлигини эътироф этиб, тили билан шкур айтиши ва шу неъматни яхшиликка, гуноҳ бўлмаган, зарап етмайдиган ишларга сарфлайди. Ёмонлик етганда сабр қиладм ва Аллоҳ у билан бирга эканлигига ишонади. Иброҳим сурасининг 7-оятида: “Шукр қилсангиз зиёда қилиб бераман, куфр келтирсангиз азобим шиддатлидир”<sup>13</sup>, деб ёзилган. Демак, мўъмин киши яхшилик етганда сабр қилиб, ҳам савоб ҳам неъматнинг зиёдасига эришади. Мусибат келганида сабр қилиш билан Аллоҳнинг азобидан омонда қолади ҳамда савоб, мукофотга эришади. Шунинг учун ҳам, мўъминнинг иши ажойибdir. Иккала йўл билан ҳам ҳурсандчиликда, фойдада бўлади.

Юқоридагилардан хulosा қилиб қуйидагиларни айтиш мумкинки:

1. Исломда ўз жонига қилишнинг ҳукми гуноҳи кабира ҳисобланади. Лекин, ўз жонига қасд қилган одам имондан чиққан кофир ҳукмида бўлмайди.

---

<sup>11</sup> Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. Риёзус-солихин. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – Б. 271.

<sup>12</sup> Ўша асар. – Б. 13.

<sup>13</sup> Куръони Карим маънолари таржимаси. Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 159.

2. Ўз жонига қасд қилган соғлом мўъмин-мусулмон кишининг имони суст эканлиги тушунилади. Аллоҳдан яхшиликни умид қилиш имон шартларидан бири ҳисобланади.

3. Ислом динида инсонга инъом этилган жон ва жисм неъматларининг заволига сабаб бўлувчи ҳолатлардан қайтарилади. Тақдиридан рози бўлиб, шукр ва сабр қилиб яшашга чақирилади.

## V АМАЛИЙ ҚИСМ.

### 5.1 Суицидал хулқ аломатлари хусусида

Баъзи бир мутахассисларнинг фикрича, суицид фақатгина инсонларга хос бўлиб, ижтимоий ҳодиса ҳисобланади ва жамиятнинг тузилиши билан белгиланади. Лекин, бошқа томондан қарайдиган бўлсак, бу шахснинг мураккаб вазиятларга нисбатан индивидуал реакцияси бўлиб, муайян инсоннинг шахсий ҳаёт шароитларига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари яна шундай омилни эсдан чиқармаслигимиз керакки, жамиятнинг суицид ҳодисалариiga нисбатан салбий муносабати ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу муносабатда турлича бўлиши мумкин.

- жамият бундай ҳодисани қоралаши мумкин:
- жамиятда суицидга нисбатан лоқайд-бефарқ муносабат бўлиши мумкин:
  - жамият қайсиdir маънода суицидни маъқуллаши мумкин.

Суицид ҳодисасини фақат 10% гина руҳий жиҳатдан бемор кишилар томонидан амалга оширилади. Қолган 90% зи эса бошқа турдаги касаллар ва соғлом кишилар хиссасига тўғри келади.

Соғлом кишиларни суицидга олиб келувчи сабаблар қўлами ниҳоятда кенг бўлиб, улар асосан психологик ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Ўз-ўзини ўлдириш муаммосини ҳал қилишнинг мураккаблиги яна шундай бир омил билан боғлиқки, бундай ҳодисанинг ўзига хос белгилари бўлмайди ёки бўлса ҳам ниҳоятда ўзгарувчан ва яширин бўлади. Ҳаётда ўзини ўзи бирданига ўлдириб қўядиган кишилар бунга сабаб бўладиган ҳолатлар шунингдек, инсонни суицидга олиб келадиган психопатологик бузилишлар бўлмайди. Шунинг учун ҳам суицидал фикрларни айтган ёки шундай ҳаракатларни содир этган ўкувчи (талаба)лар билан сухбатлашиш керак ва уларга психологик таъсир кўрсатиш керақ, унга суициднинг хавфи келгусидаги оқибатлари хусусида тушунтириш ишлари олиб

борилиши лозим, агар ҳақиқатдан ҳам ўз жонига қасд қилишни хоҳласа, психиатр кўригига юбориш лозим.

Суицидологик адабиётларда суицидал фаолликнинг турли классификациясига дуч келишимиз мумкин. Улар орасида клиник йўналишдагилари А.Г. Амбрумова [1], В.П. Тихоненко [7], Ю.Р. Вагин [2], П.Б. Зотов [3] ва х. [4; 5] тааллуқли. Шу билан бирга, деб ёзади П.Б. Зотов, мавжуд классификацияларда эътиборга молик жиҳат шундаки, улар, одатда, суицидал хулқнинг турли шакллари ургу қўсаларда, суицидал фаолликнинг “ички (ботиний) кўринишлари” буткул инкор этилади [3, с. 3]. Бир томондан, мазкур кузатувларга қўшилиб, турли “суицидолди” ифодаларнинг таснифларни яратиш заруриятини эътироф этиш жоиз, бошқа томондан – суицидал фаолликнинг “ташқи” ва “ички” жиҳатларини фарқлаш қанчалар мақсадга мувофиқлигига шубҳа туғилади. Зотан, “соф ички” (индивидуиднинг кўнгил соҳасида қоладиган) фаоллиги – ғайритабий ҳодисадир: инсон ҳамиша кўнглидан кечаётганини у ёки бу тарзда намоён бўлади, у ёки бу кўринишда ифодаланади, шу жиҳат клиник аҳамиятга эга, яъни ташқи кузатувчи, мутахассис томонидан мазкур фаолликни кашф этиш имкониятини таъминлайди.

		Ички лоййҳа	
		Онгсиз	Англанган
Ташқи лоййҳа	Аломатлари кузатилган	Ўлим тўғрисидаги ҳазиллар, шундай мавзуларга ўзи билмаган ҳолда қизиқиш	Ишларини якунлаш, яқинлари билан хайрлашув, суицидга ҳозирлик
	Аломатлари кузатилмаган	Импульсив (кутилмаган) суицид ё суицидга ҳаракат (ҳозирланишсиз)	Иродавий яшириш, ўйланиб амалга оширилган суицид

Суицидал фаолликни ўзини жонидан маҳрум қилишга қартилган фаолликнинг ҳар қандай кўриниши сифатида тушуниш мумкин. Суицидал фаолликни, одатда, икки босқичда – ички ва ташқи – кўздан кечиришади.

Суицидал фаолликнинг ички лойиҳасининг икки кўринишини фарқлаш мумкин: онгсиз ва англанган ҳолда ўлимга ҳозирланиш. Онгсиз ҳолда суицидаги ҳозирлик инсоннинг ички зиддиятлари сиқиб чиқарилган шахсларда қайд этилади. Бундай одамлар ташқаридан қаралса хушчақчақ, ижтимоий фаол, муаммолари мавжуд эмасдай кўринсада туриб-туриб ўлим билан боғлиқ ҳазилларни, ўлим “ҳиди” келадиган ибораларни қўллашлари (“вой, ўлай”, “ўлиб қўя қолай”, “бир метр жой бўлсаю кириб ётиб олсан” ва ҳ.), шу билан бирга, ўлим билан боғлиқ адабий асарларни мутолаа қилишга иштиёқининг ортгани кузатилади. Бироқ, ички зиддиятлар босими ортидан ташқаридан кузатилмаган ҳолда (ҳеч қандай ҳозирланишсиз) ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас (истерик суицидлар).

Ўзим хоҳиши англанган паллада одам ихтиёрий равишда унга ҳозирлик кўра бошлайди: ховлини йиғишириш, тугалланмаган ишларини ниҳоятга етказиш, яқинлари билан видолашув ва ҳ. Бу ташқаридан кузатиладиган суицидал нияти бор одам хулқи. Бироқ одам ўз ниятини пишиқ-пухта амалга ошириш мақсадида, бирорга билдириласдан, иродасини ишга солган ҳолда амалга ошириш истагида бўлса юқоридаги ҳозирлашилар кўзга ташланмаслиги эҳтимол.

Яъни, суицидал фаолликнинг ички лойиҳаси онгсиздан англанишга қадар одам психикасида рўй беради ва ташқи кузатувчи учун “яширин” бўлади. “Яширин” сўзининг қўштироқ ичига олинганинг ўз мазмуни бор: зотан одам ўлим истаги ҳали онгсиз палладалигига ҳам ўзи сезмаган ҳолда атрофидагиларга турли ишораларни узатиши мумкин. Суицидал нияти англанганда ирова ишга тушгач ўз хоҳишини имкон қадар яширин тутишга интила бошлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Профессор А.Амбрумова ўзини-ўзи ўлдиришни ижтимоий (қисман тиббий) муаммо сифатида ҳисоблаб, унга қуидагиша таъриф берган:

**Суицид – бу шахснинг ижтимоий ва психологик жиҳатдан ўзи бошидан кечираётган микроижтимоий келишмовчиликларга мослаша олмаслиги.**

**Суицидал ҳулқ-атворга эга бўлган кишиларни қуидаги уч (3) гурухга ажратиш мумкин:**

- психик касал;
- психик жиҳатдан стрессга учраган;
- соғлом кишилар.

**Суициднинг икки хили фарқ қилинади:**

- якунланган (ўзини ўлдириш);
- якунланмаган.

**Суициднинг босқичлари:**

- дунёқарашибосқичи (суицид ҳақида билиш);
- фикрлашнинг заифлиги (ўлимга рози бўлиш);
- фаоллик (ўлиш учун нимадир қилиш),

Суицидал хатти-ҳаракат бу ўзини ўлдиришга интилиш бўлиб, лекин ўлим билан тугамайди.

**Суицидал ҳулқ - атвор икки хил бўлади:**

1. Ҳақиқий
2. Намойишкорона.

Баъзи ҳолатларда инсон ўлишга эмас, балки, ўз муаммоларига бошқаларнинг эътиборини қаратишга ҳаракат қиласи, шунингдек, стресс ҳолатидан чиқиши хоҳлайди.

Кўпинча ўз-ўзини ўлдиришга олиб келадиган баҳоналар ҳақиқий сабаб билан мос келади.

Ўз муаммоларига ечим топа олмаслик, умидсизлик кабилар суицидга олиб келади.

Қийин вазият билан боғлиқ ҳис-туйғулар инсон онгига устунлик қиласи, бу эса атрофдаги вокеликни тўғри идрок қилишни чеклаб кўяди-танқидий фикрлашни ва муқобил ечим топишни қийинлаштиради. Натижада инсон ўзи келиб қолган вазиятни иложсиз деб қабул қиласи.

Олимлар томонидан шундай фактлар ҳам аниқланганки, инсондаги бошқа кишиларга қаратилған ўч олиш, норозилик билдириш ва товламачилик қилиш каби интилишлар баъзи бир вазиятларда ўз йуналишини ўзгартириб ушбу инсоннинг ўзига қаратилиши мумкин.

Инсон спиртли ичимликлар истеъмол қилганда ўзини ўлдириш ҳақидаги фикрларнинг келиши осонлашади.

Суицидал хулқ-атвор деганда ўзининг устувор эҳтиёжларини қондириш йўлида тўсиқлар учраганда шахсда юзага келадиган ички инқирозни ечиш воситасига айланадиган ўз жонига қасд қилиш каби кишилар фаоллиги назарда тутилади.

Суицидал хулқ-атвор умуминсоний реакцияларнинг бир варианти сифатида суицидал фаолликнинг барча кўринишлари, индивиднинг шахсий ҳаракатлари асосидаги эҳтимолий ўлимнинг барча вариантларига муносабатини қамраб олиб, уларга қўйидагилар тегишлидир:

## Суицидал хулқ-атвор намоён бўлиш шакллари

Ички шакллар	Ташқи шакллар
Аксилҳаётӣ тасаввурлар (ҳаёт қиймати йўқлиги тўғрисидаги фикрлар)	Суицидал иборалар
Пассив суицидал ўйлар (ўзини ўлдириш нияти бўлмасада ўз ўлеми тўғрисида тасаввур қилиш: “ўлсан қутуламан”, “ўлсан яхши бўларди” ва ҳ.)	Суицидал ҳаракатлар
Суицидал режалар (ўзини ўлдириш лойиҳасини ишлаб чиқиши)	Яқунланган суицид
Суицидал ниятлар (ўзини ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилиш)	

- суицидал фикрлар (пассив - тасаввур, ўз ўлими мавзусидаги хаёлот (фантазия), фаол – кўнгилли тарздаги ўлим ҳақида тўғридан-тўғри эътироф);

- суицидал ният – суицидаллик намоён бўлишининг фаол шакли, яъни ўз жонига қасд қилиш тенденцияси, унинг чуқурлашуви уни амалга ошириш режасининг ишлаб чиқилганлик даражасига мувофиқ намоён бўлиб, суицид усули, ҳаракат вақти ва жойи ўйлаб кўрилади;

- суицидал мақсадлар – иродавий компонентнинг қарорига эргашиш;

- суицидал уринишлар – ўлим билан якунланмаган ўзини мақсадли равища ҳаётдан жудо қилишга ҳаракт;

- суицидлар (кўргазмали, аффектив ва ҳақиқий).

Хавф омилларига қўйидаги экстремал шароитлар кириши мумкин:

- армиядаги хизмат;
- узоқ муддатли экспедиция;
- қамоқ, мажбурий ёлфизлик ва ш.к.

Ю.Б.Попов, U. Bille-Brahe, Э.Шнейдманларнинг фикрича, ўзини ҳалок этувчи хулқ-атворнинг асосида онг остидаги ўлимга интилиш эмас, балки ҳаётий муаммолардан кетишга интилиш ётиб, бу баъзи ғарблик тадқиқотчилар фикрича, суицидал хулқ-атворнинг асоси ҳисобланади.

Ҳаётий зўриқиши (стресс)лар, айниқса, ёш кишиларда, суицидал хулқ-атвор хавфи таркибиға киритилган. Суицидентларнинг 90% суицид олдидан биттадан кўп стрессорларнинг таъсирини ҳис қилишган.

Бунда суицид билан нисбатан чамбарчас боғланган стрессорларнинг уч гуруҳи аниқланган:

1. Шахслараро муаммолар (низолар, айрилиқ, хўрланиш). Ўз жонига қасд қилишни содир этиш учун жиддий ва етакчи мотивни психик шикастланиш ташкил этиб, 92%да қарама-қарши жинс вакиллари билан муносабатларда белгиланган, вазиятларнинг 72% суицидентларнинг аҳамиятли муносабатлари тизимининг асосини ташкил этувчи шахсий-интим муносабатлар ва низоли вазиятларга тегишли бўлган.

2. Иқтисодий муаммолар. Ўз жонига қасд қилиш частотаси юқори даромадли кишилардан кўра, кам даромадли кишиларда 1,6 баробар ортиқдир.

3. Соматик касалликлар, инфекциялар ва носпецифик тана шикоятлари (чарчоқлик, уйқунинг бузилганлиги ва зўриқишисси).

Тадқиқотларга кўра, суицидал хулқ-атвор боғлиқ бўлган мухим омиллардан бири бу ёш кўрсаткичи бўлиб, суицидал хавфли давр сифатида ёшлик ва кексайиш пайти ҳисобланади.

Суицидал тенденция айниқса, касбий фаолияти одамлар билан интенсив муносабатда бўлиш ва ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ шахслар (шифокор, ўқитувчи ва бошқалар)да жиддий ифодаланган.

Суицилар содир бўлишининг йил даврларига боғлиқлиги корреляцияли алоқадорликка эга эмас. Ўз жонига қасд қилишлар сонининг баҳор ва кузда бир оз ўсиши кузатилади. Шаклланган фикрларга қарамай, суицилар сони декабрь ва байрамлар пайтида ошмайди ва максимал ўз жонига қасд қилишлар май ҳамда октябрга тўғри келади.

Психологик тадқиқотларда турли вақтларда суицидентларни психик соғлом кишилар сифатида тан олиш мумкинми деган масала кўтарилган. Баъзи муаллифлар фикрича, суицидал ҳаракатлар психик бузилишларга эга шахслар томонидан ҳам, соғлом кишилар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Албатта, табиийки суицидал ҳаракатларга мойил bemорлар биринчи навбатда шифокорнинг эътиборини талаб қиласди. Ижтимоий-психологик дезадаптация белгилари мавжуд бўлган психик соғлом шахсларга келинадиган бўлса, улар суицидал уринишларни содир этган шахсларнинг 25-30% ни ташкил этишади. Россия Қуролли Кучларида суицидент-ўқувчи (талаба)лар контингентининг 92-95%гача бўлган қисмини амалда соғлом кишилар ташкил этиб, улар тиббий сабаблар билан эмас, балки ижтимоий ва ижтимоий-психологик сабаблар билан белгиланар экан.

## 5.2. Нерв-психик бекарорлик белгилари

**Нерв-психик бекарорлик** деганда сезиларли жисмоний ва психик зўриқишилар пайтида асаб тизими ўз барқарорлигини йўқотиши тназарда тутилади. Мазкур тушунча ўз ичига организмнинг адаптив (мослашувчанлик) имкониятлари пасайишига олиб келадиган асаб тизими фаолиятидаги нуқсонлар билан белгиланган, яширин, унчалар ҳам кўзга ташланмайдиган дастлабки патологик (психик меъёрнинг дастлабки, бузилишдан олдинги) ҳолатларни қамраб олади.



**Нерв-психик бекарорлик** келиб чиқишида нерв тизими-нинг биологик номукаммаллиги (туғма ёки орттирилган) ҳамда ноҳуш психологик ва ижтимоий омиллар билан ўзаро боғлиқ жи-ҳатлари етакчи ўрин эгаллайди.

Бундай омилларга, яъни **нерв-психик бекарорликнинг бил-**

**восита белгилариға қўйидагилар тааллуқлидир:**

- ✓ *Ота-оналари ёки яқин қариндошлиарида психик касалликлар мавжуд бўлиши;*
- ✓ *Бош мия жароҳатлари ва инфекцион касалликларни бошдан ўтказганлиги;*
- ✓ *Ноҳуи оиласида вояга етганлик, ота-онасидан бирининг йўқлиги;*
- ✓ *Ўта қаттиқўллик билан тарбияланганлик (тарбияланиш) ёки ўта эркалатилганлик;*
- ✓ *Психо-неврологик диспансер назоратида турганлик;*
- ✓ *Тунги сийдик тутолмаслик ҳолатларининг (ўтмишида) бўлиб туриши;*
- ✓ *Оиласидан қочиши, аксилижтимоий гурӯхларга жалб этилганлик.*

## Нерв-психик бекарорлик аломатлари

**Психомоторика (хатти-харакатлар) даги аломатлар:**


- Ҳаракатлар координациясининг бузилиши
- Титрашлар, тана аъзоларининг “учиши”
- Ноёнғай ҳаракатлар
- Вужуддаги таранглик, бачкана қилиқлар

**Билиш-тафаккурий фаолиятга доир аломатлар:**

- Умумий психик тараққиёт даражасининг пастлиги (ўқув материалини суст ўзлаштирилиши, луғавий заҳира камлиги, мулоҳазарининг соддалиги)
- Қуйи интеллектуал фаоллик (мақсадларни мустақил қўя олмаслик, тафаккур саёзлиги)
- Ўз қаричи билан ўлчашга мойиллик, мантикий зиддиятларни сезмаслик


**Темпераментдаги аломатлар:**

- Юқори эмоционаллик (таясиранчилик: аразчи, йиғлоқи ва х.)
- Юқори хавотирлилик (мушкул вазиятларда), тортинчоқлик, чўчишлик
- Импульсивлик (беғамлик, енгилтаклик, кўнгли нозиклик, жizzакилик)
- Фаоликнинг ўта сустлиги ёки ўта юқорилиги (безовталиқ, бўшашганлик, тундлик, беғайратлик, паришонхотирлик)
- Ригидлик (қайсарлик, қўполлик, сергумонлик, қасдмакасдига иш тутишлиқ, чўрткесарлик)
- Резистентлик (тез чарчашлик, дармонсизланиш, диққатини бир нарсада ушлай олмаслик)



### **Мотивациядаги аломатлар:**

- Бирорнинг таъсирига тез тушиб қолиш
- Худбинлик, боқимандалик
- Ўзини-ўзи бошқара олиш қобилиятнинг пастлиги
- Кўнгли тусаганини қилишга мойиллик
- Устуворликка интилишнинг юқорилиги
- Агрессивлик
- Қизиқишиларининг беқарорлиги



### **Фаолиятидаги бузилишлар:**

- Фаолият самарадорлигининг пастлиги
- Ходим айби билан авариявий ҳолатлар кўпайиши, кўп жароҳатланиш
- Тез чарчаб қолиш, диққатсизлик
- Тормозлашганлик ёки серҳаракатлик, бетартиблик, ўйламасдан иш қилиш



### **Интизом ва ижтимоий меъёрларни бузиш соҳасига доир аломатлар:**

- Гап қайтаришга мойиллик, буйруқларга риоя этмаслик
- Лавозимий талабларни бузиш, буйруқларни нотўғри тушуниш
- Жинсий оғишлар, тартибсиз жинсий алоқалар
- Суицидал хатти-ҳаракатлар
- Ёлғончилик ва ўғриликка мойиллик
- Ноорасталик



## Шахслараро муносабатлардаги бузилишлар:

➤ Ҳамкасбларига нисбатан тажовузкорлик



➤ Низолашувга мойиллик, аламзадалик, қўполлик

➤ Гуруҳдан ажралиб қолишлик

➤ Ижтимоий ва гурухий мақсадларга беписандлик

➤ Сершубҳалик, ишончсизлик

➤ Атрофдагилар таъсирига қаршилик қилолмаслик

➤ Ўта тортинчоқлик, ўта кўнгилчанлик

➤ Аразчилик

➤ Алоҳидаликка (ёлғизликка) интилиш ёки барчанинг дикқат-эътиборини тортишга уриниш



## Дастлабки патологик ва патологик бузилишлар:

➤ Умумий холсизлик

➤ Уйқу бузилиши (уйқусизлик, серуйкулик),

➤ Тез-тез бош оғришлари, бош айланиш, хушдан кетиш, ўзини йўқотиб қўйиш

➤ Тутқаноқлар

➤ Сийдик тутолмаслик

➤ Юрак касалликлари бўлмаган ҳолда юрак ўйнашлари (тезлаб ё секинлаб уриши)

➤ Ўта тортинчоқлик, асоссиз тушкунлик, ўз кучига ишонмаслик, турли қўрқувлар



➤ Ўз соғлиғи устида ҳаддан кўп ўйланиш

➤ Кескин ранг ўчиши ёки қизариб кетиш

➤ Хаяжон пайтида нафас олишининг бузилиши

➤ Ич қотиш ёки ич кетиш ҳолатларининг кўпайиши

➤ Хатти-ҳаракатлар секинлашуви


➤ Намойишкорона суицидал уринишлар, ўз тана аъзоларига шикаст етказиш



### 5.3. Суицидал хулқ профилактикасида гештальт-терапия аҳамияти

Гештальт-психология нүқтаи-назаридан инсон ва уни қуршаб турган мұхит мөхияттан яхлит ва ўзаро боғлиқ ягона маконни ташкил қиласы. Улар ўртасидаги боғлиқтың психик реалликни пайдо қиласынан шахс тараққиётини таъминлады. Алоқа жараёни (ёки мулоқот) инсон учун унинг интилишлари, әхтиёжлари ёки хоҳишилари билан белгиланады. Шаклни мұхитдан ажралиб чиқиши (гештальтни ҳосил қилиш) ҳаётни яъни инсон билан ҳақиқатда рўй берадиган ҳодисаларни, қандай кечинмаларни ҳис этадигани, мавжуд вазиятни қандай ҳал қилиши ва уни ўзгартириш учун нималар қилаётганини англаш туфайли вужудга келади. Инсоннинг ҳаётий фаоллиги гештальтларни ҳосил қилиш ва вайрон этишнинг узлуксиз жараёнидир, мақсад – атрофдаги воқелик билан мувофиқ алоқа ўрнатышы. Алоқа ўрнатыш изчиллиги, уни “яшаб ўтиш” (алоқа цикли) индивиддан турли даражадаги фаолликни, Self (ўзлик) қувватини жалб этувчи бир неча босқичдан иборат.

#### Тараққиёт силсиласи ва алоқа босқичлари



Ушбу босқичлар:

1. Сезим босқичи (преконтакт) мазкур босқичда жорий эҳтиёжни фарқлаш ва ойдинлаштириш рўй беради;
2. Тугун (ришта) боғлаш босқичи – эҳтиёж вужудга келганини англаш палласидан инсон ўзи мавжуд теварак-муҳитни алоқа ўрнатиш мақсадида тадқиқ этади;
3. Тўлиқ алоқа (висол) босқичи – теварак-муҳит билан инсон ўртасида чегаралрнинг ювилиб кетиши, бутунликни ҳосил бўлиши (эҳтиёжнинг қондирилиши);
4. Ечим (тугун ечими, айрилиш, узилиш) босқичи – вазиятнинг у ёки бу тарзда тугалланиши, ҳали алоқа, яҳлитлик парчаланмаган, бироқ унинг якунланишини ҳис этиш;
5. Ҳазм (ассимиляция) босқичи – алоқа давомида олинган тажрибани ўзлаштириш жараёни.

Алоқа, яъни англанишга турли босқичлар чегарасида вужудга келадиган қатор ҳодисалар тўсқинлик қиласи. Инсон алоқа амалга ошишига қаршилик қилиш мақсадида уларга мурожаат этади. Улар интроекция, проекция, ретрофлексия ва конфлуэнция кўринишидаги ҳимоя механизмларида ўз ифодасини топади. Ушбу ҳодисалар ўзини-ўзи вайрон этувчи хулқатвор пайдо бўлишига у ёки бу даражадаги шиддатда ҳиссасини қўшишади. Ҳар бир конкрет суицидал ҳаракат қўйидаги тўрт йўналишнинг у ёки бу муштараклашуви пиравард натижасининг ифодаси ҳисобланади.

**1. Суициднинг интроектив йўналиши.** Интроекция жараёнида теварак-муҳит билан алоқа шакл пайдо бўлиш босқичида узилади: инсон манбаи ташқи бўлган қадриятлар, мезонлар, меъёрларни қамраб олади, ва хусусий интилишларни бошқа одам ёки гуруҳнинг хоҳишлиари эвазига тўхтатиб қўяди.

**Интроекция** – «бутунича ютмоқ»,— яъни одамлар томонидан бегона меъёрлар, установкалар, ҳаракат услублари ва тафаккур тарзини ўзлаштириш механизми. Мазкур механизмда ўзлаштириб олинган қадриятлар «ҳазм»и оғир бўлади ёки умуман сингмайди.



Интроекцияга дучор бўлган одамлар ўзларида аслида ҳис қилаётган нарса билан ўзгалар уларни ҳис қилишга ундаётган нарсалар ўртасидаги чегарани кўрмайдилар. Бошқача қилиб айтилса, ўзгалар ҳис қилаётган нарсаларни ўзлари ҳис қилаётгандай кечиради. Улар «ютиб юборган» концепциялар

ёки установкалар ўзаро номувофиқ эканлиги боис интроекцияга мубтало бўлган одамлар ички зиддиятларни ҳис этишади.

Аслини олганда, соғлом интроекциясиз, одатда кечинмалар ассимиляцияси (“ҳазми”) рўй берадиган на таълим, на тарбия амалга ошиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бизга болаликда: “Буни қил ёки буни қилма” – қабилидаги гапларни айтишади, - ва бола бу гапларга итоат этган ҳолда катталарнинг буйруқларини ўз хоҳиши сингари ички оламига жо қиласди. Кейинчалар, тақрорланавергач мазкур вазият инсонни: “Ҳаётда буни қилиш жоиз, буни қилиш эса ножоиз” – каби англанилмайдиган тажриба билан таъминлайди. Шундай қилиб, ўзганинг тажрибаси хусусий хоҳишлар ўрнини эгаллай бошлайди, баъзан шунчалар даражадаки, инсон улғаяр экан идентификация ва рад этиш қобилиятини ҳам йўқотади.

Интроекция қилувчи ўзи хоҳлаган эмас, бошқалар уни қилдиришни истаган нарсаларни қиласди. Уларни сұхбат давомидаги “шарт” ва “мажбур” деган сўзлар мавжуд, шиорларга айланган гапларидан, шунингдек, «биз» назарда тутилган пайтда «мен» олмошини қўллашидан билиб олиш мумкин. Масалан: “Мен уйланишим керак” дейди, ваҳоланки У эмас онаси унинг уйланишини истайди. Аникроқ айтадиган бўлсак, бу гап “Онам (улар, биз) уйланишимни истайди” деб уқиласди. Аслида эса унда уйланиш хоҳиши бўлмаслиги мумкин. Пировард натижада уйлангач оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги кўзга ташланади.

Интроектор-инсон хулқи икки маънолиги билан ажралиб туради: мўмин-қобил, эсли, тартибли одам ниқоби остида ажаб

тажовузкорлик ёки ўзини вайрон этувчи қудрат яширин бўлиши мумкин (Мен ўзимдан ҳам, сиздан ҳам тартибни талаб қиласман). Тушунарлироқ бўлиши учун: тўйда тансиқ таом егиси келиб ўлиб туради, бироқ “дарров қўл узатиш ярамайди” деб ҳисоблайди. Бу пайтда кимдир ундан: “Емайсизми?” - деб сўраса, “Йўқ” - деб жавоб беради. Ичиде эса шу одамдан жаҳли чиқиши мумкин. Агар ўзаро номувофиқ тасаввурлар ёки установкалар интроекция қилинган бўлса, зиддият тез пайдо бўлади.

Субъект қанчалар “тарбияланган” (тарбияланган эмас, маданийлаштирилган) бўлса, таом билан боғлиқ метафорадан фойданадиган бўлсак, унда ютилган, бироқ ҳазм қилинмаган интроектлар кўп бўлади. Алал-оқибат у сухбат давомида унга таклиф этилаётганларни чиқитсиз “еб юбораётган”, тўхтовсиз маслаҳатга муҳтож афсонавий кадаврга (лот. Cadavre – “мурда”, “жасад”; кўчма маънода “тирик мурда”) айланиб қолади. Истеъмол қилганларни ўзлаштириш лозимлигини билмайди, ўзлаштириш эса сўзнинг амалга айланиши ҳисобланади. Алоқадан хавфсираб ҳимояланиш мақсадида интроектларни суиистеъмол қилаётган одамда нафрат ҳисси йўқолади, шу жумладан, ўз ўлими олдидан ҳам. Интроектор-одам ўзи эмас, балки ўзгалар ундан истаётгандай хатти-ҳаракат қилгани боис мазкур йўналиш Э.Дюргейм “альтруистик суиқасд” деб номлаган ҳолатларда ўз ифодасини топади. Бундай суиқасд жамият ёки гуруҳ авторитети инсон мансублигини намоён қилишга тўскенилик қилаверса, ва у ўзгалар манфаати ёки бирон-бир ижтимоий, фалсафий ёки диний мафкура йўлида ўзини қурбон қилишда яққол кузатилади.

Хозирги кунда авж олган “жиҳод” мақсадида ўзини портлатиш айнан ўзини йўқ қилишнинг интроектив йўналишида тушунтирилиши мумкин.

Интроектлар босимига ўсмирлар сезгир бўлади. Бир томондан, у ўз мустақиллиги йўлида, хусусий танлови ютуқларини интуитив тарзда англаса-да, борини қурбон қилишга тайёр, иккинчи томондан, интроектларга мубталолик унга болаликдан мерос қилиб олинган. Деструктив (бузғунчи) ақидапарастлар вакиллари “онг назоратида” ундан самарали фойдаланади.

Интроекцияни аниқлашга қаратилган терапевтик ёрдам инсонда хусусий танловни амалга ошириш мумкинлиги кечин-масини пайдо қилиш, ва “Мен” билан “У” ўртасидаги тафовутни кучайтиришдан иборат. “**Сен** нима истайсан?”, “Хамма нарсани олиб ташласак қандай ҳаёт кечиришни истар эдинг?” тарзидаги саволларни бериш лозим. Хусусий “Мен”ни кучайтириш “ҳазм” қилинмаган интроверторлардан халос бўлиш имконини туғдиради. Интроверторлар нафақат маслаҳатпастлик, балки яшаб ўтган умрининг ҳам қурбонларири (ўзининг эмас, бирорвнинг ҳаётини яшаб ўтганидан пушаймонлик ҳисси). Шу билан бир пайтда уларга тоқатсизлик, хасислик ва ялқовлик хос. Тоқатсизлик маслаҳатларни зудлик билан “ютиб юборишга” мажбурлайди, ялқовлик – уринишларни тақозо этадиган меҳнатга тўсқинлик қиласди, хасислик иложи борича тез кўп нарсага эришишга ундейди.

## 2. Суициднинг проектив йўналиши.

Проекцияни қўллар экан индивид реал ўзига тааллуқли нарсани теварак мухитга хослайди. Бу механизмда биз ўз «мен»имиздан чиқаётган нарсаларга: хис-туйғулар, қарор ва х. бирорни жавобгар қилишга интиламиз. Ф.Пёрлз фикрига кўра: “**Проекция хусусий импульс ва интилишлардан воз кечиши назарда тутади, зотан, одам**



**«Мен»га тааллуқли нарсаларни унинг сарҳадидан ташқарига чиқариб юборади”**

Демакки, хусусий “Мен”имизда мавжуд маълум қисмни инкор этамиз, масалан, муҳокама қилинаётган суицид доирасида деструкция (вайрон этиш хоҳиши) ёки аутодеструкция (ўзини-ўзи халок этиш) ифодасини. Инсон ўзидағи мазкур кечинмаларни тан олмасдан мазкур жиҳатларни бирорларда қидира бошлайди. Проектив установка таъсирида у аста-секин одамлардан узоклаша бошлайди, зотан улар проектор учун совуқ, хавф-

хатар манбай сифатида идрок этилади ва натижада сиқилиш ёки депрессияни хис этади.

Кулишимни соғинди кимлар,  
Сўлишимни соғинди кимлар...  
Ёнишимни кутганлар ҳам бор,  
Синишимни соғинди кимлар...

Васваса негизида проекция механизми ётиши мумкин.

Кўплаб проекция қўринишлари (тўлдирувчи: ўзгаларга ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш имконини берадиган кечинма ва хоҳишлиарни хослаш; катартик: ўзининг салбий сифатларини бирорларга хослаш орқали енгил тортиш; аутодеструктив: ўзгаларга ўзининг вайронакор хоҳишлиарини хослаш) суицидалликни шакллантиради. Масалан:

Дўстингман деб чоҳ қаздилар, ох,  
Мен у чоҳга сиғмадим бироқ.  
Гоҳо аёл макрига учдим,  
Гоҳ кўнгилнинг оғусин ичдим...

Ушбу йўналишнинг сўнги нуқтасида Э.Дюргейм “аномия” деб номлаган ҳодиса вужудга келади. Аномияда шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар бузилишига олиб келадиган ижтимоий ўзгаришларга мослашишдаги муваффақиятсизлик оқибатида ўзини-ўзи йўқ қилиш амалга оширилади. Аномик суицидларнинг кескин ортиши айнан ижтимоий-иқтисодий инқирозлар даврида кўпайиши маълум.

Консультатив сұхбат давомида проекцияларни аниқлаш мижоз ўз кечинмаларини ва хоҳишлиарини англаш ўрнига бирорларга хослашга ҳаракат қилаётганида амалга оширилади: “Мени қадрлашмайди” (Мен учун уларнинг қадри йўқ), яъни проекция қилувчи бошқа бирорлар унинг билан қилаётгандай туюлаётганини ўзаро муносабатда амалга оширади: “Синишимни соғиндингми? – Синдираман сени”. Проекция аслида «мен» назарда тутилган пайтда «улар» олмошидан фойдаланишда намоён бўлади: “Улар ўлишимни истайдилар” (Мен улар ўлимини истайман). Сұхбат чоғида улар панд-насиҳат, ўгит беришни ёқтиради. Уларнинг шахс хусусиятларида ишонч-

сизлик, сершубҳалик, айрим ҳолларда, қаҳриқаттиқлик ифодасини топиши мумкин. Улар эътиросталаб, агрессивликни намоён қилишлари мумкин ёки суицидал вазиятда ўзини-ўзи ўлдиришнинг даҳшатли усулларини танлашга мойил бўлишади.


**3. Суициднинг ретрофлексив йўналиши.** Ретрофлексияда одам ўз фаоллигини конкрет хатти-ҳаракатнинг маълум даражасида тўхтатади. Унинг кечинмалари ёки хоҳишлари ташқарига чиқолмай ичда қолиб кетади: у ўзини ўзи сева бошлайди, ўзидан-ўзи нафратланади ёки бетўхтов ўзи билан ўзи гаплашадиган (ички сухбат) бўлиб қолади.



Объекти, ҳам субъектига айланади; улар ўз хатти-ҳаракатларининг нишони бўлади.

Бундай одам бирорларга нисбатан туюдиган агрессияни намоён қилолмайди, ўзининг ушбу кечинмаларнидан тортиниб кечинмасини ўзига қаратади. Яъни бирорга нисбатан “бир уриб пачоқлаш” истаги пайдо бўлса, ўзини-ўзи уради. Ретрофлексия тараққиёти лойиҳасида ўз жонига қасд қилиш сўнги нуқта саналади: уни изтиробга солган одамни йўқ қилолмай ўзини-ўзи йўқ қиласи. Демакки, суициднинг ретрофлексив йўналишида Карл Менningerнинг машхур триадаси (учлигининг) йўқ деганда иккитаси намоён бўлади: кимнидир ўлдириш ва ўзининг ўлиш истаги. Машхур психотерапевт Карл Витакер айтганидай:

*Retroflexion* – мазкур терминнинг асл маъноси «кескин ўгирилиш» ни англатади. Одамлар ўз энергиясини ўзини ва атрофдагиларни ўзгартиришга қаратмасдан ўзига қарши йўналтиришга интилади. Улар ўзларини парчалаб бир пайтнинг ўзида ўз хатти-ҳаракатларининг ҳам



“ўз ўлимини истовчи ёнида унинг ўлимини соғинган яқин кишиси бор”. Ретрофлексив йўналиш кўп жиҳатдан Э.Дюргеймнинг ўз жонига нисбатан эгоистик суиқасд ва Э.Шнейдман зикр этган эготик суиқасди монанд.

Эготик суиқасд деганда инсон қалбидаги унинг парчаланган қисмлари ўртасидаги, пировардда аутодеструкцияга сабаб бўладиган ички зиддият назарда тутилади (Self аннигиляцияси). Теварак муҳитда хатти-ҳаракат қилишдан қочиб ва ўзини жамият, оила ёки дўстларидан бегоналашгандай ҳис қилиб, Борлиқни ўз ички олами даражасигача сиқиб ҳеч кимдан ҳеч нима кутмас экан шахс ўзини суицидал сценарий қўйилаётган саҳнага айлантиради (“Юрак кенгликларида Раҳмон ила шайтон олишар”). Ретрофлексив суиқасдга ўзини-ўзи ҳалок қилиш режаси ва унга тайёргарлик қўриш усуллари хос.

Консультатив сухбатда ретрофлексия **рефлексия** (ўзига ва ўз хатти-ҳаракатига ташқаридан назар ташлаш) қилувчининг [sic] «мени» да ўз ифодасини топади: “Мен ўзимни айблайман”, “Мен ўзимнинг асосий душманимман”, “Мен ўзимдан нафратланаман”.

Сухбат пайтида мижоз ўзини кузатилувчи ва кузатилгувчига парчалайди ва “мазза” қилиб ўзи билан ўзи сухбат қуради, ўзига савол бериб унга ўзи жавоб беради. Терапевт билан сухбатда эса жорий вазиятдан четлашишга интилади. Л.Бинсангер, К. Роджерс ва и Р. Мэй томонидан тавсиф этилган Эллен Вестнинг машҳур аналитик вазиятини ретрофлексив суиқасдга нисбатлаш мумкин. Эллен Вест ўз кундалигига: "Ўзингни тушунмаслик — даҳшат. Мен ўз олдимда бегона одамдай турибман: мен ўзимдан ўзим ва ўз кечинмаларимдан қутуолмайман, мен улар қаршисида ҳимоясизман.... Мен саҳнада бирбирини тилка-пора қилаётган ўзаро адватдаги кучлар олдида ожиз томошибин бўлиб тургандайман”, — деб ёзади ҳамда дехқонларнинг бирига агар у уни зудлик билан отиб ташлашга розилик берса 50 000 франк беришини айтади.

Ретрофлексиядаги терапевтик ёрдам мижозни қабул қилиш, фрустрация (ҳаракатга ундов) ҳамда қўллаб-куватлаш (ҳадикни енгиб ўтиш) ўртасидаги мувозанатни сақлашни тақозо қиласди.

Диққат агрессив майллар ифода бўладиган мижознинг хатти-ҳаракатлариға қаратилиши керак. Айнан шулар мазмунига ретрофлекторлар чексиз қувват сарфлашади. Ҳар қандай элементар ҳаракат agar у англаша, теварак-муҳит билан алоқани тиклашга бўлган илк қадамга айланади. Шундан сўнг ҳаётни давом эттириш имконини берадиган қарорлар пайдо бўлади.

**Суициднинг конфлюэнт йўналиши.** Қовишув, ёки конфлюэнция гешталт-терапияда инсон томонидан шакл ва унинг билан боғлиқ қўзғолишни пайдо бўлишига тўсқинлик қилиш ҳолатига айтилади. Психик реаллик муҳитдан иборат. Бунга онаси билан бир бутундай, қовушган холда ҳаёт кечираётган гўдак мисол бўлиши мумкин. Кейинчалар муайян ижтимоий груп, аҳамиятли одам ёки бирон-бир якунланмаган кечинма (масалан, чексиз дард, ғам ва ҳ.) билан конфлюэнт муносабат ўрнатилиши мумкин.

Ушбу механизмда одамлар ўзлари ва ўз теварагидаги одамлар ўртасида чегарани сезмайдилар.

Конфлуэнция соғлом муносабатга киришиш ва уни тўхтатиш имкониятидан маҳрум қиласди, зотан муносабат ўрнатиш ва уни тўхтатиш бошқа одамни бошқа одамдай адекват идрок этиш қобилиятини тақозо этади.

Конфлюэнт суицидентлар билан амалиёт тажрибаси улар конфлюэнцияси кучли энергетик қувватланган ҳолат эканини кўрсатди. Индивид фаоллиги, Self энергияси ҳаддан зиёд бўлгани боис катта хавф-хатар манбаига айланади. Одам ҳаракатга ва ўзига нисбатан наинки чегарани ёпади ва бирон-бир нарсани ҳис қилолмайди, у ўзига тааллуқли ҳаракатланиш зарурлиги ҳиссидан қочади, балки ўз шахсини умумий “Биз” ҳолатига сингиб кетади, ўз менлигини йўқотади. Масалан, она ўғлини уйлантироқчи бўлиб қиз суриштириб келганда: “Биз уйланмоқчимиз” дейди. “Сиз уйланмоқчимисиз ёки ўғлингиз? Ўзи қайда? Нима учун ўзи қидирмаяпти?”- деган саволга: “Унга барибир. Сизга ёқса бўлди дейди. Унинг қиз қидириб юргани вақти йўқ. Эрта-ю кеч ишдан бўшамайди”.



Конфлюэнцияни консультатив сұхбат жараёнида фарқлаш мижознинг шахссиз (“Қандайдир зерикарли”) ёки “Биз” олмошидан иборат гапларни (“Бизнинг кучимиз етарли”) қўллашидан билинади. Айрим ҳолларда, учинчи шахс томонидан гапиришни маъқул қўришади

(“Одамлар ўзи ғалати бўлиб қолган”). “Конфлюэнт” мижоз рўй берадиган ҳодиса моҳиятини тушунмасдан, вазиятни ойдинластиришга ҳаракат қилмасдан туриб сұхбатга киришиб кетиш орқали ҳамсуҳбати билан “бир бутунликка” айланиш имконини берадиган қовишуvgа интилади.

Конфлюент йўналиш ёшларда турли деструктив қўринишдаги гуруҳлар билан юқори даражада уйғунлашув рўй берадиган (турли секталар, диний оқимлар доирасидаги суицидлар) ёшлик давридаги суицидал хулқда катта аҳамиятга эга бўлади. Конфлюэнт суицидлар инсонни гўёки “ютиб” юборади ва унинг юкумлилиги шундаки, бир суицид “суицидал тўлқин”ни ҳосил қиласидиган кейинги суицидларга йўл очиб беради. Қовишу ҳолатида одам на ўз ҳис-туйғулари, на эҳтиёжларини англамагани боис аутоаггрессив (ўзини-ўзи йўқ қилиш, вайрон этиш) хатти-ҳаракатларга мойил бўлади.

Бундай вазиятлардаги психологик ёрдам муносабатга юмшоқлик билан, “ёпишиб олмасдан” “меники” – “менинг эмас”ни фарқлаш ва унга систематик тарзда урғу қўйиш имконини берадиган алоқадан фойдаланишдан иборат. Ҳамсуҳбат фақат ва фақат унга тегишли ҳис-туйғулар ва эҳтиёжлар борлигини ва уларнинг мавжудлиги албатта унинг учун аҳамиятли саналган шахслардан узилиш хавфи билан боғлиқ бўлмаслигини англаши мухим. “Айни дамда нимани ҳис қиляпсиз?”, “Сиз айни дамда нимани истайсиз?” каби саволлар одам диққатини ўзига қаратишга ундейди. Кейинги иш унинг эҳтиёжлари ва хоҳишлири билан олиб борилади. Бу конфлюэнцияга асосланган

ўзаро муносабатларни қайта кўриб чиқишига илк қадам саналади. Ўз мақсадларини англаш муаммоли вазиятларни ҳал қилишда шахсий эркинликка эришиш йўли ибтидосидир.

Суицидал хулқнинг гешталт-ёндашувига асосланган типологияни қўллаш аутоаггрессив мойилликлар билан боғлиқ инқизорзли ҳолатлар психологик консультацияси ва психотерапиясининг замонавий самарали стратегиясидир.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Перлз Фриц. Гешталт- Подход и Свидетель терапиии. - М.: Либрис,1996.-240 с.
2. Робин Жан-Мари. Гешталт- терапия.- М.: Эйдос,1996.- 64 с.
3. Дюргейм Э. Самоубийство: социологический этюд.- М.: Мысль,1994.-399с.
4. Суицид: Хрестоматия по суицидологии. Сост. А. Моховиков.- ев: А.Л.Д.,1996.-216 с.
5. On The Nature of Suicide. Ed. by E.S. Shneidman.-San Francisco - Washington-London: Jossey-Bass Inc., Publ., 1973.- p.1-30.
6. Канетти Э. Ослепление.- СПб.: Северо-Запад,1995.-576 с.

## СУИЦИДАЛ ХУЛҚ ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ



## КУЗАТУВ КУНДАЛИГИ

**1. Қайси ўқув фанларини маъқул кўради (учта фандан ортмаслиги лозим):** \_\_\_\_\_

**2. Меҳнат (ўқув) фаолиятидаги ўзлаштириш муваффақияти (остига чизинг):**

юқори (баҳо 4 - 5),

ўрта (баҳо 3 - 4),

паст (баҳо 2 - 3).

**3. Ўқув (меҳнат) фаолиятидан бўш пайтидаги қизиқишилари:**

Тўгараклардаги машғулотлари: \_\_\_\_\_

Курслардаги иштироки (кўрсатинг): \_\_\_\_\_

Спорт билан шуғулланиши (тури, спорт разряди)

бошқалар (кўрсатинг) \_\_\_\_\_

**4. Қандай олимпиада, мусобақалар ва конкурсларда иштирок этган? Иштирок натижалари (кўрсатинг)** \_\_\_\_\_

**5. Ўқув (меҳнат) фаолиятига муносабати (остига чизинг):**

Виждонан ёндашади \_\_\_\_\_ қўл учида;

Ташаббускор \_\_\_\_\_ ташаббусиз.

**6. Касаллик сабаб ўз иш жойида (ўқишда) давомий ёки сурункали бўлмаслиги (остига чизинг):** ха, йўқ \_\_\_\_\_

**7. Ўқув (меҳнат) жамоаси доирасидаги хулқ-атвор хусусиятлари:**

Кўпчиликдан ажралиб турари (остига чизинг) - ха, йўқ;

**Агар ажралиб турса – нимаси билан (остига чизинг):**

**Ўқиш (меҳнатга) муносабати билан:**

актив \_\_\_\_\_ пассив;

**Ўқув (мехнат)га интизоми билан:**

Ҳаддан ортиқ интизомсиз \_\_\_\_\_ ҳаддан ортиқ интизомли;

**Жамоадаги хулқи билан:**

мулоқотчан \_\_\_\_\_ ўзи билан ўзи банд;

бошқа нарсаси билан (қўрсатинг) \_\_\_\_\_

**8. Ўқув (мехнат) жамоасидаги иштироки (остига чизинг):**

Актив иштирок этади (организатор),

Бажарувчи сифатида иштирок этади,

Иштирокдан қочади,

Иштирокни рад этади.

**9. Ўқув (мехнат) жамоасида тутган ўрни (остига чизинг):**

лидер,

норасмий лидер,

тобе аъзоси,

жамоадан четга чиқарилган,

индивидуалист.

**10. Қобилиятларининг мавжудлиги (остига чизинг):**

математик,

техник,

мусиқий,

бадиий,

бошқа (қўрсатинг) \_\_\_\_\_

**11. Раҳбарият эътиrozлари ва танқидига муносабати (остига чизинг):**

Качиликларни бартараф этишга ҳаракат қиласди

Эътиrozларни эътиборга олмайди;

**Эмоционал реакциялари:**

агрессия,

хафа бўлиш,

хотиржам,

лоқайд,

депрессия.

**12. Шахснинг энг ўзига хос жиҳатлари (санаб ўтинг) \_\_\_\_\_**

**13. Алкогол ва наркотикларга муносабати:**

**алкогол (остига чизинг):**

истеъмол қилмайди,

камдан-кам истеъмол қилади,

кўп истеъмол қилади;

**сигареталар (остига чизинг):**

чекмайди,

оз миқдорда чекади,

кўп чекади.

**14. Касбий фаолиятга майиллиги (қайси касбга майиллигини кўрсатинг) \_\_\_\_\_**

## Анкетани тўлдириш бўйича тушунтиришлар:

### Анкета саволларига жавоблар максимал даражада объектив бўлиши жоиз.

Жавобларнинг қисқа варианtlари мавжуд пунктларда ушбу пунктлардаги саволларга жавоб беришдан аввал жавобнинг керакли вариантини танлаб белгилаш учун саволлар мазмунига ўта диққатли бўлмоқ лозим. Зарурий ҳолларда қўшимча маълумотларни келтириш мумкин (агар улар бўлса). Ўқувчи (талаба)нинг шахсан ўзи томонидан тўлдирилиши қатъиян таъқиқланади.

**1-пунктда:** 1тадан – 3тагача ўқувчи (талаба)да яққол қизиқиши кузатиладиган ўқув фанлари кўрсатилади.

**2-пунктда:** асосий ўқув предметлар ва меҳнат фаолиятидаги ўзлаштириш даражаси белгиланади. Агар у “аъло” ва “яхши” баҳолар билан белгиланса унда “юқори” жавобга белги қўйилади, агар “яхши” ва “қониқарли” баҳоланса унда “ўрта” жавоби белгиланади, агар “қониқарли” ва “қониқарсиз” баҳоланса унда “паст” жавоби белгиланади.

**3-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг қизиқишилари тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Ўқувчи (талаба) шуғулланган ёки шуғуланаётган факультатив, спорт секциялари номи ёзилиши шарт.

**4-пунктда:** ўқувчи (талаба) иштирок этган олимпиадалар, конкурслар, ҳарбий-спорт мусобақалари, ушбу тадбирлар даражалари (ҳарбий қисм, округ ва х.), шунингдек, мазкур тадбирлардаги иштирок натижалари (индивидуал ёки команда билан олган ўрни, рекорд) киритилади.

**5-пунктда:** ўқув (ишлаб чиқариш) вазифаларини бажаришга муносабати ва ушбу вазифаларни бажариш чоғидаги ташаббуси белгиланади. Хос характеристика берилади (виждонан ёки қўл учida, ташаббускор ёки ташабbus намоён қилмайди) ва остига чизилади.

Агар алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлса (масалан, айрим конкрет вазифаларга салбий муносабат ва х.) – уларни акс эттириш лозим.

**6-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг соғлиқ-саломатлиги, иш жойида саломатлик юзасидан бўлмаслиги ифодасини топади. Айрим ҳолларда ёки муттасил иш жойида бўлмаса “ҳа” белгиланади. Агар алоҳида жиҳатлар мавжуд бўлмаса (касаллик, иш қолдириш кузатилмаган бўлса) уни ҳам ифода этиш.

**7-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг ўқув (мехнат) жамоасидаги хулқ-атвор хусусиятлари кўрсатиб ўтилади (у бошқалардан нимаси билан ажралиб туриши). Агар ажралиб турадиган жиҳати бўлса нима билан ажралиб туришини ифодалаш жоиз. Агар ҳеч бир жиҳати билан ажралиб турмас, ўртача бўлса “йўқ” жавобини белгилаш лозим.

**8-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг ўқув (мехнат) жамоаси ҳаётидаги иштирок хусусиятлари (фаол иштирок этади ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён қиласи, иштирокчи сифатида қатнашади, иштирок этишдан қочади, иштиёқ билдирамайди, жамоавий вазифаларни бажаришдан бўйин товлади).

**9-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг ўқув (мехнат) жамоасида эгаллаган мавқе: лидер – норасмий етакчи, юқори нуфузга эга; норасмий етакчи – нуфузга ва таъсир кучига эга, норасмий гурӯҳни бошқаради; колективда тобъеликни намоён қиласи – етакчи берган вазифаларни бажаради, қарорларни қабул қиласи; коллективдан ажралган – жамоага нафи тегишини истайди, бироқ изоляцияда, жамоа томонидан қабул қилинмаган; индивидуалист – коллективга бўйинсунмайди, ўзи билганича ҳаракат қиласи).

**10-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг ўқув (мехнат) фаолиятида намоён этган маҳсус қобилиятлари ўз ифодасини топиши керак (математик, мусиқий, техник, бадиий ва х.)

**11-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг раҳбарият ёки “катталар”нинг эътиrozларига реакцияси акс эттирилади. Ўқувчи (талаба) эътиrozларга нисбатан нималарни қилишга тиришаётгани ҳам акс этиши лозим. Ўқувчи (талаба)нинг эътиrozларга нисбатан эмоционал реакцияларининг хусусиятлари ҳам белгиланиши лозим.

**12-пунктда:** шахснинг энг қўзга ташланадиган хусусиятлари ўз ифодасини топади, масалан,  
хотиржам - жиззаки; ўзига ишонади - ишончсиз;  
эгоистик - альтруист, иродали - иродасиз;  
оптимист - пессимист; меҳнаткаш – ялқовликка мойил;  
жанжалкаш – муросага киришга интилади;  
ўзини-ўзи бошқара олади (тартибли) – тартибсиз ва ҳ.

**13-пунктда** қай йўл билан бўлса ҳам қайд этилган алкогол истеъмол қилганлиги, ўқув (меҳнат) фаолияти давомида сигарет чекканлиги ифодасини топади..

**14-пунктда:** ўқувчи (талаба)нинг маълум касбий фаолиятга мойиллиги, меҳнатнинг у ёқтирган кўринишлари, касбий қизиқишиларининг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг бекарорлиги белгиланади.

**Болалар ва ўсмирлардаги суицидга мойиллик хавфини  
аниқлашга кўмак берувчи прогностик жадвал  
(А.Н. Волкова)**

№	Муаммо	балл
1	Чин етимлик (ҳам ота, ҳам онадан айрилганлик)	5
2	Ота-онасидан бирининг йўқлиги ёки оилавий ажрим	4
3	Оиладаги оғир психологик мухит	4
4	Болалар колективидан ажралиб қолиш (изоляция)	4
5	Адолатсиз тарбия усуллари, болани эзиш	4
6	Оғир соматик касалликлар, инвалидлик (ногиронлик)	3
7	Мехр бера оладиган, суюнч бўла оладиган кимсанинг (ёши каттароқ) мавжуд эмаслиги	3
8	Ўқишдаги муваффақиятсизликлар, ўзлаштириш пастлиги	3
9	Шахс акцентуацияси (хулқдаги айрим меъёрдан оғишга яқин хусусиятлар)	3
10	Алкоголь ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш	2
11	Ўзини-ўзи идора қила олмаслик, импульсивлик	2
12	Ўзига берган баҳосининг пастлиги	1
13	Балоғатга этиш жараёнини мураккаб кечиши	1
14	Сустлик, тортинчоқлик, мустақиллигининг йўқлиги	1

25 дан ортиқ балл тўплаганлар суицид хавфи мавжуд гурӯҳ ҳисобига олиниши лозим.

## “СУИЦИД ХАВФИ ХАРИТАСИ”

(Л.Б. Шнейдер томонидан ўсмир ва ўспиринлар  
учун модификация қилинган)

Мақсад: ўсмир ва ўспиринларда суицидга мойиллик хавфи-ни оширувчи омилларнинг намоён бўлиш даражасини аниқлаш.

“Хавф харитаси” ёрдамида ўз жонига қасд қилишга мойиллик аниқланар экан, ўсмир ёки ўспирин ҳамиша сизнинг дикқат марказингизда бўлиши керак, унинг кайфияти ва хулқидаги арзимас саналган ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим. Агар якуний баллар йифиндиси аҳамиятли қийматдан ошиб кетса ёки хулқий аломатлар шиддатли тарзда намоён бўла бошласа психолог ёки врач-психиатрга малакали ёрдам сўраб мурожаат этилиши керак.

Хавф омили	На- моён этма- ган	Суст на- моён эт- ган	Кучли намо- ён бўл- моқда
<b>I. Биографик маълумотлар</b>			
1. Илгари суицид ҳаракати қайд этилган	– 0,5	+2	+3
2. Қариндошлар орасида суицидал уринишлар рўй берган	– 0,5	+1	+2
3. Ота-она ажрими ёки уларнинг бирини ўлими	– 0,5	+1	+2
4. Оиласда илиқлик етишмайди	– 0,5	+1	+2
5. Тўлиқ ёки қисман назоратсизлик	– 0,5	+0,5	+1
<b>II. Жорий зиддиятли вазият</b>			
<b>A- зиддият кўриниши</b>			
1. Ўзидан катталар билан зиддият (педагог, ота-онасининг бири билан)	– 0,5	+0,5	+1

2. Тенгдошлари билан зиддият, гурух томонидан рад этилиш	- 0,5	+0,5	+1
3. Яқинлари, дўстлари билан давомий зиддият	- 0,5	+0,5	+1
4. Ички зиддият (ўзи билан ўзининг кураши, юқори ички таранглик)	- 0,5	+0,5	+1

**Б- зиддиятли вазиятдаги хулқи:**

5. Ўз жонига қасд қилиш тўғрисидаги гап-сўзлари	- 0,5	+2	+3
---	-------	----	----

**В- зиддиятли вазият кўриниши**

6. Бундай зиддиятлар илгари ҳам кузатилган	- 0,5	+0,5	+1
7. Зиддият бошқа ҳаётий соҳалардаги ноҳушликлар билан мураккаблашган (ўқув, саломатлик, рад этилган мұхаббат)	- 0,5	+0,5	+1
8. Зиддиятли вазият якунининг ноаниклиги, унинг оқибларини кутиш	- 0,5	+0,5	+1

**Г- зиддиятли вазиятнинг эмоционал туси**

9. Аламзадалиқ, ўзига-ўзининг раҳми келиши	- 0,5	+1	+2
10. Чарчоқ, ожизлик, лоқайдлик ҳисси	- 0,5	+1	+2
11. Зиддиятли вазиятни бартараф этиб бўлмаслик, чорасизлик ҳисси	- 0,5	+0,5	+2

**III. Шахс хусусиятлари**

**А- шахснинг иродавий соҳаси**

1. Мустақиллик, қарор қабул қилиш эркинлиги	- 1	+0,5	+1
2. Журъатлилиқ	- 0,5	+0,5	+1
3. Қатъийлик	- 0,5	+0,5	+1
4. Мақсадига эришиш шиддатининг кучлилиги	-1	+0,5	+1

<b>Б- шахснинг эмоционал соҳаси</b>				
5. Кўнгли нозиклик, ўзини ҳаддан ортиқ севиши	<b>-0.5</b>	<b>+0.5</b>	<b>+2</b>	
6. Соддалик (ишонувчанлик)	<b>-0.5</b>	<b>+0.5</b>	<b>+1</b>	
7. Ўз кечинмалари билан ўралашиб қолганлик, дикқатини бошқа нарсаларга кўчиролмаслик	<b>-0.5</b>	<b>+1</b>	<b>+2</b>	
8. Импульсивлик	<b>-0.5</b>	<b>+0.5</b>	<b>+2</b>	
9. Эмоционал бекарорлик	<b>-0.5</b>	<b>+2</b>	<b>+3</b>	
10. Яқин эмоционал муносабатларга эҳтиёж кучлилиги, эмоционал тобелик	<b>-0.5</b>	<b>+0.5</b>	<b>+2</b>	
11. Ҳимоя механизмларини яратиш лаёқати пастлиги	<b>-0.5</b>	<b>+0.5</b>	<b>+1.5</b>	
12. Келишувларга тоқатсизлик	<b>-0.5</b>	<b>+0.5</b>	<b>+1.5</b>	

Ўсмир ва ўспириналарда суицидга мойиллик хавфини оширувчи омилларнинг намоён бўлиш даражасини аниқлаш учун олинган барча баллар жамланади ва қуидаги шкалага мувофиқ қиёсланади:

- 9 балдан паст — суицид хавфи кучли эмас;
- 9–15,5 балл оралиғи — суицид хавфи мавжуд;
- 15,5 баллдан юқори — суицид хавфи юқори.

## “ОДАМЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРНИ АНИҚЛАШ” МЕТОДИКАСИ (КУК-МЕДЛЕЙ ШКАЛАСИ)

Кук-Медлейнинг “Одамларга бўлган муносабатларни аниқлаш” шкаласи талабаларнинг одамларга бўлган муносабатлари: агрессив, худбинона, ғайр шаклларини диагностика қилиш имкониятларини беради.

**Кўрсатма: таъкидларни диққат билан ўқинг ва ўзингиз маъқул билган жавобни беринг:**

- 6 – одатда,
- 5 – қисман,
- 4 – баъзан,
- 3 – тасодифан,
- 2 – мендан-кам ҳолатларда,
- 1 – ҳеч қачон.

№	Таъкидлар	Ха/йўқ
1	Мен ўзини ҳамма нарсани биладигандай қилиб кўрсатадиган, аслида бир тийинга қиммат одамларга кўп дуч келаман	
2	Мен кўпинча мендан камроқ нарсаларни биладиган одамларнинг буйруқларини бажаришга мажбур бўламан	
3	Кўплаб одамларни ахлоқсиз хулқ атворда айблаш мумкин	
4	Аксарият одамлар кўмак ва ҳамдардлик олиш мақсадида ўз омадсизликлари оқибатларини бўрттириб юборадилар	
5	Вақти вақти билан асабимга тегиб менга ҳурматсиз муносабатда бўлган одамларга қўполлик қилишга мажбур бўлганман	
6	Аксарият одамлар дўстдан наф келиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда дўст орттиришга интиладилар	

7	Кўпинча ўз ҳақлигингни исботлаш учун катта шижаат кўрсатишинг лозим	
8	Одамлар кўп маротаба менинг хафсаламни пир қилғанлар	
9	Одатда, одамлар ўzlари ўзгаларнинг ҳуқуқларини унчалар ҳам ҳурмат қилмасдан туриб иззатталаблик қиласидилар	
10	Одамларнинг кўпчилиги қўлга тушишдан қўрқани учунгина қонунни бузмайдилар	
11	Эҳтимоли манфаатни қўлдан бой бермаслик учун одамлар ҳалол бўлмаган усуслардан фойдаланадилар	
12	Менингча, одамлар мақсадига эришиш учун ёлғондан фойдаланадилар	
13	Менга шунчалар ёқимсиз одамлар борки, улар омадсизликка учраганда беихтиёр хурсанд бўлиб кетаман	
14	Рақибимдан ўзиб кетиш учун ўз қарашларимдан чекинишим мумкин	
15	Одамлар менга нисбатан ёмон муносабат билдирысалар мен ҳам уларга шундай муносабатда бўламан	
16	Ўз фикримни жон-жаҳдим билан ҳимоя қиласман	
17	Оиламнинг айрим аъзолар менинг ғашимни келтирадиган одатларга эгадирлар	
18	Ўзгалар фикрига қўшилишим жуда қийин	
19	Одам билан бўладиган нохуш нарсалар атрофидагиларнинг ҳеч қайсиисини безовта қилмайди	
20	Ҳеч кимга ишонмаслик хавфсизлик гаровидир	
21	Ножӯя хатти-ҳарактларни амалга ошираётган одамлар билан дўстона муносабатда бўла оламан	
22	Аксарияти одамлар бирорларга ёрдам бериш зарурияти туғиладиган вазиятлардан қочишга интиладилар	

23	Үзлаштириш мүмкін бўлган нарсаларни бемалол үзлаштираётган одамларни айблаш ножоиздир	
24	Ўзларидан фойдаланишга имкон туғдирадиган одамлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётган кимсани айбламайман	
25	Мени ўз ишимдан чалғитсалар ғашим келади	
26	Жиноятчини ўз қилмишига мувофиқ жазоласалар менга ёқсан бўларди	
27	Ўзга одамлар тўғрисидаги ёмон фикримни беркитишга уринмайман	

## Натижаларни қайта ишлаш ва унинг интерпретацияси

### Калит

Худбинлик шкаласи: 1, 2, 3, 4, 6, 7, 9, 10, 11, 12, 19, 20, 22.

Агрессивлик шкаласи: 5, 14, 15, 16, 21, 23, 24, 26, 27.

Душманона (ғайр) муносабат шкаласи: 8, 13, 17, 18, 25.

Худбинлик шкаласи интерпретацияси:

65 балл ва ундан юқори – юқори кўрсаткич;

40-65 балл – кўтарилишга мойил ўртacha қиймат;

25-40 балл – пасайишга мойил ўртacha қиймат;

25 балл ва ундан қуи – паст кўрсаткич.

Агрессивлик шкаласи интерпретацияси:

45 балл ва ундан юқори – юқори кўрсаткич;

30-45 балл – кўтарилишга мойил ўртacha қиймат;

15-30 балл – пасайишга мойил ўртача қиймат;

15 балл ва ундан қуи – паст кўрсаткич.

Душманона муносабат шкаласи интерпретацияси:

25 балл ва ундан юқори – юқори кўрсаткич;

18-25 баллов – қўтарилишга мойил ўртача қиймат;

10-18 баллов – пасайишга мойил ўртача қиймат;

10 балл ва ундан қуи – паст кўрсаткич.

## ШАХСНИНГ НУТҚИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

### Нутқ психосемантикаси

*Нутқнинг семантик (мазмуний) жиҳатини* таҳлили мижознинг ўтмиши (анамнез), шикоят ва кечинмалари, оиласи ва бошқа одамлар билан бўлган муносабатлари тўғрисида айтиб берган ҳикояларини ўрганишни тақозо қиласди.

Зикр этилган маълумотлар психологларга яхши маълум бўлган стандартлаштирилган маҳсус сўровномалар, глоссарийлар ёрдамида олинади.

Алоҳида эътиборни оғриқли кечинмалар субъектив семантикаси – мижознинг нафақат ўзлигини англаш тузилмаси, балки унинг олам билан бўлган муносабатлари тизимида вужудга келадиган - индивидуал мазмуннинг ўзгаришларига қаратиш лозим. Субъектив семантикани лексик-семантик категориялар бўлган: мижознинг воқеликка нисбатан эмоционал ва прагматик муносабатини ифодаловчи муайян сўзлар танловига, нутқидаги лексик-семантик гурӯҳлар (нутқ бўлаклари: от, сифат, феъл) устуворлигига кўра баҳоласа бўлади.

Нутқнинг психосемантик таҳлили алеситимия феномени – беморларнинг ўзига хос коммуникатив услуби (оғриқли кечинмалар ва туйғуларини вербал ифодалаш қийинлиги)ни кашф этиш имконини беради. Алеситимия невротик, соматоформ, шахсга доир бузилишлар (шизоид, шизотипик, тобъелик)да кузатилади.

Нутқ тафаккур жараёнларини акс эттиришини инобатга оладиган бўлсақ, унинг тадқиқ этилиши ҳам формал, ҳам тафаккур бузилишлари, турли афазияларни тавсифлаш имконини беради.

### Нутқ паралингвистикаси

*Паралингвистика* муайян семантик юклама – экстралингвистик ахборотни – ўзида ташувчи ахборот алмашинишда иштирок этадиган нутқий коммуникациянинг новербал (просодик) омилларини ўрганади.

Психолог мижоз билан ўтказадиган мулоқотининг илк дақиқаларидан тадқиқ этилувчининг ижтимоий-психологик жиҳатлари: ёш, жинс, ижтимоий мавқе, диалект, акцент; маконий жиҳатлари (сўзловчининг тингловчига нисбатан жойлашуви); тиббий – ҳам жисмоний, ҳам психик саломатлиги, нутқий тизими (фониатрик аспект)ни баҳолаш имкониятини беради.

Кейинчалар алоҳида олинган паралингвистик жиҳатлар узвийликда кўздан кечирилади, зотан нутқнинг просодик хусусиятлари динамикасининг умумий манзараси диагностик мулоҳазаларни шакллантириш имконини беради.

### **Нутқ темпи**

Психик жараёнларнинг кечиш тезлигини белгилайди ва вақт бирлигига зикр этилган сўзлар миқдори билан аниқланади (1 дақ.). Нутқнинг нормал темпи кўплаб психик соғлом шахсларни ўрганиш натижасида қабул қилинган ва дақиқасига 60—100 сўзни ташкил қиласди.

— нутқ темпининг бироз тезлашуви: 100—120 сўз/дақ. — кўзғолишиларнинг турли кўринишларида, аффектив тўйинган кечинмалар, гипомания, ароқхўрликнинг турли босқичлари, заҳарланишлар, хавотирлилик билан боғлик бузилишларда;

— нутқ темпининг сезиларли тезлашувида: *дақиқасига 120 сўздан кўпроқ* — юкорида зикр этилган бузилишларда, маниакал ҳолатларда (*fuga idearum*), ажитация, ваҳималарда кузатилади;

— бироз секинлашув: *дақиқасига 40—60 сўз* — астения, иродавий бузилишлар, субдепрессия, психотик кечинмалар диссимуляцияси, бош миянинг органик жароҳатлари, ақли заифликда кузатилади;

— нутқнинг сезиларли секинлашувида: *дақиқасига 40 сўз* — депрессив бузилишлар, психопатологик кечинмаларга чўмганик, субступор, ақли заифлик, онгнинг сифатий бузилишлари, апатаобулик бузилишларда кузатилади;

— *мутизм* — турли бузилишларда нутқнинг буткул йўқолиши.

### **Асосий оҳанг — нутқ баландлиги**

*Нутқ баландлиги* — ҳам субъектив, ҳам инструментал аниқланадиган нутқ товушларининг жисмоний куч жиҳатидан

белгиланувчи тафовутларнинг идрок этилиши. Нормал баландлик сифатида 50—80 дБ (фон шовқини 10 дБ бўлганда) қабул қилинган.

— меъёрий ошиш — 80—90 дБ — ҳаяжон, гипомания, аффектив жиҳатдан аҳамиятли кечинмалар, ширакайфликда кузатилади;

— сезиларли баландлашув — 90—110 дБ — турли кўринишлардаги кучли ҳаяжон, маниакал ҳолатлар, ажитацияда;

— қичқириқ — 110 дБ дан юқори — юқорида зикр этилганлар;

— меъёрий пасайиш — 40—50 дБ — астения, апатаобулия, субдепрессия, обсессив бузилишларда;

— сезиларли пасайиш — 20—40 дБ — депрессив бузилишлар, оғриқли кечинмаларга чўмиш, оғир астения, субступор;

— шивирлаш — 20 дБ паст — чуқур депрессия, истероформ хулқ-атвор, шизофрениядаги ғалатилик, власвасалар.

Шунингдек, асосий овоз оҳангининг ўзгариш жиҳатлари (секин, кескин) ҳам инобатга олиниши лозим, бу ҳолатлар эмоционал назорат даражаси (конверсион бузилишлар, хавотир, неврозлар), кечинмалар стениклиги, шахс хусусиятлари, психик жараёнлар шиддати, астенизация ва сухбат пайтидаги диққат ҳамда иродавий соҳадаги бузилишлар даражасини аниқлаш имконини беради.

## Нутқнинг психолингвистик жиҳатини тадқиқ этиш

*Психолингвистик диагностика* — психопатологик симптоматика хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда нутқий ифодаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва кўринишини ўрганишдир. Тил грамматикасида таъкидлар уюшувининг икки даражаси тилнинг юзаки ва чуқур грамматик тузилмалари фарқланади. Умумлашган чуқур синтаксик тузилмалар кўп бўлмаган қоидалардан иборат бўлиб барча тиллар учун универсал кўринишга эга қонуниятларга бўйсунади.

*Психолингвистик коэффициентлар:* Трейгер коэффициенти (КТ), ҳаракатнинг предметлашганлиги коэффициентлари (ҲПК) ва директивлик коэффициенти (КД).

**КТ** — бу матн бирлигига берилган феъллар миқдорининг сифатлар миқдорига нисбатини белгилайди. Унинг қиймати барқарор бўлмасдан айни субъектнинг айни пайтдаги амалий ҳаракат ва фаолликка, рефлексия ва пассивликка тайёрлигига ишора қиласди. КТ эмоционал барқарорлик даражаси ва эмоционал регуляциянинг кўриниши билан боғлиқ. КТ меъёрда 1га яқин бўлади. Унинг кўпайиши бош миядаги органик бузилишларда, власвасаларда, аффектив ҳолатларда, обсессив-фобик бузилишларда, стеник кўринишдаги кечинмалар мавжудлигига кузатилади ва актив ҳаракатларга мойил одамларга хос бўлади. Алекситимия белгиси саналади. КТ пасайиши дефицитар психопатологик симптоматикада, диссоциатив бузилишларда, соматизациялашган патология, астенияда кўзга ташланади; шахсдаги журъатсизлик, тобъелик, серхавотирлилик каби хусусиятларга ишора қиласди.

**ҲПК** — бу матн бирлигига берилган феъллар миқдорининг отлар миқдорига нисбатини белгилаб, унинг даражаси таъкиднинг синтаксик тугаллиги, ижтимоийлашганлигини ифода этади. ҲПК КТ сингари таҳлил этилади. Шуни алоҳида зикр этишимиз лозим-ки, ҲПК баландлашуви нутқнинг регрессив кўринишига ишора этади. Бош миянинг микроорганик жароҳатларида, шизофрения клиникасидаги дефицитар бузилишларда, онгнинг сифатий ва миқдорий бузилишлари диагностикасида катта аҳамият касб этади.

**КД**, ёки Эртелнинг прегнантлик индекси, — матн бирлигидаги умумий сўз миқдорига А-экспрессия сўзлари ва иборалари миқдорий нисбатига айтилади. А-экспрессияга қуйидаги сўз ва сўз бирикмалари тааллуклидир: «керак», «шарт», «мажбур», «ҳеч қачон бўлиши мумкин эмас», «ҳеч кимга руҳсат этилмайди», «мумкин эмас», «эътироғиз», «мутлак», «шаксиз», «бутунлай», «ҳамиша (доим)», «ҳар ерда», «ҳеч қачон», «ҳеч ким», «ҳеч нима», «шубҳасиз» ва ҳ. КД — таъкидлар негизида ётган когнитив фаоллик прегнантлигини акс эттиради, уни акс


эттирувчи аффект интенсивлиги (шиддати) билан боғлиқ, устуворлик, экспансияга мойил, журъатли ва бескомпромис шахс хусусиятларини ифодалайди. КД юқорилашуви суицидал фаоллик, ижтимоий-хавфли хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконияти кўплигини башорат қилиш имконини беради. КД баландлиги агрессивлик даражасининг юқорилиги, аффектив тўйинган ғоялар (шу жумладан, васавасалар) устуворлигига билвосита ишора қиласиди. Конкрет мижознинг семантик-грамматик хусусиятлари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш учун психолингвистик коэффициентлар, улар динамикаси комплекс баҳоланиши лозим.

Нутқнинг психолингвистик тадқиқи матн мазмунийлиги баҳоланишини ҳам тақозо қиласиди. Маълумки, матннинг синтаксик тузилмаси унинг асосий қисмлари: тема, ёки репродуктив таркиб (аввалдан маълум нарса), ва рема, янги маълумотни ташувчи продуктив қисм йифиндицидан ташкил топади. Тема-рематик нисбатни ўрганиш орқали матннинг мазмундорлигини баҳолаш имкони туғиласиди. Темаларнинг аҳамиятли даражада кўплиги тафаккурнинг формал бузилишлари (олигофазия, майдакашлик, резонёрлик, аморфлик, тафаккур емирилишининг турли босқичлари)га ишора қиласиди. Рематик конструкцияларнинг аҳамиятли устуворлиги эгоцентрик нутқда, аутистик тафаккурда, символизмда, васавасаларда кузатиласиди.

Айни вазиятда янги ва актуал ахборот рема деб номланади.

Нутқнинг қисқа фрагментини кўздан кечирсак: (1) талабалар лекция тинглаб конспект ёзмоқдалар. (2) У психолингвистика муаммоларига бағишлиланган. (3) У тил тўғрисидаги энг қизиқарли фанлар биридар.


Келтирилган матнни қўйидаги схемада акс этиш мумкин.



Матнинг бундай уюштирилуви тўғри чизиқли тематик прогрессия деб номланади. Бошқа мисол.

(1) Талабалар аудиторияда ўтиришибди. (2) Улар маъруза тинглаб конспект қилмоқдалар. (3) Ёшлар мароқ билан нутқий фаолият сир-синоатларини ўзлаштирмоқдалар.

Схематик тарзда ушбу матн қуидагича акс эттирилади.



Мазкур схематик ифода констант мавзудаги тематик прогрессия деб номланади.

тема-рематик нисбатни ўрганишда қуидагиларни эътиборга олиш лозим:

- а) ремалар қўплиги — нутқда васвасаларга доир конструкциялар қўплигига ишора қиласи;
- б) ушбу устуворлик арзимас бўлса унда у:
  - васвасанинг тизимга солинган тузилмаси,
  - тафаккурда стереотипиялар мавжудлиги (рематик конструкциялар) билан боғлиқ;
- в) тафаккурдаги узук-юлуқлик элементлари яққоллашади.

### **Нутқни тадқиқ этишининг прагматик жиҳати**

**Прагматика** белгилар тизимдан фойдаланувчи ва идрок этувчи субъектларнинг берилган тизимга муносабатини ўрганади. Прагматик тадқиқотда сўзловчининг воқеликка, ахборот мазмунига, адресатга муносабати кўздан кечирилади.

Амалий аҳамият касб этадиган муҳим прагматик категориянинг мулоқот бирлиги сифатида нутқий акт илгари сурилади. Нутқий актлар назарияси тил орқали мулоқотни мақсаддага йўнал-

тирилган ҳаракат каби кўздан кечиради, яъни жумлалар перформатив (ҳаракатни амалга оширувчи)дир. Коммуникация давомида амалга оширилаётган ҳаракатнинг идентификацияси учун нутқий акт кўриниши ва тузилмасини аниқлаш лозим.

Нутқий акт тузилмаси З таркибий қисмдан иборат:

- 1) *иллокуция* — сўзловчи мақсади;
- 2) *локуция* — тилга чиқариш, ифодалаш;
- 3) *перлокуция* — тингловчига нутқий таъсир натижаси.

Иллокутив функция қайси нутқий актлар устуворлиги билан белгиланиши мумкин? Нутқий актни, биринчи навбатда, маълум ҳаракатларга ишора қилувчи перформатив феъллар белгилайди. Нутқий актларнинг қуидаги тоифалари фарқланади:

1) *Ассертивлар*: таъкидлар, маълумотлар, қоидалар ва ҳ.

Масалан: «Мен ўзимни жуда ёмон ҳис қилган маҳал вужудимда титроқлар, қўрқув ва даҳшатли тушкунлик пайдо бўладиган пайт, тонгги бешлардир...», «...Менинг касалим жиддий руҳий жароҳатдан сўнг бошланиб мана олти йилдан бери давом этмоқда».

2) *Директивлар* — буйруқлар, илтимослар, талаблар, таъқиқлар, руҳсатлар, маслаҳатлар, саволлар ва ҳ.

Масалан: «Мени дарҳол қўйиб юборишингизни талаб қиласман!», «Менга зудлик билан ёрдам бермасангиз нима қилишни ўзим биласман».

3) *Комиссивлар* — мажбуриятлар, ваъдалар, ишонтиришлар, кафолатлар, қасамлар, таҳдидлар ва ҳ.

Масалан: «Мен шунда қайта турмуш қурмасликка қасам ичган эдим», «Ишонинг мен буларни ўйлаб топмаганман, — улар ҳақиқатда бўлган».

4) *Декларативлар* — эълонлар, ниманингдир очилиши, ёпилиши, қарорлар, тайинланишлар ва ҳ.

Масалан: «Ортиқ бундай давом этиши мумкин эмаслигини тушиунганимдан кейин психологга мурожсаат этишига қарор қилдим», «Мен сиз билан суҳбатлашишдан бош тортаман, зотан сизнинг саволларингиз қўйол ва bemazmundir».

5) *Экспрессивлар* — раҳматлар, узрлар, ҳамдардлик, табрик, мақтов, шикоятлар ва ҳ.

Масалан: «Худойим! Бу қандай күргулик!», «Эътибор ва гамхўрлигинги учун ташаккур», «Ичим оташ бўлиб куйяпти».

Локуция таъкидларнинг семантик йўғрилганлиги билан белгиланади ва лексик-семантик, просодик ва психолингвистик жиҳатларга боғлик.

Перлокуция, нутқий таъсир натижаси, қуидагилардан ташкил топади:

- 1) психолог томонидан ахборот мақсадини аниқлаш;
- 2) ахборотни идрок этиш билан боғлик мижоз коммуникациясининг етакчи мотивини аниқлаш чоғидаги тадқиқотчи томонидан ўз туйғуларини қандай баҳоланиши;
- 3) перлокутив эфектнинг (сўзловчи) кутилаётган эфектга (мижоз) мувофиқлик даражаси.

Иллокутив-перлокутив жиҳатнинг ўзаро нисбати мижоз кечинмалари моҳиятини тушунишга, индивидуаллашган терапевтик-реабилитацион дастурлар яратишга имкон яратади. Иллокутив-перлокутив нисбат номувофиқлиги симуляция, диссимуляция, мижознинг асл мотивлари ва установкаларини аниқлашда муҳим диагностик ролга эга бўлади. Шунингдек, иллокутив-перлокутив диссоциация шизофрения касалига мубтало бўлган bemорларда учрайди.

“Психолог-мижоз” коммуникациясининг прагматик таҳлили алоҳида аҳамият касб этади. Бундай пайтда дастлаб психолог томонидан мижоз нутқини модификация қилиш даражаси ва кўринишини аниқлаб олиш керак. Демакки, психологнинг ўзини коммуникатив услуби хусусиятларини инобатга олиш лозим. Психолог нутқининг ўзи имкон қадар кўпроқ ахборотга эга бўлиш, “ҳақиқатга” етишиш, эмпатик муносабатларни ўрнатиш, терапевтик ҳамкорликни йўлга қўйиш, мижоз установкаларига мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва х., каби прагматик установкалар билан белгиланади. Психологнинг прагматик установкаларидан муштарак равишда унинг нутқини просодик (нутқ оҳангি, мароми ва х.), семантик-сintаксик жиҳатлари, берадиган саволларининг кўриниши хусусиятлари келиб чиқади. Мижозга бериладиган саволлар кўриниши муҳимлилигига, уларнинг суггестивлик даражасига, ўз даврида Е. Kretschmer

(1922) эътибор қаратган. У тиббий аҳамиятга кўра саволларнинг 4 тоифасини фарқлаган: 1) суггестиядан холис; 2) муқобил; 3) пассив суггестия борлиги билан; 4) актив суггестия мавжудлиги билан.

Коммуникатив хусусиятлар таҳлили психологга мижоз билан ишончли, самимий муносабатларни ўрнатиш мушкуллашган пайтларда жиддий кўмак бўлиши мумкин. Мазкур мушкулотлар фақатгина мижозларнинг оғриқли кечинмалари билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, баъзан психологнинг етарлича сезгирлиги йўқлиги, унинг коммуникатив “репертуари” торлиги билан ҳам белгиланади. Ушбу жиҳатлар мижоз билан психотерапевтик ишларни олиб бориш давомида бирламчи аҳамият касб этади.

## Нутқни тадқиқ этишнинг синтаксик жиҳати

*Нутқнинг синтаксик таҳлили* — бу мулоҳаза (фикр) нинг синтаксик тузилиш хусусиятлари: синтаксик бирликлар, синтаксик алоқа ва муносабатларни ўрганишdir.

Синтаксик таҳлил ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ таҳлилида қўлланилиши мумкин. Бунда оғзаки нутқнинг қуйидаги синтаксик хусусиятларини эътиборга олиш муҳим:

- *конситуативлик* — маълум вазиятнинг маъносини тушуниш: контекст, визуал-ҳиссий ва хусусий-апперцептив негиз;
- *мулоҳазанинг функционал истиқболи* — энг муҳимини (рема ёки коммент) жумла бошига, тема ёки топикни жумла охирига кўчириш;
- мулоҳазани уюштиришда формал-грамматик воситалар аҳамиятини;
- паралингвистик жиҳатларнинг семантик муҳимлилиги ва функционал ўрнининг катталигини.

Нутқнинг синтаксик таҳлили матннинг ўзини яҳлитлигича ҳам унинг асосий синтаксик бирликлари бўлган – гапларни ўрганишни тақозо этади. Нутқни алоҳида олинган матн сифатида ўрганилиши қуйидагиларни аниқлашни талаб қиласди:

- унинг синтаксик жиҳатдан тўғри уюштирилганлиги, яҳлитлиги, тугаллигини;

- унинг семантик-синтаксик мувофиқлигини;
- мулоҳазанинг семантик тўлиқлигини.

Сўнг алоҳида гаплар ўрганилади:

- 1) содда гаплар:
  - а) икки бош бўлакли;
  - б) бир бош бўлакли: шахси маълум, шахси номаълум, шахсиз, инфинитив, номинатив:

- ёйиқ ва йиғиқ;
- тўлиқ ва тўлиқсиз;
- кенгайтирилган.

2) *Қўшима гап:*

- боғланган қўшма гап;
- эргашган қўшма гап;
- боғловчисиз;
- аралаш қўшма гап.

Бундан ташқари қўйидагилар аниқланади:

- *синтаксик боғловчи воситалар* (сўз шаклини ясовчи қўшимчалар (эгалик, келишик, шахс-сон, замон майл), ёрдамчи сўзлар, олмошлар ва х.);
- *синтаксик тартиб устиворлиги: одатий ва ўзгарган тартиб* (инверсия).

Юқоридаги таҳлиллар тафаккур бузилишлари, афазиянинг турли қўринишларини диагностика қилиш, нутқнинг регрессив элементларини кашф этиш имконини беради.

Юқорида зикр этилган фикрларга таянадиган бўлсак шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ёзма нутқ энг сўнгги англашган, назорат этиладиган ва ўйланиладиган қўринишга таалуклидир. Ёзма нутқ ёзувчи тўғрисида оғзаки нутқ сўзловчи тўғрисида бериши мумкин бўлган тўқис маълумотни беролмасада, бироқ шарт-шароитларни бевосита мулоқот кечадиган ҳаётий вазиятларга имкон қадар яқинлаштирилса ёзма нутқ информант тўғрисидаги психологик маълумотларни анча чуқурлаштириши мумкин. Бундай шартлардан бири дўстларга, яқин кишиларга хат ёзиш жараёни, кундаликлардаги қайдлар ва ҳ.лар киради. Ишга доир ёзишмалар бундай мақсадларга унчалар тўғри келмайди, зотан ишга доир ёзишмаларга барча фойдаланувчилар

учун бир ҳил бўлган ёзувнинг тартиб-интизоми ва қоидалари мавжуд.

Ёзма нутқнинг мазманий жиҳатлари нутқий маҳсулотларнинг анъанавий тадқиқот методлари бўлган контент-анализ ва интент-анализ ёрдамида аниқлаш мумкин. Ушбу методлар тавсиф этилаётган мавзулар кўриниши ва микдорини, уларнинг йўналганлигини, муҳокама частотасини, муаллифнинг нияти ва режаларини ифодалайди.

## Ёзма нутқ таҳлили

Мижозларнинг ёзма нутқини ўрганиш психолог учун катта ёрдам бериши мумкин. Ёзма нутқ, оғзаки нутқдан фарқли равишда, кечинмаларнинг хусусий жиҳатлари тўғрисида тўлиқ ва аниқ тасаввурларни ҳосил қилиш имконини берадиган семантик-синтаксик тугалликка эга. Мижозларнинг ёзма фаолиятини таҳлил қилиш паралингвистик жиҳатдан ташқари юқорида тилга олинган барча таҳлилларни амалга оширилишини тақозо этади. Графологик (ёзув хоссалари, ҳарфлар катта-кичиклиги, уларни ёзиш хусусиятлари, ёзув безаклари, изоҳлар, схемалар, мазманий ургулар, синтаксик воситалардан фойдаланиш, қоғозга ўтказиладиган ёзув босими, савод, ҳусниҳат, синтаксик хатолар мавжудлиги, тўғрилашлар, адашишлар, ахборот бериш услуби ва х.) таҳлилни амалга ошириш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Шизофрения касаллигига ёзма нутқдаги тематик изчилликнинг бузилиши, стереотипиялар, неологизмлар ва рамзий конструкциялар кузатилади. Органик бузилишларда матн дезорганизацияси, ҳарфлар узуқ-юлуқлиги ва бошланғич даражадан пасайиши аниқланган.

## ЭРКИН АССОЦИАТИВ ЭКСПЕРИМЕНТ

**Нутқни тадқиқ этишнинг экспериментал-психологик методлари ёрдамида шахснинг индивидуал-психологик, ижтимоий-психологик хусусиятларини диагностика қилиш мумкин.**

**Зарурий жиҳозлар:** ассоциатив экспериментни ўтказишга мўлжалланган стимул материаллар, стимул материалларни тақдим этиш учун проектор, вақтни қайд этиш учун секундомер.

**Ўтказиш тартиби:** Ассоциатив экспериментни ўтказиш учун 30-40 дона сўз-стимуллар тайёрлаб қўйилади. Экспериментатор ҳар бир сўз-стимулдан кейин 5-6 секунддан синалувчилар ўзларининг реакцияларини қайд этиши учун вақт беради. Барча стимулларга жавоб реакциялар қайд этиб бўлинганидан сўнг олинган натижалар берилган тартибда қайта ишланади.

**Синалувчиларга кўрсатма:** «Тақдим этилган стимул-сўзга жавобан миянгизга келган биринчи сўзни ёзиб қўйишингиз лозим».

### Стимул-сўзлар рўйхати

Армия	Куйламоқ	Мұхабbat
Мусика	Аччиқ	Девор
Касаллик	Эшик	Шўр
Қўл	Гул	Юрмоқ
Силлиқ	Байрам	Қуёш
Кутмоқ	Дори	Врач
Дераза	Ялтироқ	Илм
Ухламоқ	Бақирмоқ	Психолог

Стимул ва реакциялар ўртасидаги ассоциатив алоқаларни аниклаш мақсадида синалувчилар қуидаги жадвални тўлдиришади:

## Ассоциатив реакциялар матрицаси

Стимул	Мантиқий реакция		Грамматик реакция	
	Мар- казий	Пери- ферик	Синтаг- матик	Парадиг- матик
1				
2				
3				
4				
5				
6				
...				
<b>30</b>				
<b>Жами,</b> <b>%</b>				

Ассоциатив экспериментни ўтказгандан сўнг стимул-реакция жуфтликлари икки категория: мантиқий ва грамматик реакцияларга кўра қиёсланади. Мантиқий реакциялар, ўз навбатида, марказий ва периферик, грамматик реакциялар эса – синтагматик ва парадигматик гурухларга ажралиб кетади.

Мантиқий реакциялар – бу стимуллар ва реакциялар ўртасидаги мазмуний алоқалар мавжуд реакциялардир. Периферик ассоциатив реакциялар кўпайиши тилни яхши билмаслик тўғрисида далолат беради, динамик бузилишлар – тормозлашганлик, тафаккурий жараёнлардаги айрим жузъий нуқсонларга ишора қиласди. Балоғат ёшидаги инсонлар учун марказий ассоциатив реакциялар тақдим этилган стимулларнинг умумий миқдорининг 65% дан кам бўлмаслиги лозим.

Грамматик ассоциациялар икки гурухга ажратилади: парадигматик ва синтагматик.

Парадигматик ассоциацияларга стимул-сўзлар тааллуқли грамматик синфга мансуб реакция-сўзлар киритилади (масалан, ота-она, стол-стул, борди-келди ва х.). Парадигматик

ассоциациялар, Мак-Нейл томонидан тавсифланган “минимал контраст” тамойилига бўйсунади. Ушбу тамойилга кўра стимул-сўзлар семантик компонентлар таркиби бўйича реакция-сўзларга қанчалар яқин бўлса, ассоциатив жараёнда мазкур реакция-сўзлар актуаллашуви шунчалар осон амалга ошади. “Минимал контраст” тамойили мазмунини тушуниш ассоциациялар табиатига қараб стимул-сўзларнинг семантик таркибини тиклаш имконини беради: стимул-сўзга жавобан берилаётган кўплаб ассоциациялар муайян сўзда мавжуд қатор аломатларни қамраб олади.

Синтагматик ассоциациялар деб ассоциацияларнинг грамматик синфи стимул-сўз мансуб грамматик синфдан фарқли ассоциацияларга айтилади (масалан, машина-кетмоқда, чекмоқ-ёмон, лола-гуллади ва х.). бошқача қилиб айтадиган бўлсак, парадигматик ассоциациялар тилга доир муносабатларни, синтагматик – нутқий муносабатларни акс эттиради.

Синтагматик реакцияларнинг кўпайиши тафаккурнинг комплекслигидан далолат беради. Л.С.Виготский фикрига кўра, тафаккур комплекслиги болаларча (синкетик) тафаккурнинг ўзига хослигини билдиради: предмет ёки хосса уни тўлдирувчи аксессуарлар билан бирга келади (болаларга хос ассоциатив реакциялар: экскаватор - ковлади, ўғил бола - уришқоқ, сут - оппоқ). Парадигматик ассоциатив реакциялар - 70% кам бўлмаслиги лозим. Синтагматик реакцилар кўпайиши аналитик операциялар етишмовлиги, тафаккурнинг инфантиллигидан далолат қиласи. Баъзан эса бу ҳол индивидуал-психологик хусусиятлар оқибати ҳам бўлиши мумкин (синалевчи бош миясининг ўнг ярим шари доминантлиги, “ижодкор” шахс тоифаси).

## Масалан:

Стимул	Мантикий реакция	
	Марказий	Периферик
Жанг - солдат	+	
Дард –օғир	+	
Жанг -рақс		+
Дард - овқат		+

Стимул	Грамматик реакция	
	Синтагматик	Парадигматик
Ёмғир – ёғар	+	
Киш – келди	+	
Куз – қиши		+
Ёмғир – лой		+
Үғри – урди	+	
Яхши – ёмон		+

Реакция-сўзлар лексик тузилманинг касбий хусусиятларини, воқеликка эмоционал муносабатни – ижобий, салбий, нейтрал, конкретлик-абстрактлик даражасини акс эттириши мумкин. Бундай экспериментни ўтказишида жавоб-реакциясини бериш учун кетган вақт давомийлиги алоҳида аҳамият касб этади. Эмоционал жиҳатдан муҳим сўзларга ассоциация бериш баъзан нейтрал сўзларга нисбатан кетган вақтдан икки ёки ундан ортиқ вақтни тақозо қиласи.

## Нерв-психик адаптацияни ўрганиш тести

**Сўровномани тўлдиринг.** Ушбу сўровнома ҳеч қандай тиббий ёки маъмурий мақсадларда қўлланилмайди.

Ҳар бир вариант тайёр жавобларга эга ва узок ўй юритишни тақозо қиласи.

## Жавоб варианtlари

<b>Жавоб варианtlари</b>	<b>Белгилар</b>
Бор ва ҳамиша бўлган	4
Узоқ пайтдан бери мавжуд	3
Охирги пайларда пайдо бўлди	2
Илгари бор эди ҳозирда мавжуд эмас	1
Йўқ ва бўлмаган ҳам	0

### Таъкидлар

1. Уйқусизлик
2. Атрофдагилар томонидан хатти-ҳаракатларимнинг маъқулланмаётгандай туюлиши.
3. Бош оғриқлари
4. Айтарли сабабсиз кайфият ўзгаришлари
5. Қоронгуликдан қўрқув
6. Ўзини бошқаларга нисбатан ёмонроқдай ҳис қилиш
7. Кўз-ёшларга мойиллик, йиғлоқилик
8. Томоқقا нимадир тиқилгандай бўлиши
9. Дармонсизлик ҳисси
10. Баландликдан қўрқув
11. Тез холсизланиш, чарчоқ хислари.
12. Ўзига ва ўз кучига ишончсизлик
13. Кучли айборлик ҳисси
14. Оғир хасталикдан хавфсираш (тиббий кўрикда ўз тасдигини топмаган)
15. Хонада ёки кўчада ёлғиз қолишдан қўрқиш
16. Одамлар орасида қизариб кетишдан хавотирланиш
17. Одамлар билан мулоқотга киришишда қийинчилик сезиш
18. Турли вазиятларда ўзи ва бошқалар учун асоссиз қўрқиш
19. Қўл ва оёқ титраши, ўз ҳиссиётларини намоён бўлишини боса олмаслик
20. Тушкун кайфият
21. Юракнинг тез-тез уриши
22. Ноҳуш ҳодиса рўй беришидан сабабсиз хавотирланиш

23. Бефарқлик
24. Асабийлашиш, жizzакилик
25. Кўп терлаш

### **Жавоб варакаси**

№	№	№	№	№
1	6	11	16	21
2	7	12	17	22
3	8	13	18	23
4	9	14	19	24
5	10	15	20	25

**“Хомаки” баллар йигиндисини қайта ҳисоблаш:**

«Хомаки» балл	z-бахо						
0	-4,11	9	-1,80	17	0,26	25	2,31
1	-3,86	10	-1,54	18	0,51	26	2,57
2	-3,60	11	-1,29	19	0,77	27	2,83
3	-3,34	12	-1,03	20	1,03	28	3,08
4	-3,08	13	-0,77	21	1,29	29	3,34
5	-2,83	14	-0,51	22	1,54	30	3,60
6	-2,57	15	-0,26	23	1,80	31	3,86
7	-2,31	16	0	24	2,06	32	4,11
8	-2,06						

Натижалар изохи:

- Саломатлик: -1,80 ва ундан паст;
- оптимал адаптация: -1,79 -1,04 гача;
- нопатологик психик дезадаптация: -1,03 +0,77 гача;
- патологик психик дезадаптация: +0,78 +1,80 гача;
- Эхтимолли бетоблик ҳолати: +1,81 ва ундан юқори.

## **А.БАСС ВА И.ДАРКНИНГ АГРЕССИЯ ШАКЛЛАРИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ**

**Таъкидларни ўқиши ёки эшитиши давомида улар сизнинг ҳаёт тарзингиз, хулқ-авторингизга қанчалар мос келишига қараб қуидаги тўртта жавобдан сизнинг ҳолатингизга мос тушадиганини белгиланг: «ҳа», «ҳа» десам ҳам бўлаверади», «йўқ», «йўқ» десам ҳам бўлаверади».**

1. Гоҳи - гоҳида кимнингдир жонини шундай оғритгим келади-ки, бу истакни ҳеч ҳам енголмайман.
2. Баъзан ўзимга ёқмаган одамлар ҳақида гап сотишим мумкин.
3. Менинг жаҳлим тез, бироқ жаҳлдан тушишим жудаям осон.
4. Мендан яхшиликча сўралмаса илтимосларни бажармайман.
5. Мен ўзимнинг ҳақимни ҳар доим ҳам ундира олмайман.
6. Одамлар орқаворотдан мен ҳақимда гап-сўз қилишларини биламан.
7. Бирорлар хатти-ҳаракатини маъқулламасам – бу нарсанни уларга секингина сездириб қўяман.
8. Кимнидир алдашга мажбур бўлиб қолсам, виждоним қийналади.

9. Мен ҳеч кимга қўл кўтара олмасам керак.
10. Мен ҳеч қачон қўлга илинган нарсани отиш даражасида жаҳл қилмайман.
11. Бирорларнинг камчиликларига доимо кўнгилчанлик билан қарайман.
12. Агар ўрнатилган тартиб менга ёқмаса, уни бузгим келади.
13. Одатда, баъзи одамлар фурсатдан фойдаланиб ўз ишини тўғрилаб олишни яхши билишади.
14. Кутганимдан ортиқ илтифот кўрсатаётган сермулозамат одамлар мени улардан эҳтиёт бўлишга ундейди.
15. Одамлар билан кўпинча муроса қилолмайман.
16. Аҳён-аҳён ўзимни хам уялтирадиган ўй-фикрлар миямга келиб туради.
17. Менга тарсаки тортган кишига тарсаки билан жавоб бермайман.
18. Жаҳлимни чиқаришса эшикни қарсиллатиб ёпаман.
19. Мен ювош кўринсанда, аслида жаҳлдорман.
20. Агар кимдир ўзини раҳбардай тутса, атай унга қарши хатти-ҳаракат қиласман.
21. Қисматим мени бироз ранжитади.
22. Мени кўплар ёқтирмаса керак деб ўйлайман.
23. Кимлардир фикримга кўшилмаса - тортишмай туролмайман.
24. Ишдан бўйин товлаганлар ўз айбларини ҳис қилишлари лозим.
25. Мени ёки менинг оиласми мендан кўрадиганини кўрадиган кишигини ҳақорат қилиши мумкин.
26. Қўпол ҳазилларга мойил эмасман.
27. Устимдан кулишса жаҳлим чиқади.

28. Кимлардир кибрга берилиб, ўзгаларни оёгини учи билан кўрсатса, уларнинг попугини пасайтириб қўйиш қўлимдан келади.

29. Деярли ҳар ҳафта ўзимга ёқмаган кишилардан бирор-таси билан тўқнаш келаман.

30. Аксарият одамлар менга ҳасад қилади.

31. Одамлардан хурматимни жойига қўйишиларини талаб қиласман.

32. Ота-онамга кўнгилдагидек қараша олмаганим учун эзиламан.

33. Муттасил жонингдан тўйдирадиганларни жағига бир туширсанг арзийди.

34. Гоҳида жаҳлим чиқса қовоғимдан қор ёғади.

35. Гарчи одамлар менга, аслида ўзим арзиганимдан ҳам ёмон муно-сабатда бўлсалар-да хафа бўлмайман.

36. Кимдир жигимга тегишига ҳаракат қилса ҳам мен унга парво қилмайман.

37. Ошкора намойиш қиласамда, баъзан ичимда куйина-ман.

38. Баъзан одамлар менинг устимдан кулишаётгандай туюлади.

39. Минг аччиғим чиқса, болхонадор қилиб сўка олмайман.

40. Гуноҳларим авф этилишини истар эдим.

41. Кимдир мени урган тақдирда ҳам, камдан кам ҳолларда унга жавоб қайтараман.

42. Баъзи ишлар менинг айтганимдай бўлмаса хафа бўламан.

43. Баъзан одамларнинг борлиги ҳам ғашимга тегади.

44. Мен чинакамига нафратланадиган одамнинг ўзи йўқ.

45. Менинг шиорим: «БЕГОНАЛАРГА ИШОНМАСЛИК КЕРАК!»

46. Кимдир жиғимга тегса, у ҳақда ўйлаганларимни юзига айтишгача бораман.
47. Қилиб қўйган кўплаб ишларимдан кейинчалик пушаймон ейман.
48. Аччиғим чиқса, мушт туширишдан ҳам қайтмайман.
49. Мен болалигимдан ғазабимни яшириб яшашга ўрганганиман.
50. Кўпинча ўзимни сабр косам тўлиб кетгандай ҳис қиламан.
51. Одамлар мен нималарни ҳис қилаётганимни билишса эди, мени муросасиз, характери оғир инсон деб ҳисоблашган бўлар эди.
52. Одамлар менга нима сабабдан яхшилик қилишар экан, деб ўйлаганим ўйлаган.
53. Менга бақирсалар, мен ҳам овозимни баландлатаман.
54. Муваффақиятсизликлар мени қайфуга солади.
55. Жанжалкашлигим бошқаларникидай: кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас.
56. Ғазабдан қўлимга илинган нарсани отиб синдирган пайтларим ҳам бўлган.
57. Баъзан айнан ўзим биринчи бўлиб жанжал чиқаришим мумкинлигини ҳис қиламан.
58. Баъзан қисмат менга нисбатан адолатсиз бўлаётгандай туюлади.
59. Авваллари одамларни самимий деб билардим, энди эса— йўқ.
60. Ғазаблансангина сўкинаман.
61. Нотўғри иш қилсан виждоним қийналади.
62. Ўз ҳақ-хуқуқимни ҳимоя қилиш учун жисмоний куч ишлатиш лозим бўлса-ишлатаман.
63. Баъзан аччиқ устида столни мушттайман.
64. Ўзимга ёқмаган одамларга нисбатан қўполроқ бўламан.

65. Менга зиён етказишни истайдиган душманим йўқ.
66. Жазога лойик одамни жазолаш қўлимдан келмайди.
67. Кўпинча нотўғри ҳаёт кечирганлигимни ўйлаб қоламан.
68. Жаҳлимни чиқариб мени муштлашишгача олиб бориши мумкин бўлган одамларни биламан.
69. Арзимаган майда-чуйдаларга ранжимайман.
70. Одамлар менинг жигимга тегишишмоқчи ёки ҳақоратлашмоқчи деган ўйлар камдан кам ҳолларда миямга келади.
71. Кўпинча амалга оширмасамда дўқ-пўписа қилиб қўяман.
72. Охирги вақтда эзма бўлиб қолдим.
73. Бахслашаётганимда овозим ўз-ўзидан баландлаб кетади.
74. Одамларга нисбатан ёмон муносабатда эканимни яширишга ҳаракат қиласман.
75. Тортишиб ўтиргандан кўра, кўниб қўя қоламан.

Маълумотларни қайта ишлаш жараёнида «ҳа» ва «ҳа десам ҳам бўлади» жавоблари бир хилда, яъни «ҳа» каби хисобга олинади, шунингдек «йўқ» ва «йўқ десам ҳам бўлади» жавоблари ҳам бир хилда, яъни «йўқ» каби хисобланади.

## 1-КАЛИТ

Сўровнома натижаларини қайта ишлаш.

1. Жисмоний агрессия (K=11)

1+ ; 9 - ; 17 - ; 25 + ; 33 + ; 41+ ; 48+ ; 55+ ; 62+ ; 68+.

2. Вербал агрессия (K=8)

7+ ; 15 + ; 23+ ; 31+; 39 - ; 46+; 53+; 60+; 66 -; 71+; 73+; 74 -;

75 -.

3. Орқаворотдан (билвосита) бўладиган агрессия (K=13)

2+; 10+; 18+; 26 -; 34+; 42 +; 49 -; 56+; 63+.

4. Воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, инкор этиш  
(Негативизм) (K=20)

4+; 12+; 20+; 28+; 36 -.

5 Жиззакилик (K=9)

3+; 11 -; 19 +; 27+; 35 -; 43+; 50+; 57+; 64+; 69 -; 72 +.

6 Сергумонлик (K=11)

6+; 14+; 22+; 30+; 38+; 45+; 52+; 59+; 65 - ; 70 -,

7 Ранж (K=13)

5+; 13 +; 21+; 29 +; 37+; 44+; 51+; 58+.

8 Айбдорлик ҳисси (K=11)

8+; 16 +; 24 +; 32+; 40 +; 47+; 54+; 61+; 67+.

«-» белгили саволлар жавобларини қайд қилаётганда агар жавоб «ҳа» бўлган бўлса «йўқ» дея, агар «йўқ» бўлса «ҳа» каби қайд қилиниши талаб этилади.

Баллар йифиндиси ҳар бир агрессивлик параметрида кўрсатилган коэффициентга кўпайтирилгач, улар солиштиришга қулай меъерий кўрсатгичларга айланади.

Суммар кўрсаткичлар;

( 1+ 2 + 3 ) / 3=ИА (Агрессия индекси )

( 6+ 7 ) / 2 =ИАд (Адоватлилик индекси)

1 . Жисмоний агрессия - бошқа бир одамга қарши жисмоний куч ишлатиш.

2 . Вербал агрессия – салбий ҳис-туйгуларни оғзаки тарзда ифодалаш (жанжал, қий-чув солиш, сўкиниш, таҳдид, лаънат айтиш, қарғиши кабилар)

3. Орқаворотдан бўладиган ё билвосита агрессия – бошқа шахсга қаратилган ғийбат, пичинг кўринишидаги билвосита олинадиган алам, нафратнинг йўналиши аниқланмаганлиги ҳам бўлиши мумкин (ер тепиш, бақириб-чақириш)

4. Негативизм (воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, ҳамма нарсани инкор этиш) – раҳбарият ёки обрўга қарши йўналган хулқ-атвор, талаб, тартиб, қонунларга қарши пассив монеъликдан фаол хатти-ҳаракат даражасигача бориб этиши мумкин.

5. Жizzакилик – жizzакиликка мойиллик, арзимаган нарсага портлаб кетиш, кескинлик, қўполлик қилиш.

6. Сергумонлик – ишончсизликка мойиллик, одамлар билан эҳтиёт бўлиб муносабатга киришиш, атрофдагилар зарар етказиши мумкин, деган ўй билан яшаш.

7. Ранж – кимдандир ёки бутун оламдан аламзадалик, хаёлан ёки чиндан ҳам келтирилган изтироб, ғазаб, атрофдагиларга нисбатан нафрат, ҳасаднинг намоён бўлиши.

8. Аутоагressия – ўзи ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган айбдорлик ҳисси, ўзига қарши қаратилган хатти-ҳаракат, яъни ўзини айлаш, мен ундоғман, мен бундоғман, деб ич-этини ейиш.

## РИГИДЛИКНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

**РИГИДЛИК** – ўзгарувчан вазиятларга қараб мотивация жараёнини коррекция қилиш талаб этилган пайтда аҳамиятга молик бўлади. Ригидлиги юқори бўлган кишининг ўз хулқатвори стратегиясини ўзгартириши оғир кечади. Оқибатда қабул қилган қарорлари ҳамда шаклланётган мотивлари ҳар доим ҳам вазиятга адекват (мос) келавермайди.

**КЎРСАТМА:** «Агар Сиз ушбу сўровномадаги таъкидларга ҳамда хулқ-атворнинг у ёки бу хусусиятларига қўшилсангиз, таъкиднинг тартиб рақами олдига 2 балл қўясиз, агар «умуман қўшилса бўлади» деб ҳисобласангиз - 1 балл, агар қўшилмансангиз - 0 балл қўйинг.

1	одатларимни ўзгаришиш қийин
2	диққатимнинг кўчиши қийин
3	барча янгиликка эҳтиёткорлик билан муносабат билдираман
4	мени фикримдан қайтариш мушкул
5	баъзан ўйлашга арзимайдиган фикрлардан миямни тозалашим оғир бўлади
6	одамлар билан киришиб кетишм қийин
7	режаларимдаги арзимас ўзгаришлар ҳам кайфиятимни бузиб ташлайди
8	ўзимга яраша ўжарлигим бор
9	таваккалчилик менга хос эмас
10	ўзим томонимдан қабул қилинган тартиб қоиданинг бузилаётганини кескин ҳис қиласман

*Натижаларни қайта ишилаш:*

Кўрсатмага биноан қўйиб чиқилган баллар йифиндиси ҳисобланади.

0-7 балл - Ригидлик йўқ, бир фикр - тушунчадан бошқасига кўчиши осон.

8-14 балл - Ўртача даражадаги ригидлик мавжуд;

15-20 балл – Юқори даражада намоён бўладиган ригидлик.

Бир марта қабул қилинган қарор ёки хатти-ҳаракатлар вазият тақозо қилган тақдирда ҳам ўзгаришга учраши оғир кечади.

## ЛЮШЕРНИНГ РАНГЛАРГА ОИД ТЕСТИ

Ҳар бир ранг ўзи билан кишига ҳам физиологик, ҳам психологияк таъсир этувчи маълум энергетик қувват ташийди. Шунинг учун киши ҳолатига қараб (маълум вазиятда, доимий) турли рангларни ёқтириши мумкин. Масалан, Х. Айзенк таъкидлашича, юқори фаоллиги билан ажralиб турадиган кишилар ёрқин рангларни ҳуш кўраркан. Люшер тести синалувчининг маълум фаолиятга, маълум эҳтиёжларни қондиришга йўналганлигини унинг ранг танлашига қараб аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Люшер буйича асосий ранглар қўйидаги психологик эҳтиёжларнинг тимсоли бўлади:

**КЎҚ** – хотиржамликка, тинчликка, барқарор ижобий муносабатларга бўлган эҳтиёжлар

**ЯШИЛ** – ўз-ўзини тасдиқ этишга бўлган эҳтиёж

**ҚИЗИЛ** – фаол ҳаракат билан муваффақиятга эришиш эҳтиёжи

**САРИҚ** – келажакка, яхшиликка умид, орзу қилишга бўлган эҳтиёж

**КЎРСАТМА:** Синалувчига стандарт кўринишга эга рангли қоғозлар кўрсатилади (4-таси юқорида зикр қилинган ранглар ва 4-таси тулдирувчи: сиёҳранг, жигарранг, қора, кулранг) ҳамда уларни қўйидаги тартибда қўйиш тавсия қилинади: энг аввал ҳаммасидан кўра кўпроқ ҳуш кўрадиган рангдаги қоғозни, ундан кейин камроқ ҳуш кўрадиганини ва ҳ.к., улар шундай тақсимланиши шартки, рангли қоғознинг сўнгиси энг ёқтиргмаган рангли қоғоз бўлиши керак.

**ХУЛОСА:** Агар асосий ранглар 1-5 ўринларда турса, демак, шу рангларга мансуб эҳтиёжлар маълум даражада қондирилаётган бўлади, агар 6-8 ўринларда турса, демак, ушбу эҳтиёжларни қондириш имкони бўлмаётган бўлади.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

### I ҚИСМ. СУИЦИДАЛ ХУЛҚ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

1.1 Суицид тўғрисида.....	4
1.2 Суицид ва психоанализ.....	6
1.3 Суицид ва социология.....	12
1.4 Суицидни тушунтиришга доир гуманстик ёндашув.....	15

### II-ҚИСМ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА СУИЦИД ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК

2.1. Оммавий ахборот воситаларининг суицидал муҳит вужудга келишидаги ўрни.....	19
2.2. Локаллашган суицидал кластерлар пайдо бўлишида ОАВ ўрни.....	21
2.3. Суицид ва Интернет.....	24
2.4. Суицидлар кўпайишига кино асарларининг қўшган ҳиссаси.....	25

### III-ҚИСМ. СУИЦИДАЛ ХУЛҚНИНГ ЖИНСИЙ ФАРҚЛАРИ

3.1 Аёллар суициди тўғрисида.....	34
3.2 Аёлларда суицидал хавфни кучайтирувчи омиллар.....	36
3.3 Аёллар суициди ва психик бузилишлар.....	38
3.4 Аёллар суициди ва ирсийлик омили.....	40

### IV-ҚИСМ: ИСЛОМ ДИНИДА СУИЦИД ХУСУСИДАГИ АҲКОМЛАР ТАҲЛИЛИ

#### V-АМАЛИЙ ҚИСМ

5.1 Суицидал хулқ аломатлари хусусида.....	53
5.2 Нерв-психик бекарорлик белгилари.....	60
5.3 Суицидал хулқ профилактикасида гештальт-терапия аҳамияти.....	64
Суицидал хулқ психологик диагностикаси.....	75

---

**Б.М.БОТИРОВ, С.Р.БОТИРОВА**

## **СУИЦИДАЛ ФАОЛЛИК ВА УНИ ПРОГНОЗЛАШ МУАММОЛАРИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021**

Мұхаррір:

**Ш.Күшербаева**

Тех.мұхаррір:

**А.Мойдінов**

Компьютерда

**Ш.Мирқосимова**

сағиғаловчи:



**E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел.: 97-450-11-14, 93-381-22-07.**

**Босиға рухсат этилди 01.04.2021.**

**Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman» гарнитураси.**

**Офсет босма усулида босилди.**

**Шартлы босма табоги 7,0. Нашриёт босма табоги 7,25.**

**Тиражи 1000. Буюртма № 45.**

**«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»**

**босмахонасида чоп этилди.**

**Тошкент ш., Фозилтепа күчаси, 22 б-й.**